




Guliston ¹/₂₀₀₂



*Ўзбекистон халқ рассоми
Раҳим АҲМЕДОВ
иждодидан намуналар*



Халқимиз “Қариси бор уйнинг париси бор”, дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор... Юртимиздаги барча ёши улуг инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилишни таклиф этаман.

Ислом КАРИМОВ.

Guliston

1
2002

yanvar-fevral

Ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-ommabop
va badiiy bezakli jurnal

MUASSIS:

*O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat ishlari vazirligi*

Bosh muharrir —

Tilab MAHMUDOV

Tahrir hay'ati:

**Rustam ABDULLAYEV,
Bahodir ABDURAHIMOV,
Bobur ALIMOV,
Otanazar MATYOQUBOV,
Mahkam MAHMUDOV,
(bosh muharrir o'rinbosari),
Alisher MIRZAYEV,
Ma'pura NABIYEVA,
(mas'ul kotib),
Yo'ldosh SULAYMON,
Aziz TO'RAYEV,
Erkin ERNAZAROV,
Ravshan YUNUSOV,
Muhsin QODIROV,
Usmon O'ORABOYEV,
Tursunali QO'ZIYEV.**

Jurnal 1925 yildan chiqa boshlagan.

USHBU SONDA

Muharrir minbari. Davr va zamonaviy qahramon	2
M. SOLIYEVA, G. ORIPOVA. Milliy g'oya va an'analar	4
Yulduz ERGASHEVA. Ma'naviy ko'prik	5
Naim NORQULOV, Xolmurod XIDIROV. O'zbekistonning yangi tarixi — ijtimoiy islohotlar ko'zgusi	6
Fatxulla ERGASHEV. Demokratiya va taraqqiyot	8
Sayyora MAVLONOVA. Milliy ruhiyat sadosi	9
Shomat SAMATOV. Tinchlik - madaniyat talabi	10
Abduvosit YO'LDOSHEV. Madaniyatni boshqarish muammolari	11
Xurram HAYDAROV. Mafkuraning maqsadlari	13
Gulnora MANSUROVA. Millat tildan boshlanadi	14
Farida AHMAD qizi. Xalq ma'naviyatida oilaning o'rni	15
Dilbar MAHMUDOVA. Qo'msash.	16
Saidaxbor BULATOV, Abdulla ELMUROTOV. Ustoz va shogirdlik	19
O. PO'LATOV, K. YARASHEV, Sh. PAVLOV. Jismoniy tarbiya — sog'lomlik yo'li	20
Suyun QORAYEV. Fidoyilar	22
Usmon QORABOYEV. Tafakkur tomchilari	24
Ma'pura NABIEVA. "Raqs — go'zallik va nafosat" (Raqqosa Muazzam G'afurova bilan muloqot)	26
Akbarali SABIRDINOV. Oybek she'rlarining milliy jozibasi	28
Oyshamgul MUHAMMAD. Uyg'ur naxshchilik san'ati	29
Q. YO'LDOSHEV. Zulfiqor ruh manzillari	30
Muhiddin OMON. "Endi faqat yulduz sochar tun..."	31
Behzod MAHMUDOV. Erkinlik va ekinlik	32
Feruza SOLIYEVA. Ayollar baxti va xulq go'zalligi	34
Mahmuda ABDULLAYEVA. Bilimlar shamchirog'i (Toshkent Davlat Agrar universiteti kutubxonasi direktori Gulbahor G'oyibova bilan suhbat)	36
Ja'far XOLMO'MINOV. Jomiyning falsafiy-irfoniy sharhnomalari	38
Mahkam ANDIJONIIY, Nasiba KAMOLOVA. Ruhparvar qatralar	40
To'lqin AHMEDOV. Rangtasvirda Ayol siyosi	42
Dildora ABDULLAYEVA. Shoir Zoriyning ijodiy merosi	43
Bobonazar MURTAZOYEV, Parda OLIMOV. Adib Sobir Termiziy	44
Solijon QURBONOV. Nosir Buxoriy devoni	46
Ne'matulloh IBROHIM. Mavlonov... yo'lida (She'riy turkum)	48
Minyura MAMASIDDIQOVA. Tipologik nisbat kategoriyasi	49
Ne'mat UBAYDOV. Mirzo Ulug'bekning xotin-qizlarga munosabati	50
Jaloliddin RUMIY. Masnaviy (Davomi. Boshi o'tgan sonlarda)	52
Olim QO'CHQORBEKOV. Oyshabibi voqeasi yoxud ko'zyosh maqbarasi	58
Mashhura SHERALIYEVA. "Kichkina odam"ning ovozi.	60
Mahmudjon DADABOYEV. Ma'naviyat. Musiqa. Din... ..	61
Saboat SAFAYEVA. Ijtimoiy taraqqiyot va ayollar muammosi.	62
Salohiddin SIROJIDDINOV. Hushqomat bo'lishni istasangiz (Hajviya)	63

Муқованинг биринчи бетид:

Истеъдодли раққоса
Муаззам ҒАФУРОВА.



«Бу борада халқимизнинг ёшларга ибрат бўладиган буюк намоёндалари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, навқирон авлодни улардан ўрнак олиш руҳида тарбиялаш ҳам катта ўрин тутади. Бунинг учун тарихимизда ўтган улуг зотларнинг ҳаёт йўли, қолдирган меросини бирёқламлиликка берилмай, тўғри ва ҳаққоний акс эттириш даркор.

Лекин фақат ўтмишдаги сиймолар билан чеклаиб қолмасдан, бугунги кун қаҳрамонларини, илгор замондошларимизни ҳам миллат, халқ минбарига кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш керак. Токи, улар ёшлар учун том маънода ибрат намунаси бўлсин».

Ислом КАРИМОВ.

Давр

Ва

Замонавий

қаҳрамон

Мустақил бўлганимизга, миллий ўзлигимизни эркин намоён этиш имкониятини қўлга киритганимизга ўн йил тўлди. Бу йилларнинг моҳияти, мазмуни асрлар елкасида кўтариб келган, ажодларимиз қалбига кўмилган армонлар юкига нисбатан ниҳоятда оғир ва ниҳоятда шарафлидир.

Халқимизда олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деган мақол бор. Балки миллатимиз учун инсоний яшашни таъминлаган, эркин нафас олиш бахтига мушарраф этган, миллат учун ўзлигини намоён этиш шариитини яратган мустақилликни биз шунчаки оддий, жўн бир жараён сифатида қабул қилганимизданми ёки ҳар қандай ижтимоий тўлғоқлар менинг танамдан ташқарида кечади, деган ақидага кўникиб қолганимизданми, ҳар қалай, миллий мустақилликнинг бутун ижтимоий-тарихий ва маънавий моҳиятини баъзан етарли даражада идрок этилмаётгандай ҳолатни сезиб қоламиз.

Ана шунда шахс, миллат ва мамлакат учун ижтимоий фаолсизлик, бепарволик нақадар оғир дард эканлиги билинади. Баландпарвозлик қанчалик ҳақиқатдан йироқ бўлса, ижтимоий лоқайдлик ҳам шунчалик ҳақиқатни, гўзалликни кўришга халал беради.

Биз қачонки, дунёда яқка яшамаслигимизни, ёлғиз инсон миллатни ташкил эта олмаслигини ҳис қилганимиздан кейингина, қалбимиз, онгимиз ва амалларимиз ижтимоий-маънавий жараёнлар ифодаси эканлигини идрок этганимиздан кейингина шахс сифатида жамиятда ўз ўрнини мизга эга бўламиз. Акс ҳолда ўз уйимизда ўзимиз адашиб юрамиз.

Мустақиллик бизни ана шундай мудроқлик, карахтлик, лоқайдлик ва мутеълик асоратларидан кўзимизни очди, онгимизга қанот, туйғуларимизга куч-қувват бағишлади.

Бинобарин, мустақиллик даври ўз қаҳрамонлари, ўз бадиий образларини яратишни ижодкорлар олдиға ижтимоий-тарихий ва бадиий-эстетик вазифа сифатида қўйди. Чунки ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари бўлади ва улар бадиий ижодиётда ўз ифодасини толиб келган.

«Давр қаҳрамони» деганда, албатта, кўчага байроқ кўтариб чиққан, баррикадалар курган ёки курул билан ўз душманига ҳамла қилган кишиларни тасаввур этиш одат тусига кириб қолган эди. Онгимизда қаҳрамон сиймоси революцион курашга (синфий, мулкий ёки шахсий адоват ва ҳоказо) отланган, жангу жадалларда чиниққан ёки ўзини танк тагига ташлаган, кўша-кўша орден, медаллар таққан одам қиёфасида ўрнашиб қолган эди.

Бу — онгимиздаги азалдан шаклланган стереотип замонавий қаҳрамон.

Ваҳоланки, мустақиллик, наинки, ҳаётдаги қаҳрамонларни, балки бу қаҳрамонларга бўлган муносабатни аллақачон ўзгартириб юборди. Давримиз қаҳрамони деганда мен бутун миллат, мамлакат ва барча пок, имонли кишиларни кўз олдимга келтираман.

Мустақилликни миллат ва мамлакат қўлга киритди ва уни мустаҳкамлаш учун бутун мамлакат ва миллат ижтимоий-тарихий ҳамда маънавий жараёнларга жалб этилди. Мураккаб жараёнлар ичидан алоҳида шахс, алоҳида сиймоларни ажратиб олиб, уларни бадиий тип, бадиий образ тарзида намоён этишнинг ҳам қийинлиги, ҳам масъулиятли эканлиги ана шундан.

Ҳозирги кунда «Замонавий қаҳрамон» тушунчасининг мазмуни ва моҳияти ўзгача. Миллатимиз, миллий кадриятларимиз, миллат мустақиллиги ва истиқболи — биз учун «Замонавий қаҳрамон». Бу «қаҳрамон»ни конкретлаштирадиган, шахсга кўчирадиган бўлсак, Президентимиз ёшлар масалаларига бағишлаб ўтказилган мажлисда таъкидлаб ўтганларидай, «Юртимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартиришга муносиб ҳисса кўшаётган, ўзининг самарали меҳнати, илмфан, ижод ва санъатда қўлга киритаётган ютуқлари билан бошқаларга ибрат бўлаётган, Ватанимиз ҳимояси, сарҳадларимиз, юрт тинчлигини таъминлашда жонини ҳам аямайдиган ўғлонларимизнинг мардона қиёфасини, уларнинг бадиий сиймосини биз қаерда кўриб мамнун бўлишимиз мумкин?» Албатта, бадиий ижодиётда!

Мустақиллик даврида ўзгарган, ўзлигини англаб намоён этаётган ҳамда янгидан шаклланиб, етилган одамларнинг ҳаққоний қиёфасини, образини яратиш мустақиллик даври адабиёти ва санъатининг замонавийлигини белгилайди.

Адабиёт ва санъат ўтган даврлардан қолган энг катта иллат — замонфурушлик касалидан фориг бўлди. Замонфурушлик иллати таъма, маддоҳлик, мутелик ва виждон куртлашининг натижаси эди.

Инсон тафаккури, хаёли ва эстетик идеали билан ижтимоий ҳаёт ўртасидаги мувозанат бузилганда, дил тилга бўйсинмаганда ёки, аксинча, тил дилга хиёнат қилганда, бадиий тафаккур мафкура яккахокимлигининг чизган чизигидан юришга мажбур бўлганда замонсозлик иллати илдиз отади. Шунинг учун ҳозирги давр қаҳрамонини тўғри ва аниқ тасаввур этиш

лозим бўлади. Миллат — қахрамонга айланган замон келди; мамлакатимиз — миллий қахрамонларни етиштираётган эркин ижтимоий муҳитга айланган замон келди. Президентимиз сиймоси том маънодаги миллий қахрамон тимсоли сифатида идрок этилмоқда. Миллат, халқ ижтимоий ҳаракатнинг парраги эмас, сохта шiorларга кўр-кўрона эргашувчи пода эмас, балки миллий онг, миллий гурур ва миллий мафкура билан қуролланган янги ижтимоий-тарихий ҳодисага айланди.

«Замонамиз қахрамони» деганда биз стереотип тушунчадан ташқарига чиқа олмасак, замонни ўзгартираётган замондош қахрамонларни кўра олмаймиз. Кўзимиз фақат олибсотарлар, бизнесменлар, савдогарлар, қаерда нима иш қилиши номаълум, аммо бадавлат яшайдиганлар, қават-қават иморат кураётганлар, юлдузни бенарвон урадиганларни кўради, холос.

Шуни эътироф этиш керакки, санъаткор бундай шахсларни, кимсаларни «қахрамон» сифатида кўргиси келмайди. Хусусий мулк ва мол-дунёга бизда ички бир жирканиш шаклланиб қолган. Пулдорларни ёмон кўриш, уларга бошқача кўз билан қараш бизда социалистик мафкура тарбиясидан мерос қолган. Ана шундай руҳий тўлғоқлар исканжасидан кутулиб, шахсий мулк, ижтимоий бойлик, тинч-тотув яшаш — бу эркинлик, мустақиллик шарофати деган тушунчага келаятган кишилар образини яратиш зарур эмасми?

Ижод аҳли орасида шундай бир кайфият бор. Гўё ижтимоий ҳодисалар бўлиб ўтган заҳоти уларнинг эстетик моҳиятини тасвирлаб бўлмайди. Воқеалар тиниб, кўпмураккаб жараёнлар тўғри ўзан бўйлаб ҳаракат қилгандан кейин, қисқаси, маълум вақт ўтгандан сўнг уларнинг аҳамияти ва моҳияти яққолроқ кўринади, деган тушунча мавжуд.

Бу фикр ҳамма давр ижтимоий ҳодисаларига тааллуқли эмас. Миллат ва мамлакат тарихи ва тақдирида жаҳоншумул бурилиш содир бўлган экан, жумладан, халқимиз асрлар мобайнида орзу қилган мустақилликка эришган экан, миллат ва мамлакат маънавий ҳаётида ниҳоятда катта ва улғувор жараёнлар амалга оширилатан экан, бу ҳодисаларнинг бадий-эстетик тасвири учун маълум вақт ўтишини кутиб ўтириш шарт эмас.

Миллат ва мамлакат тақдирида бир кун, бир сония ҳам тарих бўлиб қола беради. Вазифа бу жараёнларнинг ижтимоий-эстетик қимматини келажак авлодларга бадий образлар

тимсолида қолдиришдан иборатдир.

Вақт ва замон дарёсини тинитиб, сўнгра юзага қалқиб чиққан нарсаларни бадий тасвирлаш лозим дейиш хато бўларди. Масалан, ўз маблагидан мактаб, ҳаммом қуриб бераётган, кўчаларни асфальт қилаётган, ҳамқишлоқларига газ етказиб бераётган, ўз жонини қурбон қилиб, мамлакат тинчлиги учун курашаётган, кечани кеча, кундузни кундуз демая пахта, галла, мева, сабзавот етиштираётган замондошларимиз камми?

Мустақиллигимизга ўн йил тўлган экан, бу давр ичида замонамиз қахрамони етилмади ёки уни топиб бўлмайди, дейиш унчалик тўғри эмас. Бундан мустақиллик омонат ҳодиса, ким билади — нима бўлишини, унинг қахрамонлари ҳали аниқ шаклланмаган, деган гапчиқиб қолади.

Тан олиш керакки, ижодкорлар ҳаётда мавжуд ва мустақилликни мустаҳкамлаш учун астойдил меҳнат қилаётган кишиларни ўз вақтида кўра олмаяпти ва уларнинг жозибали образини бадий ифода қила олмаяпти.

Ижодкорларнинг ҳаёт оқимидан орқада қолаётганликлари ҳам рост. Агар тарих нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, шу ўтган ўн йил шундай воқеаларга бой ва мазмунли бўлдики, улар юзлаб асарларга сарлавҳа ва зарлавҳа бўла олади.

Тарихий шахслар ҳамда воқеаларга бағишланган асарлар кўз ўнгимизда. Амир Темури ҳайкали ва музейи, Алишер Навоий номидаги миллий богимиз, Улугбек ҳайкали, Бобур боғи ва ал Бухорий, Жалолиддин Мангуберди, «Авесто» мажмуалари, Баҳоуддин Нақшбанд, Мотурдуий, ат Термизий ва ҳоказо ислом дунёси алломаларига бағишланган меъморий обидалар. Булар замонамизни безаб, замондошларимиз қалби ва онгини мунаввар этмоқда.

Бу яхши, Муқанна образи керак, Жалолиддин Мангуберди образи керак, Амир Темури образи керак. Лекин мустақиллик билан бирга туғилган ёки қайта тикланган қадриятлар, ҳодисалар, янги характерларни белгилловчи хусусиятлар, халқ маънавий мулкнинг ажралмас қисми бўлиб кетган бошқа воқеалар борки, улар аллақачон ижод аҳли эътиборини жалб этиши лозим эди. «Наврўз», «Мустақиллик куни» байрамларининг тантаналари, Қамчиқ довони қурилиши, шаҳар ва қишлоқларимиз кўринишларидаги ўзгаришлар рассомлар полотноларига мавзу бўла олмайди?

Нега бизда очерк жанри йўқолиб кетди? Нега жойлардан репортажлар камайиб қолди? Гарчи гўзал водийлар, баланд тоғлар, чўлу саҳролар

асрлардан буён қандай бўлса шундай турса-да, уларнинг бағридаги одамлар ўзгача, у ерларда истиқомат қилаётган кишилар руҳи, онги, идеали, тушунчаси ўзгарган. Ана шулар бизнинг замондошларимиз, асарларимиз қахрамонлари бўлишга арзимайдими? Уларнинг турмуш тарзи ва онгида кечаётган жараёнларни бадий тадқиқ этиш бизнинг шарафли бурчимизга айланиши керак.

Давримиз ва замондошларимиз образини яратишни биздан кейин келадиган авлодлар елкасига ташлаш инсофдан эмас. Биз кузатувчи бўлиб, қўл қовуштириб ўтиришга ҳаққимиз йўқ. Улуг даврнинг улғувор ишларини бажараётган ва мустақиллик йўлида ҳалол, пок меҳнат қилаётган замондошларимиз ижодкорлардан бадий-эстетик жавоб олишга ҳақли.

Замондош образини яратиш доимо долзарб муаммо бўлиб келган. Яқин ўтмишни бир эслайлик. Шўролар даврида ҳам замондош образини яратиш ижодкорлар олдида гоёвий-бадий вазифа сифатида қўйиларди. У пайтларда ҳар бир ижодкордан мафкуравий доира, социалистик реализм қолипидан чегарасидан чиқмаслик талаб этиларди.

У даврнинг характерли белгилари қуйидагилардан иборат эди:

— коммунистик тенденциозликнинг устуворлиги;

— ҳаётни революцион ағдар-тўнтар қилишнинг афзаллигини улғулаш;

— замондошлар образининг гултожи ҳисобланган коммунист сиймосини яратиш;

— революция гилдирагининг ўқи сифатида идрок этилган ишчилар синфи гегемонлигини куйлаш;

— миллат ўрнига «совет халқи»ни улғулаш;

— миллий ўзига хосликнинг аста-секин интернационал муштаракликка ўрин бўшатиб беришини кўрсатиш.

Бунинг оқибатида: бадий образлар ифодасида табиийликнинг, ҳаёт ҳақиқатининг йўқолиб бориши содир бўлди; образлар дунёсида сунъийлик, китобийлик қарор топди; жонли образлар ўрнига ҳиссиётсиз кўғирчоқлар, маънавияти қотиб қолган фанатик қиёфалар тасвирланди; бадий ижодиёт ўз специфик вазифаларидан бегоналаштирилиб, коммунистик ташвиқот ва тарғибот қуролига айлан-тирилди; миллий тарих, анъана ва қадриятларга эътиборсизлик кучайиб, улар баландпарвоз, сохта гоёларга қурбон қилинди; бадий ижодиётнинг қон томирлари бўлган миллий ўзига хослик, шакл ва мазмун бирлиги, оригиналлик, санъаткор индивидуаллиги ва эркинлигини оғизда тан олиб,

амалда поймол этилди.

Ана шундай бадий-эстетик тажриба ва тарбиядан бирдангина кутулиб бўлмаслиги равшан, албатта. Лекин тарихда шундай даврлар бўлар эканки, минг йиллик сунъий ёки мажбурий кўникмалар қуёш чиқиши биланок йўқ бўлиб кетадиган шудрингга ўхшаб қолар экан. Миллат тирик, мамлакат мавжуд бўлса-да эркин ҳаво, кўнгил навосига орзуманд паллаларда бунга имконият ва шароит туғилиши билан бадий тафаккур ҳам чарақлаб кетиши табиий ҳол экан.

Мустақиллик бизнинг онгимиз, тушунчамиз ва идеалларимизни ана шундай бирдан кучли ярқираб, янгилашиб, ўзлгимизни намоён этиш имкониятини берди. Шунинг учун мустақиллик даври адабиёти ва санъати оламида жуда катта ўзгаришлар содир бўлиши зарур эди, худди шундай бўлди: янги ҳаёт, янги турмуш, янги дунёқарашга эга халқ ва унинг олижаноб вакиллари образини ифодалаш шароити пайдо бўлди; миллий ҳаёт поэтикаси билан фахрланиш ҳуқуқига эга бўлди; инсон ва жамият маънавий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларни тасвирлаш имконияти кенгайди; миллий ўзига хослигимизни бемалол намоён этиш ва бадий ифодалашга киришилди; миллий қадриятларимизнинг шу замонда, шу заминдаги умумбашарий аҳамиятини кўрсатиш бахтига муяссар бўлди; санъатнинг услубий хилма-хиллиги, мавзу ранг-баранглигига эришилди; миллий аъналарни тиклаш ва ривожлантириш асосий эстетик вазифа даражасига кўтарилди.

Демак, бу ерда гап конкрет сюжет, воқеа ифодаси устида бораётгани йўқ. Гап уйғонган миллатнинг, янгилашган даврнинг, ўзгарган инсоннинг маънавий олами, моҳиятини юксак бадий савияда ифодалаш устида бормоқда; гап яланғоч ва сийқа баландпарвозлик, шiorбозлик, бетамиз маддоҳлик устида бораётгани йўқ; гап миллий ғурур, келажакка ишонч ва мустақилликка эътиқоднинг миллий характер моҳиятини ташкил этаётгани ҳақида бормоқда.

Гап замонамиз шароитида ва замондошларимиз қалби, онги, маънавиятида юз берган ва бераётган миллий уйғониш, улугворлик туйғулари ва тушунчаларини, бу кечинмалар, тасаввурлар қандай тўлиб-тошганини келажак авлодларга кўз-кўз қиладиган даражада эстетик қадрият сифатида қолдириш, буюк тарихий солнома — мустақиллик йиллари бадий солномасини яратиш устида бормоқда.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА АНЪАНАЛАР

Мустақиллик миллий аъналарни янада тўлароқ ва кенроқ ўрганишни талаб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон халқини жипслаштириш, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган миллий аъналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш назарий ва амалий аҳамиятга эга. Аъналар халқнинг тарихий ривожланиши жараёнида шаклланади ва сайқал топади. Бозор муносабатларининг ривожланиши республикамиз барча аҳолисининг меҳнатсеварлигига, ҳунармандчилигига ва бошқа фаолиятларига ижобий таъсир қилади. Демократик жамиятнинг маънавий ҳуқуқий асосларини яратиш жараёнида халқнинг дунёқарашини, урф-одатларини, феъл-атвори ва аъналарини муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилади.

Ватанга муҳаббат, оилага садоқат, ота-онага меҳр-муҳаббат, қарияларга иззат-ҳурмат каби миллий аъналар умуминсоний маънога эга. Ҳолбуки, бундай умуминсоний қадриятларнинг намоён бўлиши ҳар бир халқда турлича шаклда, мазмуни жиҳатдан эса яхлит бир йўналишда рўй беради. Бундай хилма-хиллик халқнинг, элнинг тарихий ва миллий, ҳаётини шарт-шароитига боғлиқ.

Маънавий янгилаш жараёнида кишиларимиз онгида миллий театр, кино, спорт турларига, фольклор, аъна ва урф-одатларга ҳавас уйғотиш маънавий тарбиянинг муҳим вазифасига айланиб бормоқда. Миллий аъналар халқни бирлаштириб, авлодларни маънавий ўзаро боғлаш, ҳамжихатлигини таъминлашнинг ўзига хос воситасидир. Булар орқали ҳар бир миллат ўзига хос хусусият, ҳаёт тарзи, маданияти, фани, адабиёти ва бошқа соҳаларда эришилган натижа ҳамда ютуқларни доимо бойитиб боради. Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида: «...халқимизнинг асрий аъналарини, урф-одатларини, тили

ва руҳига асосланган ҳолда миллий мафқурасини умуминсоний қадриятлар билан муштаракликда келажакка ишонч, виждонлилик, мардлик ва чидамлилиқ, адолат, билимга ва маърифатга интилиш туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиш учун хизмат қилмоғи даркор», деб таъкидлаб ўтган.

Аъналарда халқ даҳоси, турмуш тарзи, маданияти, камолот даражаси акс этади. Аъналарни менсимаслик халқ ёки миллатни ҳурмат қилмаслик демакдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизда яшаган барча халқларнинг миллий аъна, урф-одатларини ҳурмат қилган ҳолда халқ ва элатларнинг ўзаро алоқадорлиги, тенглик ва ҳамкорлик тўғрисида аниқ фикрлар баён этилган.

Миллий аъналарда миллатнинг бетакрорлиги, миллат ҳаётининг ўзига хослиги, ворисликнинг муҳим миллий жиҳатлари намоён бўлади. Миллий аъналарнинг жамият ҳаётини фаровон қилишдаги аҳамияти ва миллат истиқболига таъсири, айниқса, мустақиллик шароитида яққол намоён бўлади.

Миллий мафқуранинг маънавий асоси Ватанга содиқликни, буюк ўзгаришлар билан ғурурланиш ва фахрланиш, миллий аъналар ва урф-одатларни қадрлашни ўз ичига олади. Маънавий жонли организм каби доимо ҳаракатда бўлмоғи, маълум маънода англаниб турмоғи, бошқа қадриятлар таъсирида бойиб бормоғи даркор.

Демак, жамият янгиланаётган, унинг барча жабҳалари ислоҳ қилинаётган айна пайтда миллий ғоя, унинг таркибида маънавият, халқнинг урф-одатлари ва аъналарини миллий мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим омил вазифасини ўтайди.

**М.СОЛИЕВ,
Г.ОРИПОВА,**

Фарғона давлат дорилфунуни.

Маънавий кўприк

Мустақиллик йилларида миллатнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Маънавий ҳаётда бу ўзгаришлар биринчи навбатда миллий манфаатларни англаб етиш, халқнинг ҳақиқий тарихи ҳамда аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратилган бебаҳо маънавий ва маданий мероснинг қайта тикланишига қаратилди.

Табиийки, маънавий-руҳий тикланиш жараёни стихияли бўлиши мумкин эмас. Бизнинг мамлакатимизда ушбу жараённинг асоси ва ҳаракатлантирувчи кучи давлат мустақиллигининг, Ватан фаровонлигининг идеалларидир. Айнан шу маънода биз халқимизнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашган минг йиллик анъана ва урф-одатлари, тили ва руҳига асосланган миллий истиқлол ғояси ҳақида сўз юритамиз. Чунки, у одамларда Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, виждонийлик, поклик, жасорат, сабр-тоқат, адолатлилик, билим ва маърифатга интилишдек хислатларни тарбиялашга хизмат қилиши зарур.

Миллий истиқлол ғояси халқнинг маънавий-руҳий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий мероси, тарихий хотираси кўп асрлик интеллектуал анъаналари ва жаҳон цивилизацияси тажрибасига таянган миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган, тараққий этган демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бирлаштирувчи кучдир. Бошқа сўз билан айтганда, миллий ғоя улкан ўтмишни буюк келажак билан боғлаб турувчи маънавий кўприқдир. Миллий ғоя халқнинг асл мақсадлари, интилишлари, орзумидларининг ифодаси, умуммиллий вазифаларни амалга ошириш йўлида жамиятнинг барча аъзоларини бирлаштираётган маънавий омил бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай ижтимоий воқелик каби миллий истиқлол ғояси ҳам маънавий асослари, тарихий-фалсафий илдиэларига эга.

Юртимизнинг бой ва қадимий та-

рихи, халқимизнинг маданий мероси миллий ғояни шакллантирадиган туганмас манбадир. Президентимиз И.А.Каримов «Ўз тарихини билган ва унда маънавий кучни оладиган халқ енгилмас халқдир» деб таъкидлаган эдилар. Демак, биз ҳақиқий тарихни тиклашимиз ва бу тарих билан халқни, миллатни куроллантиришимиз зарур. Маънавий тарбия, миллий тафаккурнинг уйғониши Ватан тарихидан бошланади. Ҳақиқий тарих миллатнинг тарбиячисига айланмоқда.

Ўзбек халқининг этник шаклланиши ва давлатчилик тарихи соҳасидаги жиддий илмий изланишларнинг бошланиши, буюк аждодларимиз Амир Темур, Улуғбек, Имом ал Бухорий, ат Термизий, Аҳмад ал Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди ва бошқалар юбилейларининг кенг нишонланиши, бебаҳо маданий мероснинг ўрганилиши, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган тантаналар ҳамда Термизининг 2500 йиллиги, «ЮНЕСКО» ҳомийлигида «Авесто»нинг 2700 йиллигини ўтказиш юқорида айтилган вазифаларни амалга ошириш учун қўйилган муҳим қадамлар бўлди.

«Авесто»да илгари сурилган табиатни улуғлаш ғояси, ватанпарварлик, яратувчанлик, эзгулик ғоялари, миллий истиқлол ғояси учун ҳам муҳим тарихий-фалсафий манба, маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик шарофати билан асрлар давомида халқимизнинг афсона ва достонларда улуғлаб келинган, руҳи қон-қонимизга чуқур сингиб кетган миллий қаҳрамонларимизнинг сиймо ва улуғ ишлари тикланмоқда. Мисол учун «Аломиш», «Гўрўғли» достонлари бугунги кунда бирлик миллий гурур ва ўзимизни буюк халқ сифатида англаш рамзи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ислондаги маданий йўналишнинг тарафдорлари бўлган ва маърифат, билим, мураса, сабр-тоқат ҳамда

умумбирдамлик ғояларини илгари сурган Шарқ алломалари таълимотлари ҳам миллий ғоянинг йирик манбадир. Президент И.А.Каримов айтганидек, «Янги жамият барпо этишдек муҳим ишга биз Шарқнинг қудратли маънавий салоҳиятидан, бирдамлик, тинчлик ва сабр-тоқатга даъват этаётган ислом фалсафасидан фойдаланишимиз керак...» Биз кураётган давлат юксак маънавиятга, маърифатга, билимга, адолатга интилувчан халқимизнинг менталитетига асосланиши зарур. Бу ҳислатлар кўпжихатдан Шарқ фалсафаси, маърифий ислом фалсафаси таъсирида шаклланган бўлиб, уларнинг ривожланишига ўзбек халқи бебаҳо хисса қўшганлиги жаҳонга маълум.

Ўз вақтида давлатимизнинг қудрати, шуҳрати ва буюклигига пойдевор бўлган Амир Темурнинг мероси бугунги кунда ҳам улкан маънавий тарбиявий маънога эга. Амир Темурнинг қонун устуворлиги, адолатни таъминлаш, халқ фаровонлиги ҳақида гамхўрлик қилиши, тарихий тажрибаси, бунёдкорлик фаолияти ҳозиргача намуна бўлиб келмоқда.

Миллий истиқлол мафқурасини шакллантиришда умуминсоний қадриятларнинг, халқимиз фалсафий, диний ва дунёвий қарашлари, озодлик ва баркамол авлод ҳақидаги орзулари муҳим аҳамият касб этади. Миллий ғоянинг манбалари буюк алломаларнинг эрксевар ғоялари, жаҳонга машҳур кашфиётлари, адолатли жамият ҳақидаги орзулари, инсон камолоти тўғрисидаги фикрлари, маърифатпарварлик ҳамда демократик жамият ҳақидаги ғоялари ҳамда фаолиятини ҳам ўз ичига олади.

Миллий ғоянинг чуқур маънавий илдиэларига назар солар эканмиз, у инсон цивилизациясининг бутун жаҳон фалсафий тажрибасига таяниши ҳамда замонавий умуминсоний қадрият ва ютуқларни ўзида қамраб олганини англаймиз.

Юлдуз ЭРГАШЕВА,
тарих фанлари доктори.

Ўзбекистоннинг янги тарихи - Ижтимоий ислохотлар кўзгуси

Тарих хотираси инсоният ҳаётига ворисийлик келажакни қай йўсинда қуришни белгилаб беради. Ўтмиши буюк халқ тарихини ўрганиш, аждодлари меросини ўзлаштириш орқали ўзининг буюк келажакни яратади. Шу жиҳатдан қараганда тарих инсонни истиқболга даъват этади, улкан яратувчиликка рағбатлантиради.

Тарихнинг ана шундай маънавий, маърифий, тарбиявий ва мафкуравий аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 18 сентябрда эълон қилинган Фармойишига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» Маркази ташкил этилган эди. Орадан кўп ўтмай ушбу Фармойишга мувофиқ 1996 йилнинг 16 декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги қарори ҳам эълон қилинди.

Бу муҳим тарихий ҳужжатларнинг эълон қилиниши халқимиз ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган буюк ўзгаришлар, унинг жаҳоншумул тарихий аҳамияти ва тарихни сохталаштиришдан озод бўлган, мутеълик руҳиятидан покланган, миллий тикланиш ва тараққиёт ғояларига ҳизмат қиладиган асарлар яратишга имкон берди. Бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятларга, Ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган ҳақиқий ва ҳаққоний тарихимизни тиклашни Марказ олдида асосий вазифа қилиб қўйди.

Шундан сўнг Марказда Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. «Ўзбекистоннинг янги тарихи» уч жилдлик китобларини тайёрлаш учун муаллифлар гуруҳлари ва Марказ ходимлари фаол иш олиб бордилар. Бу фундаментал асарни тайёрлашда Х.Зиёев,

Б.Аҳмедов, А.Азизхўжаев, Н.Жўраев, Р.Шамсутдинов, Ҳ.Содиқов, С.Жалилов асарларидан, аввал махфий бўлиб келган нодир архив маълумотларидан унумли фойдаланилди.

Уч йил давомида «Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» (1865-1917 йиллар) номли биринчи китоб, «Ўзбекистон Шўро мустамлакачилиги даврида» (1917-1991 йиллар) номли иккинчи китоб ва «Мустақил Ўзбекистон тарихи» (1991-2000 йиллар) номли учинчи китоб кўлөзмалари тайёрланиб, кенг илмий жамоатчилик кўригидан ўтказилди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар инobatга олинган ҳолда учинчи китоб кўлөзмаси қайта ишланиб, Марказнинг ижтимоий-илмий кенгашида атрофлича муҳокама этилгандан сўнг нашрга тавсия этилди.

Учинчи китоб асосан мамлакатимизнинг мустақиллик даври тарихини, яъни 1991-2000 йилларни ўз ичига қамраб олган. Китобда Ўзбекистоннинг миллий истиқлол йилларида эришган ютуқлари ҳамда бу тарихий даврнинг ўзига хос мураккаб жараёнлари, шунингдек ўтган 9 йиллик даврда мамлакатимиз ҳаётида содир бўлган буюк ўзгаришлар, янгиланишлар, уларнинг тарихий аҳамияти бутун кўлами ва миқёси ҳам илмий, ҳам сиёсий жиҳатдан ўрганилган ва тадқиқ этилган.

Китобда илк марта мустақиллик даври тарихи эволюцияси бевосита давлат сиёсати эволюцияси билан уйғун ҳолда ўрганилади ва тадқиқ этилади. Ана шундай ўтиш давридек мураккаб бир пайтда бош ислохотчилик вазифасини зиммасига олган давлат сиёсати, унинг моҳияти, жамиятни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиш каби туб ислохот жараёнида унинг ўрни ва роли очилади.

Китоб муаллифлари таниқли сиёсатшунос олимлар Нарзулла Жўраев ва Турсунбой Файзуллаевлар «Мустақиллик ўзи нима?», «У нималарга асосланади ва унинг мазмун-моҳия-

ти нималардан иборат?» деган саволларга жавоб берадилар.

Китоб саккиз боб, 39 мавзудан таркиб топган. «Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши» бобида мустақил советлар тузуми халқнинг сабр-қосасини тўлдиргани, мутеъликдан қутилиш йўлларини излашга, мамлакат эса бухрон ҳолатига тушиб қолгани тадқиқ этилади. Инсон қалбидаги истиқболга ишонч, эътиқод туйғуси маҳв этилади. 80-йиллар охирига келиб одамларни мислсиз қирғинлар натижасида бир умр таҳлика ва кўркүвга солиб келган Марказ ҳам ичдан зил кетаётганди. Китобда худди ана шу тоталитар тузумнинг инқирозга юз тутиш жараёнлари ва уларнинг сабаблари ишончли далиллар билан баён этилади. Республикалар суверенитети ва инсон ҳуқуқларини поймол қилган тоталитар тузумнинг истиқболи йўқ экани жаҳон афкор оммасига ошкор бўлиб қолгани, бу тузумни қандай бўлмасин сақлаб қолишга Марказ кўп уринганлиги ҳам китобда кенг баён этилади.

Республика Олий Кенгаши ўзининг XII қақриқ навбатдан ташқари 1991 йил 31 августда очилган сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисидаги Қонунни қабул қилди (1991 йил 30 сентябрь). Олий Кенгаш 1991 йил 18 ноябрда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида», 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида», 1992 йил 10 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунларни қабул қилди.

1991 йили 29 декабрда ўзбек халқи бир овоздан Ўзбекистон Президентини сайлади. Ўз навбатида Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг истиқболини таъминлаш режаларини туза бошлади; Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига асос қилиб олинган беш асосий қойдани кашф этди; яна бир қатор назарий ва амалий қойдаларни белгилаб берди. Ва, энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки пайтлариданоқ тараққиётнинг «Ўзбек модели» дунёга келиш жараёнлари ҳам ушбу бобда ўз ифодасини топган.

Иккинчи боб «Янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислохотлар» (76-131 бетлар) деб номланган. Бунда Олий Мажлиснинг шаклланиши, миллий давлат тизимининг таркиб топиши, айниқса, маҳаллий давлат ҳокимияти тармоқларининг янгича тизими вужудга келганлиги ва кадрлар тайёрлашдаги янгича тадбирлар ҳам кенг баён этилади.

Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва

тараққиёт йўли» асарида айтганидек: «Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилишини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти ҳамда миллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириши мумкин» (16-бет).

Республика Парламенти Олий Мажлис илк бор кўппартиявийлик асосида сайланди. Олий Мажлис ҳузурида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил таъсис этилди.

Учинчи боб «Мустақил Ўзбекистон Республикаси таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси» деб номланади. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви туфайли Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ўз суверен ҳуқуқини қўлга киритди.

Маълумки, 1924 йили Амударё вилояти ва Хива хонлигига қарашли бўлган Хўжайли, Кўнғирот туманлари ҳудудида Қорақалпоғистон мухтор вилояти Қозоғистон АССР таркибида ташкил этилган эди. 1932 йили Россия таркибида Қорақалпоғистон мухтор Республикасига айлантирилди. 1936 йилда эса у Ўзбекистон ССР таркибига киритилди.

Ушбу бобда мустақиллик йиллари Қорақалпоғистон Республикаси эришган иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги ютуқлар таҳлил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қорақалпоқ халқига нисбатан кўрсатаётган ғамхўрлиги беқиёс эканлиги таъкидланади. 1994 йил 14 январда Нукусда Марказий Осиёнинг бешта давлат Президентлари учрашувида, 1995 йил сентябрида Нукусда ўтказилган халқроқ конференцияда Нукус Декларацияси қабул қилиниб, унда бутун дунё жамоатчилиги эътибори Орол муаммосига қаратилди. 1997 йил март ойида Алматыда Марказий Осиё республикалари Кенгаши йиғилишида ҳам мазкур масаланинг кўрилиши фикримизнинг далилидир.

Китобнинг «Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши. Фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши» бобида Ўзбекистон Республикасида ўзига хос янги демократик қадриятлар илдириш отгани, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига монанд тузилмалар шаклланиши тадқиқ этилади. Ўзбек халқининг давлатчилиги тарихи тажрибаси, айниқса, соҳибқирон Амир Темурнинг «Рости русти», яъни «ҳақ бўлсанг озодсан» сўзида ҳуқуқий де-

мократик давлатнинг, инсон ҳуқуқлари учун курашнинг илғор тажрибалари мужассамдир. Муаллифлар шу ўринда республикамизда фаолият кўрсатаётган партияларнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни, Олий Мажлиснинг демократик тамойилларини ўрнатиш бўйича тадбирлари хусусида фикр юритадилар.

Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича қатор қонунлар қабул қилди. «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказини тузиш тўғрисида» (1996 й, октябрь), «Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (омбудсман) тўғрисида» (1997 йил, апрель), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунлар, «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури» (1997 йил, август) шулар жумласидандир. Ўзбекистоннинг Халқаро ҳуқуқий ташкилотлар билан ҳамкорлиги бўйича қатор тадбирлар диққатга сазовордир.

«Сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши» деб номланган бобда мустақиллик шароитида фуқаролар манфаатлари йўлида республикамиз Президенти Ислом Каримов олиб бораётган инсонпарварлик сиёсати талқин этилади. У киши эътироф этганларидек, «Биз аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари — пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар, шунингдек қайд этилган миқдорда даромад олувчи кишиларни ҳимоя қилиш давлатнинг муқаддас бурчидир», деган қоидага асосланиб иш қўрилди.

Ўқитувчиларнинг давлат ва ташкилотлар томонидан берилган уйлари бепул хусусийлаштирилиши фикримиз далилидир. Аҳолининг аксари турли имтиёз ва кафолатларга эга бўлди; соғлиқни сақлаш, оналар ва болалар саломатлигини кафолатлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Мамлакатимизда миллий масала адолатли тарзда ҳал этилди. Миллий хавфсизлигимиз шахсан Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мустаҳкамланиб бормоқда.

Китобнинг «Иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос тамойиллари» бобида муаммолар Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилган ислохотлар ҳақида фикр юритилади. Зеро, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида уни сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш иқтисодни йўлга қўйишга боғлиқ эди.

«Бозор муносабатларига ўтиш ҳаётининг етуқлик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир», дейди Президент Ислом Каримов (339-бет). Шунинг учун

иқтисодий ислохотлар — бозор муносабатларига ўтиш истиқлол учун ҳам, ўзбек халқи учун ҳам синов даври бўлди, десак муболага бўлмайдими.

Китобнинг еттинчи боби «Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши» деб номланади (336-495-бетлар). Ушбу бобда мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омиллари, маданий меросни ўрганиш, тарихий шахслар ҳурмати жойига қўйиш ҳамда миллий урф-одатлар ва анъаналарни тиклаш асосида миллий ўзлиқни англаш ва шу орқали миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш тамойиллари ҳам чуқур тадқиқ этилади.

Бу бобни китобнинг асосий қон томири, десак янглишмаймиз. Зеро, мустамаккачилик ва советлар истибодиди замонида топталган қадриятларимиз, маданий меросимиз мустақиллик йилларида қадр топди. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Оғахий таваллудининг 190 йиллиги, Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги, Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Жалолиддин Манғуберди таваллудининг 800 йиллиги, Абу Исо Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд Замаҳшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Хожа Аҳрори Валининг 600 йиллиги, Имом Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги, Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги, Бурҳониддин Марғинонийнинг 910 йиллиги тантаналари фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли тарихий ҳодиса. Ўтган 10 йиллик истиқлол даври онгимизда, тафаккуримизда туб бурилишлар ясагани каби бутун жамиятимиз ҳаётини ҳам ўзгартириб юборди. Одамлар турмуш тарзи, воқеликка муносабати янги мазмун касб этди. Истиқлолнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий қадрияти аслида ана шу тарихий жараён ва янгилашни ҳодисаси билан баҳоланади.

Ана шундай тарихий янгилашулар, тарихий жараёнлар ва тарихий ҳодисалар давом этаётган бир пайтда уни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, тадқиқ этиш бугунги кун эҳтиёжидир. Ушбу «Мустақил Ўзбекистон тарихи» китоби ана шу ҳам ҳаётининг, ҳам тарихий эҳтиёж сифатида дунёга келди.

**Наим НОРҚУЛОВ,
Холмурод ХИДИРОВ,**

Ўзбекистоннинг янги тарихи
Маркази етакчи мутахассислари.

Демократия ва тараққиёт

Демократик институтлар тартиботларини йўлга қўйиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш узоқ муддатли жараён ҳисобланади. Демократия ғояларини шунчаки баён қилиш, юқоридан туриб белгиланган кўрсатма асосида жорий этиш билан одамлар онгида ўзгариш қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Исом Каримов «Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир», — деб уқтирган эди.

Бу йўлни имкон қадар қисқа муддатда босиб ўтиш, демократияни жамиятнинг устувор қадриятига, унинг барқарор тараққиётини таъминловчи омилга айлантириш бир томондан, жаҳон халқлари демократик анъаналарини пухта ўрганиш ва ўзлаштириш, иккинчи томондан, аждодларимизнинг адолатли жамият барпо этиш борасидаги қарашларини бугунги кунга мослаштириб, миллий қадриятларимиз заминида жорий этишни тақозо қилади.

Шўролар даврида Маркснинг «осиёча ишлаб чиқариш услуги» деб аталган қараш ҳукмрон эди. Унинг моҳияти Шарқда ҳокимиятни бошқариш азалдан деспотизмга, яъни зўравонликка асосланади, деган фикрда ўз ифодасини топган. Бу каби қарашлар осиёча турмуш тарзи учун демократия мутлақо ёт бир нарса, деган фикрга асосланар эди. Бугунги кунда Шарқнинг ҳам ўзига хос давлатчилик анъаналари, бошқарув тизими, идора усуллари, ҳокимият тармоқлари бўлгани, бу борада у Фарбдан сира кам эмаслиги барчага аён бўлиб қолди.

Қадимий давлатчилик, сиёсий ҳаракатлар, донишмандлар, оқсоқоллар кенгаши, жамоатчилик фикри, оммавий ахборот алмасув — буларнинг барчаси Шарқда ўз хусусиятларига эга. Тарихан Шарқ мамлакатларида сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларни жорий этиш масъул кишилар орқали, халқнинг иштирокида, яъни турли йиғинлар орқали бўлган. Шарқ мамлакатларида аксарият раҳбарлар «Мендан яхши ном қолсин» деган масъулият билан сиёсат юритган.

Шарқда сиёсий жараён иштирокчилари, айниқса, сиёсий етакчиларнинг

ўзига хос мақоми бор. Сиёсий раҳбар нафақат ўзига тегишли алоҳида имтиёзларга, балки алоҳида масъулиятга ҳам эга. Шарқ халқлари ҳаётида адолат бош мезонга айланганки, одил ва доно шох, ҳукмдор ғояси «Авесто», «Алпомиш»дан ҳадисларгача тараннум этиб келинган, улугланган. Шунинг учун ҳам соҳибқирон Амир Темур фаолиятида «Куч — адолатда» деган қоида устувор бўлган.

Шарқ, хусусан, Туркистон халқлари ҳаётида жамоатчилик фикри азалдан юқори мақом ва эътиборга эга бўлиб келган. Кўпгина анъанавий ижтимоий институтлар, ўзини-ўзи идора қилиш ташкилотлари, асосан, жамоатчилик фикрига таянган. Ижтимоий салмоқли фикрларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш ҳам анъанавий йиғилиш жойларида — маҳалла гузарларида, чойхоналарда, карвонсаройларда, тўймаъракаларда, тантаналарда, ҳашарларда амалга оширилган. Раҳбарлар ўз фаолиятининг жамоа фикри томонидан қўллаб-қувватлашига эришишга уринган, қарорлар қабул қилишдан олдин унинг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилишига эътибор берган.

Демак, демократия узоқ тарихий жараёнда вужудга келган бўлиб, турлича кўринишда намоён бўлади. Шу билан бирга демократия инсон табиатини ҳам ҳисобга олади. Инсон бошқалар манфаатига зид ҳаракат қилиши мумкин, аммо шу билан бирга, у ўзгалар билан ҳамкорликка ҳам мойилдир. Бундай одамлар, бир томондан, шахсий эркинликка интиладилар ва, иккинчи томондан, ижтимоий тенгликка мойил бўладилар. Бу ўзаро қарама-қарши интилишларни, яъни эркинлик ва тенглик зиддиятини демократиягина мувозанатга келтира олади.

Демократиялаштириш жараёни четдан киритиладиган кўрсатма эмас, балки жамиятнинг ўз эҳтиёжлари асосидаги ривожини англатади.

Демократик жараён ҳақида гапирганда, жамият демократиялашувининг шароитлари масаласи кўндаланг бўлади. Бунда энг муҳим шарт-шароитлардан бири жамиятда адолат қоидаларини қарор топтиришидир.

Ҳозирги замон ижтимоий фанларида адолатли жамиятда барқарор тараққиётнинг қуйидаги омиллари ажратиб кўрсатилади: а) жамиятда ноқонуний зўрлик ва куч ишлатиш таҳдидининг бўлмаслиги; б) ҳукуматнинг ўзгарувчан шароитларга самарали тарзда мослашувчанлиги; в) конституцион тартибнинг барқарор мав-

жудлиги; г) легитим (эътироф этилган) ҳокимиятнинг барқарор мавжудлиги; д) сиёсий тизимда таркибий ўзгаришларни бошқариш имкониятининг мавжудлиги; и) сиёсий кучларнинг мувозанати ва ҳ.к.

Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи куниданоқ барқарор тараққиёт йўлининг танлаб олинганлиги шу маънода тасодифий эмас. Зеро, айнан шу йўл нафақат демократик тартиботни, балки ижтимоий адолат қоидаларини жамият ҳаётида қарор топтиришнинг ҳам ишончли йўлидир. Демак, барқарорлик, демократия ва ижтимоий адолат ўзаро боғланиб, жиддий омилга айланди. Бошқача айтганда, ўтиш даврида ва ижтимоий адолатни таъминлаш фуқаролик тартибини, бошқарувнинг қонунийлигини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий барқарорлик шароитларидагина амалга оширилиши мумкин.

Ҳозирги кунда эркинлаштириш жараёнлари жамият ҳаёти демократлашувининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ҳаётни эркинлаштириш сиёсий воқеликни уйғунлаштириб, турли шахслар, ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларини мутаносиблаштиради, уларни мавжуд имкониятлар асосида бир-бири билан ақинлаштиради ва шу маънода демократик қадриятларнинг нуфузини оширади. Фуқаролар онгини маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таъмағирлик каби ижтимоий иллатлар асоратидан поклаш кучли давлатдан кучли жамият сари бориш концепциясига асосланади ва ундан келиб чиқиб, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Эркинлаштириш жараёнида инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга риоя этиб яшаш жамиятимиз ҳаётининг асосий мезонига айланиб бормоқда. Жамиятда лоқайдлик, бепарволик, боқимандалик, порахўрлик каби иллатларнинг пайини қирқиш, одамлар қалбида юксак ишонч ва эътиқодни қарор топтириш, ахлоқан пок, маънавий бой, ижтимоий фаол, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, одамийлик каби олижаноб фазилатларни шакллантириш, нафақат миллий ғоя таъсирчанлигини, балки жамиятни эркинлаштириш борасидаги интилишларимиз самарадорлигини ҳам оширади.

Фатхулла ЭРҒАШЕВ.

Миллий руҳият садоси

Бугунги кўшиқларимизда миллий ғоя ва миллий руҳ инъикоси ҳақида мушоҳада қилар эканмиз, аввало сўз ва оҳанг — куйнинг мазмун жиҳатидан ўзаро мослиги, шаклан уйғунлиги муаммосига диққатни қаратмоғимиз лозим. Ўзбек оммавий кўшиқчилигида бу борада одатда кўпчилик тингловчиларга мўлжалланган мусиқа жанрлари тушунилади. Жумладан, бунга лапар, ялла, терма, айрим чолғу куйлар, маълум маънода тарона ва ашулани киритиш мумкин. Мазкур йўналиш бугун эстрада санъати деб ҳам юритилади.

Замонавий кўшиқларнинг оммавийлик ва миллийлик даражасини белгиловчи қатор мезонлар мавжуд. Булардан биринчиси кўшиқдаги мусиқа ва матн муштараклиги, ўзаро уйғунлашиш даражасидир. Кўшиқнинг шеъри ва оҳанги мазмунан бой, содда, айна пайтда, ижтимоий жиҳатдан долзарб бўлиши керак.

Оммавий кўшиқчиликнинг яна бир ёрқин намунаси сифатида Юлдуз Усмонова ижро этган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» кўшигини келтириш мумкин. Бу асарнинг мазмунида ёшларга ва умуман ватандошларга бўлган қақирқ руҳи сезилиб туради. Кўшиқда Ватан мустақиллиги нақадар буюк қадрият, уни эъозлаш, ҳимоя қилиш ёшлар учун шарафли бурч ва муқаддас эканлиги тингловчилар қалбига сингиб кетадиган тарзда ифодаланган.

Замонавий ўзбек кўшиқчилигида бугунги кунда чуқур миллий руҳ билан сўғорилган кўшиқлар яратилмоқда. Улар асосан Наврўз, баҳор, диёримиз табиати ва бошқа миллий менталитетимизни, ўзлимизни белгиловчи мавзуларга бағишланган. Жумладан, Ю.Усмонова айтган машҳур «Халқим», «Фаёд» гуруҳининг «Наврўз» каби кўшиқларида бугунги ўзбек ёшларининг ҳис-туйғулари, ижтимоий дунёқарашлари, қизиқишлари юксак бадий савияда ифодаланган. Насиба Абдуллаеванинг «Қалдирғоч» кўшиғи ушбу йўналишдаги асарлар орасида алоҳида ўрин тутади. Унда азалдан эзгулик, бахт-саодат рамзи ҳисобланган қалдирғочга мурожаат орқали энг но-зик туйғулар баён этил-

ган.

Умуман, кўпгина кўшиқларда миллийлик, миллий руҳ турли кўринишларда намоён бўлади. Таҳлилда асарнинг ритм, оҳанг, шакл жанрини аниқлашимиз мумкин, лекин буларнинг барчаси миллийликни тўлиқ кўрсата олмайди. Зеро, миллий руҳиятимизни акс эттирадиган омил асарнинг сўзи ҳисобланади.

Маълумки ўзбек халқ ижодиёти бой тарихга эга. Кўпгина санъаткорларимиз халқ ижодиётининг касб ва оғзаки жанрларига бевосита таянибгина қолмасдан балки шу услубда ижод қилишга интиладилар. Равшан Номозов, Бахтиёр Султонов, Сайёра Қозиева каби хонандалар, «Ялла», «Сарбон», «Нола» каби гуруҳларни бундай услубда ижод қилаётганларини айтса бўлади. Албатта улар халқ куйларини тўлиқ кўчирмайдилар, балки қандайдир куй жумласини ёки оҳангини олиб қайта ишлашади. Айрим ҳолларда халқ куйи умуман олинмасдан, унинг фақат усулигина сақланиб қолиши мумкин. Лекин барибир, соф миллий оммавий кўшиқлар ҳозирги кунда жуда кам.

Кўшиқчилик санъатида ижодкорларнинг кўпчилиги умумжаҳон мусиқа қадриятлари ва ифода воситаларига таянадилар. Хусусан, замонавий оммавий кўшиқлар асосан электрон чолғу асбобларида ижро этилади. Чунки электрон чолғулар кўшиқ устида ишлашда, қайта ишлаш, оранжировка масалаларида ижрочи-га анча енгиллик туғдиради. Лекин, ўзбек кўшиқларини миллий чолғу асбобларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бугунги кўшиқчилигимизда электрон ва миллий чолғу асбоблари бирлашувида ижро этилган кўшиқлар жуда кўп. Агар бу бир-

лашув профессионал даражада амалга оширилса жозибадор оҳангли асар вужудга келиши ҳеч гап эмас. Ўзбек оммавий кўшиқчилигида XX аср охирига келиб, кўповозлик аъёналари — гармония, полифония услублари кенг қўлланила бошланди. Чунки санъаткор бу услублар орқали кўшиқни янада бойитиш имкониятига эга. Лекин, кўповозлик аъёналарига профессионал нуқтаи назардан ёндашиш зарур. Акс ҳолда кўшиқнинг оҳанги умуман бузулиши мумкин. Бу услубда бугунги кунда «Сидериз», «Сетора», «Байрам», «Анор» каби гуруҳлар фаол ижод қилиб келмоқдалар. Масалан, «Сидериз» гуруҳи ижро этган «Олмача аноринга балли» кўшиғи халқ оғзаки ижодиётининг намуналаридан ҳисобланади. Гуруҳ қизлари бу кўшиқни тўрт овозга тақсимлаб айтишган ва шу унсур орқали кўшиқни бойитиб, ўзига хос тароват бағишланган.

Ёш хонанда ва гуруҳларнинг асосий қисми умумжаҳон қадриятларига айланган оммавий мусиқа жанрлари ва ифода воситаларидан джаз, поп, рок, огир рок, реп, техно — реп каби услубларидан кенг фойдаланмоқдалар. «Болалар», «Аср», «Бўстон», «Сетора», «Сидериз», «Хўжа» ва бошқа гуруҳлар, Севара Назархонова, Зиёда, Бону, Равшан Собиров каби хонандалар ушбу услубда ижод қилиб келишяпти.

Ўзбек оммавий кўшиқчилигини тарғиб этишда энг муҳим муаммолардан яна биттаси клип масаласидир. Телевидение орқали намоийш этилаётган кўпгина клипларда ишқ-муҳаббат, севги мавзуси устун туради. Ватан, табиат, бирон-бир байрам ҳақида ёки ота-онани ардоқлаш мавзудаги клиплар жуда кам. Албатта, клипнинг мукамал, сифатли бўлиши режиссёрнинг қобилиятига, фантазисига, энг муҳими миллий руҳни ҳис этишига боғлиқ. Афсуски, бугунги клипларда айнан мана шу миллий руҳни бера олиш фазилати етишмайди. Баъзи клипларни кўриб, «наҳотки шулар ўзбекча кўшиқларга ишланган бўлса», деб ҳайрон қоласан, киши.

Халқ ижодиётига яқиндан таяниш ва фольклор билан узвий боғланиш халқчиллик ва оммавийликни таъминлайди. Халқчиллик ва оммавийлик эса мусиқа санъатида, ўз навбатида, миллий руҳиятни белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

**Сайёра
МАВЛОНОВА.**



Тинчлик — маданият талаби

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон халқига мурожаат»и ўзига хос муҳим тарихий аҳамиятга молик ҳужжатдир. Унда XX асрга баҳо бериш билан бирга янги XXI аср вазифалари белгилаб берилгандир.

Ўтган юз йиллик инсон ақл-заковати ва салоҳиятининг илму фан, техника ва маданиятнинг буюк тараққиёти баробарида аянчли воқеалар даври ҳам бўлди. Бир эмас, икки жаҳон уруши, фашизм, ядро ҳавфи, дунёни сунъий равишда бир-бирига қарама-қарши лагерга бўлиш ва шу аснода «совуқ уруш» сиёсатини юзага келтириш, тоталитар тузум шароитида эса оммавий сиёсий қатагонлар, диний экстремизм ва халқаро терроризм сингари муҳим ҳодисалар айни XX асрда пайдо бўлди. Бу асрнинг энг муҳим интихоси — «совуқ уруш» даври барҳам топди.

Ўзбекистон деб аталмиш Ватанимиз сингари қатор мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши шарофати билан бутун дунё кифоаси ўзгарди.

Инсоният жуда катта ҳаяжон билан янги асрга қадам қўйди. Лекин, шуниси ҳам борки, одамзот ўз тарихининг янги юз йиллигига йигирманчи асрда эришган улкан ғалабалари билан бир қаторда айни шу вақт мобайнида юзага келган кўпдан-кўп муаммолар билан ҳам бирга ўтди. Булар минтақалараро можаролар, миллий ва этник низолар, атроф-муҳитни асраш, моддий бойликларни тежаб-тергаш ва адолатли тақсимлаш, маънавий қашшоқлашувга қарши кураш ва шу каби бошқа муҳим муаммолардир. Бугунги кунда дунё микёсида оладиган бўлсак, цивилизация бу киргинбарот урушларга йўл қўймаслик, давлатлараро низо ва можароларни сиёсий воситалар билан ҳал этиш, мамлакат ичидаги келишмовчиликларни кучга зўр бермай тинчлик йўли билан бартараф қилиш, инсон ҳуқуқи ва қонун устуворлигини таъминлаш демакдир.

Инсоният ирқи, миллати, маслагидан қатъи назар доимо аждоглари

қолдирган маданий бойликлар, қадриятлар, урф-одатларига буюк ҳурмат билан қараб келган. Уларни асраб-авайлаш, келгуси авлодга ҳам бешикаст етказиш учун қайғурган. Бироқ бугунги замонда маънавий бойликларни сақлаб қолиш учун, аввало, қонли можароларга барҳам бериш, тинчлик ва тотувликни қарор топтириш, тараққиёт мевалари бўлиш маданий мерос, осори атиқалар, урф-одатларни асраб-авайлаш, дунё халқларига маърифат улашиш, улар илм-фан ютуқларидан бирдек баҳраманд бўлишига эришиш зарур.

Тарихдан маълумки, улуғ алломалар, санъаткорлар, сиёсатчилар урушлар туфайли инсоният бошига тушаётган мудҳиш жабр-зулмни, табиатга етаётган ўнганмас зарарни ва умуман инсон табиат мувозанатидаги бузилишларнинг олдини олиш, яъни «Дунёни қутқариш» йўлларини тинимсиз излашган, турли ғоялар ва қарашларни илгари суришган. XX асрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида ташкил топган ЮНЕСКО инсониятнинг минглаб йиллик ақл-заковатини ўзида жамулжам этган ташкилот сифатида «Ақл хазинаси»да асрлар оша тўпланган эзгу ниятларни ҳаётимиз ҳақиқатига айлантириш йўлида таҳсинга сазовор ишларни бажарди. Зеро, бу ташкилот БМТнинг келажақ авлодни «Бутун инсониятнинг интеллектуал ва ахлоқий бирдамлиги» йўли билан уруш даҳшатларидан халос этиш ниятидан келиб чиққан ҳолда тузилган эди. ЮНЕСКО низомининг биринчи бандида шундай деб ёзиб қўйилган: «Уруш ҳақидаги фикр одамларнинг онгида тугилади, бинобарин, инсоният тафаккурида тинчликни ёқлаш ғояларини илдиз орттирмоқ лозим».

Зотан, иккинчи жаҳон уруши оловнинг тафти ҳали босилмаган олис 1945 йилнинг 16 ноябрида тузилган ЮНЕСКО ташкилоти ўшандан буён она сайёрамизда тинчликни сақлаш йўлида самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу йўлда ЮНЕСКОнинг асосий қуроли таълим, фан ва маданият соҳасида инсоният ақл-заковати эришган ютуқларни дунё бўйлаб ёйишдан иборат бўлди. Қон-

ли курашларга фарқ кечган XX аср охирига келиб инсоният бахтли тақдир фақат ўз қўлида эканлигини англаб етди.

ЮНЕСКОнинг дастурий ғояларида ҳам инсон қадри, эрки, яшаш, таълим олиш, маданий бойликлардан баҳраманд бўлиш ҳуқуқлари биринчи ўринга қўйилган. Бу ташкилот маданиятли олам концепцияси орқали жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлашга хизмат қилмоқда. Мазкур ташкилот фаоллари дунё озодлик ва тараққиётга фақат маданий юксалиш орқалигина эришади, деган ақидага ишонишади ва суянишади. Узоқ йиллар ЮНЕСКО Бош директори вазифасида ишлаган Федерико Майор: «Биз барча нарсаларни бозор нуқтаи назаридан эмас, инсоний қадриятлар нуқтаи назаридан ўлчамоғимиз керак» деган эди.

Маълумки, тинчлик маданияти концепциясини ишлаб чиқишда ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессияси, ЮНЕСКО раҳбар идорасининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тақлифига кўра Тошкентда ўтган (1998 йил 6 ноябрь) якуний мажлиси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу муносабат билан «Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатлардаги фаолияти» номли Тошкент Декларацияси қабул қилинди. Тошкент Декларацияси, ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессияси ва унинг якуний мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тарихий нутқида тинчлик маданияти концепциясига асос солинган эди.

Президент И.А.Каримов тинчлик маданиятини қатъий қўллашини изҳор этиб: «Менинг назаримда, тинчлик маданияти ғояси XXI асрдаги умуминсоний тараққиёт фалсафасининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя бугун ҳам дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш йўлида халқларни бирдамлик ва ҳамкорликка даъват этиши лозим», деди. Юртбошимиз ўз мамлакатда турли динларнинг тотувликда яшаб келганини, барчанинг биргаликда яшаш имконияти борлиги тасдиғи эканини эслатиб: «Қириб келаётган XXI асрда дунёни мадани-

ят ва маънавият кутқаради» деган эди.

Тошкент Декларациясига асосан янги минг йилликнинг дастлабки ўн йилини тинчлик маданияти ва бутун дунё болалари учун зўравонлик бўлмаслигига бағишлаб халқаро ўн йиллик деб эълон қилинган тавсиялар ишлаб чиқилган эди.

Декларация инсониятнинг янги минг йилликка ўтиши тарихий туб бурилишни ифода этади, деб ҳисоблади. Бунда барча аёллар ва эркеклар тўлиқ ишонч билан илгарилари тез-тез урушлар, зўрлик ва ижтимоий адолатсизлик манбаи бўлиб келган фикр ва феъл-атвордан воз кечиш мажбуриятини олиб, тинчлик маданиятига асосланган келажакка олиб борувчи фикр ва феъл-атворни қабул қилишлари керак бўлади.

Айтиш жоизки, Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон халқига Мурожаатини Тинчлик маданияти тўғрисидаги Тошкент Декларациясининг қонуний давоми ва унинг дунё халқлари олдидаги амалий натижаси дейиш мумкин.

Ўзбекистон истиқлол йилларида мамлакатда, минтақада ва жаҳон миқёсида тинчлик ҳамда барқарорликни сақлаш учун гоятда кенг кўламли амалий ишларни, тадбирларни амалга оширди. Давлатимиз раҳбарининг минтақавий хавфсизлик орқали бутун дунёда ялпи хавфсизликка эришиш ғояси — хавфсизликнинг Ўзбекистон модели сифатида бугун жаҳонда тан олинди. Ўзбекистон модели ўзининг тинчлик ва маданиятга содиқлик руҳи билан халқимизнинг тарихи ва менталитетига мутлақо мосдир. Ўзбекистон инсоният тарихида турли-туман дин ва маданиятга мансуб халқларнинг тинчлик ва биргаликда яшаётган юрт сифатида ноёб хусусият ҳамда тажрибага эга. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатида ва Президентимизнинг нутқида баён этилганидек, XXI асрда олдимишга қўйилган бош мақсадимиз тўртта вазифани амалга ошириш билан белгиланади. Биринчиси — Ватан тараққиёти. Иккинчиси — юрт тинчлиги. Учинчиси — халқ фаровонлиги. Тўртинчиси, келажак авлоднинг бахт-саодатидир. Буларнинг барчаси бутун жаҳон халқлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка боғлиқ. Шу боис, XXI асрни Халқаро тинчлик маданияти асри дейиш мумкин.

Шомат САМАТОВ,

Термиз Давлат университети фалсафа кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Инсоният тараққиётининг барча босқичларида дин, иймон ва эътиқод жуда муҳим бўлган, Тарихда ўтган ўнлаб ва юзлаб давлат раҳбарлари диндан ўз давлатларини мустаҳкамлаш ва сақлаб қолиш мақсадида фойдаланганлар. Кўп ўлкаларда инсонларнинг динга бўлган ихлоси ва ишончи туфайли меҳроқибат, тинчлик-тотувлик сақлаб турилган. Шарқда Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор каби Фарбада қирол Людовик саройида кардинал Ришелье, кардинал Мазарини каби дин арбоблари давлат осойишталигини сақлаб турган.

Дунё адабиёти намоёндаларининг нодир ва ўлмас асарларини ўқир эканмиз, уларда иймон ва эътиқод масалалари кенг ёритилганининг гувоҳи бўламиз. Бунга Шарқда Жомий, Навоий асарлари, Фарбада таниқли француз ёзувчиларидан О.де Бальзак, Ги де Мопассан, П.Мериме, Флобер ва Стендалларнинг асарларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Стендаль XIX аср француз адабиётининг энг йирик намоёндаларидан биридир. У ўзининг «Парма ибодатхонаси», «Қизил ва қора» каби асарларида дин, иймон-эътиқод муаммоларига кенг тўхталган. Ёзувчи «Парма ибодатхонаси» асарида XIX аср француз жамиятининг ҳақиқий кирдикорларини реал акс эттирган. «Парма ибодатхонаси»ни рус тилига Н.Немчинова таржима қилган бўлиб, ўзбек тилига Х.Тўрабеков ўгирган. Бу асарда Стендаль диний урф-одатлар, маросимлар ва диний муаммоларга ҳам катта эътибор берган. Соф иймон-эътиқодли инсонларнинг ҳаётда тутган ўрни ва қилган ишларини очиб берган. Иймон, эътиқодли кишилар ўз иймонларини сақлашга, унга ҳаётларининг сўнги дақиқаларигача содиқ қолишга ҳаракат қиладилар.

Асарда дин, иймон, эътиқод туйғуларини очиб берувчи матнларнинг учала тилда, яъни французча — оригиналда ва унинг рус ҳамда ўзбек тилидаги таржималарини қараб чиқиш қизиқарлидир.

Х.Тўрабеков таржимасида куйидаги матнни ўқиймиз:

«Шунингдек, Фабриционинг яна бир хусусияти уни қаттиқ хайратга солди: бола иезуитлардан ўрганган барча дин қоидаларига ниҳоятда жиддий қарарди. Маркизанинг ўзи ҳам анчайин тақводор бўлса ҳам, аммо боланинг мутаассибона ҳудожўйлиги уни қўрқитиб юборди».

Асар рус тилига ҳам, ўзбек тилига ҳам маҳорат билан таржима қилинган. Агар бизнинг қаршимизда асарнинг восита тилдаги таржимаси бўлмаса, биз Ҳасан Тўрабеков асарни тўғридан-тўғри француз тилидан таржима қилган деб ўйлаган бўлардик. Асарнинг ўзбекча матнида бундай мисоллар жуда кўп:

«У дарҳол тиз чўқди-да, фалокат босиб Джилеттини ўлдириб қўйган дақиқадан бошлаб уни ўз паноҳида сақлаб келаётган ҳудуго шукрона айта бошлади».

Бу ерда ҳам таржима жуда муваф-

Таржима ҳам санъат

фақиятли амалга оширилган. Оригиналда «чин дилдан, самимий» деган сўзлар ишлатилган. Шунинг учун агар ўзбек таржимони «худуго астойдил шукрона айта бошлади» деганида кўнгилдагидек бўлар эди. Чунки бу шунчаки шукрона бўлмай, балки ўзи тушуниб етган ҳолда, чин дилдан ҳудуго шукрона айтмоқда эди.

Асар бошдан-оёқ бундай муваффақиятли таржима қилинган деб бўлмайди. Масалан, бир ўринда куйидаги таржимани ўқиймиз:

«М... ортига ўтиб, яшириниб турган кардиналнинг сағанаси Сан-Джованни черковининг мрамор полидан тўрт-беш фут юқорида жойлашган эди. Ибодат соат бирга яқин тугаб, диндорлар тарқаб кетишди, бироқ Фауста кибор олифталарнинг жавобини бериб юборди ва ўзи гўё яна бир оз ибодат қилмоқчи бўлгандек черковда қолди; у ўз курсиси ёнида тиз чўқди-да кўзларида назокат ва ишқ ўти жилваланиб М... томон тикилди; черковда одам анча камайиб қолганди, шунинг учун ҳам Фауста энди лоақал одоб юзасидан ҳам бутун черковга кўз югуртириб ўтирмай, ишқ тўла нигоҳини кардиналнинг ҳайкали томон қадаб турди».

Келтирилган мисолдан кўриниб турганидек, оригиналда «ибодатдан сўнг диндорларнинг кўпчилиги тарқаб кетган эди», шундан сўнг «черковда жуда кам одам қолганлиги сабабли» дейилади. Бироқ мазкур ибораларнинг русча, ўзбекча таржималаридаги биринчи қисми ноаниқ таржима қилинган. Аслиятда ибодатчиларнинг ҳаммаси эмас, кўпчилиги тарқаб кетганлиги айtilган. Демак, баъзи ибодатчилар ҳали кетмаган эди. Русча матнда ҳам, ўзбекча матнда ҳам худди оригиналдагидек «черковда одам анча камайиб қолганди» дейилади. Бу эса юқорида ишлатилган «диндорлар тарқаб кетишди»ни инкор этмоқда, биргина гапнинг ичида мантиқий номуносиблик келиб чиқмоқда. Бунга рус таржимонининг айби сабаб бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, университетлар ва институтларда талабаларга чет эл адабиёти тарихини ўқитадиган устозлар нафақат ўрганилаётган асар ёзилган тилни, балки ўз она тилини ҳам мукаммал билиши, таржималарда йўл қўйилган камчиликларни талабаларга тушунтира олиши керак.

Раҳима ШИРИНОВА,

Ўзбекистон Миллий Университети.

Миллий тикланиш ва покланиш даврида маданиятни бошқариш истиқлол эҳтиёжи, зарурияти сифатида ҳаёт талабидан келиб чиқади.

Маданиятни бошқариш давлатни, жамиятни бошқаришнинг таркибий қисмидир. Маданият бир авлоддан иккинчи авлодга, ижтимоий тараққиётнинг бир босқичидан иккинчи босқичга мерос сифатида ўтиб боради. Уни бошқариш маданиятни асраш, ривожлантириш билан боғлиқдир. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида маданиятни бошқариш жараёнида бошқарувнинг демократик шакллари, илғор усулларидан фойдаланилади. Бошқарув хусусиятларининг янги қирралари кашф этилади. Умумбашарият томонидан тан олинган, эътироф этилган бошқарув тизими миллат, Ватан тақдири ва келажаги манфаатига мувофиқлаштирилади.

Миллий истиқлол манфаатларига мослаштирилган бошқарув жараёни ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олади.

Истиқлол эҳтиёжи Ватан, халқ, миллат тақдири, келажаги кишиларнинг ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, диний, экологик, фалсафий, эстетик, иқтисодий маданиятини оширишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида маданиятни бошқариш кўп қиррали жараёндир. Ўзбекистоннинг тараққиёт концепцияси ва модели ишлаб чиқилганлиги мавзунинг бу муҳим томонини тадқиқ этиш имконини яратди. Демократик жамият бошқарувнинг қонуний, табиий маҳсулидир ва унинг олий қадриятидир. Унда башариятнинг мингнинг йиллар давомидаги орзу, умидлари ушалди. Шу нуқтаи назардан, унинг тарихий-маънавий манбалари, моддий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, маданий, руҳий томонларини ўрганиш файласуф, жамиятшунос, иқтисодчи, сиёсатшунос, маданиятшунос, руҳшунос ва бошқа ижтимоий фан, мутахассис олимларнинг биргаликда тадқиқот ўтказишларини талаб қилади.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида кишиларда мустақил дунёқараш ва демократик маданиятнинг шаклланиши кўп жиҳатдан маданиятни бошқариш муаммоларининг ҳал этилишига боғлиқ. И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуриш ва

Маданиятнинг

бошқариш

муаммолари

бошқаришнинг беш тамойили жамият ҳаётини, жумладан, маданиятни бошқаришнинг ўзаги, негизини ташкил этади.

Маданиятни бошқариш тамойиллари табиий зарурият, ижтимоий муҳит, ҳаётий сабабият, тарихий қонуниятга асосланади.

Маданиятни комплекс бошқариш натижасида маданиятни бошқариш қонунлари, тамойиллари, хусусиятлари, ижтимоий субъектларнинг ҳаётий, амалий фаолиятлари йўналиши аниқланади.

Шунингдек, маданиятни бошқаришда илмийлик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, эътиқод ва амалий ишлар бирлигига таянилади. Чунки мустақиллик ғояси, назарияси, дунёқараш мустақиллик эътиқодига айланган тақдирдагина ҳаётда тасдиқланади, моддийлашади, маънавий неъматга айланади. Шунда миллий истиқлолнинг қадриятлари ошади. Эътиқод тарихий маънавий фаолиятдир.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида маданият тараққиётини бошқаришда давлатнинг ҳомийлиги ошиб боради. Бунинг учун давлат:

— ўз ҳудудида тинчлик ва барқарорликни, осойишталикни назорат қилади. Ижтимоий ларзаларга, бошбошдоқчиликка йўл қўймайди;

— аҳолининг моддий, маънавий фаровонлигини ошириш учун қишлоқ ҳўжалиги, саноат, хунармандчиликни ривожлантиради;

— бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат назоратини, уни бошқарув тизимини маҳкам ушлайди. Бу гап уни идеаллаштириш ёки

мутлоқлаштириш деган гап эмас. Бу вазиятда давлат эркин рақобатга йўл қўяди.

Маданиятни бошқаришда давлатнинг ижтимоий вазифалари ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Давлатнинг ҳомийлиги бошқарув идораларидан бошлаб то олий ҳокимиятга бўлган бошқарув тармоқларини қамраб олади.

Маданиятга ҳомийлик билан бирга уни яратувчи ижодкорларнинг ҳуқуқларини қадрлашни ҳам тақозо этади. Давлат маданият ривожланиши жараёнларини бошқаришда маҳаллий бошқарув ташкилотлари ва идоралари, маҳаллий ҳокимиятнинг ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий тараққиётга ғамхўрлигини, истиқболини ҳисобга олади.

Демократик ислоҳотлар ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра бозор муносабатларига ўтишнинг янги механизмини яратар экан, у ижтимоий-иқтисодий қонунларга амал қилади. Иқтисодий, техникавий маданият, маориф, сиёсат соҳаларидаги алоқаларни тартибга солади. Талаб ва тақлиф қонунига риоя қилган ҳолда истеъмол даражасини доимий равишда ошириб боради. Қиймат қонунига риоя қилиш асосида пул муомаласи тизими бошқарилади.

Маданият соҳасидаги ислоҳотлар инсон маънавиятини юксалтириш ва эркин, адолатли жамият қуришга қаратилган.

Абдувосит Йўлдошев,
фалсафа фанлари доктори.

Инсоннинг ақл-идроки, заковати ва салоҳияти ижтимоий тараққиёт, дунё яхлитлигининг бирдан-бир омилига айланишига эҳтиёж кучаймоқда. Замон инсониятдан, миллатдан, шахсдан ўз-ўзини англаб олишининг зарурлигини талаб этмоқда.

Ўзбекистонда янги мустақил, келажаги буюк, обод, эркин фуқаролик жамияти қурмоқчи эканмиз, шу улуг мақсадларимизни амалга оширмоқ учун янги, миллий истиқлол мафкураси, албатта, зарур эди. Мафкуранинг ўз шакл-шамойилига кўра либерализм, социализм, коммунизм, фашизм, консерватизм, миллий социализм, социал-демократизм ва ҳоказо турлари мавжуд. Улар ўз мазмун ва моҳиятига кўра бир-бирига доимо қарама-қарши бўлиб келишган.

Жамиятда «мафкуралар даври туғади», энди ҳеч қандай мафкуранинг кераги йўқ деювчилар ҳам пайдо бўла бошлади, чунки бу даврда жаҳондаги ижтимоий-сиёсий вазият, икки лагер кураши кескин эди. Лекин ҳаётнинг ўзи яна бир бор шунини исботлаб бердики, турлича эҳтиёж ва манфаатларга эга бўлган шахслар, гуруҳ ва табақалар истиқомат қилар экан, улар ўртасидаги турли хил мазмун ва характердаги ижтимоий муносабатлар вужудга келади, бу муносабатлар баъзан кескинлашади, уларни эса мурсогага келтириш, яъни одамларнинг бошларини қовуштириш, тинч ва барқарор турмуш кечиришларини таъминлаш зарур бўлади. Шундай экан, бу ўта мураккаб вазифани ким бошқариши мумкин, шундай куч мавжудми, деган савол туғилади. Бу параммони фақат адолатли, инсонпарвар мафкура ёрдамидагина бошқариш мумкин, чунки мафкура муайян жамиятнинг тараққиёт йўлини белгилайди.

Мафкуранинг бирламчи вазифаси — бу ҳар қандай мамлакат ва миллат тараққиётининг йўналиш ва пировард мақсадини белгилаб беришдан иборат. Мисол учун айтишимиз мумкинки, Ўзбекистонда келажакда бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамиятини қурмоқчи эканмиз, Президентимиз томонидан бу умуммиллий мақсадни амалга оширишнинг аниқ ва пухта илмий концепцияси ишлаб чиқилган, яъни ўзбек халқи ва давлатнинг интилаётган манзили аниқ. Эндиги вазифа эса шу буюк мақсадга босқичма-босқич, собитқадамлик

Мафкуранинг мақсадлари

билан эришувдан иборатдир.

Мафкуранинг иккинчи вазифаси биринчи вазифадан келиб чиқади. Бу функция муайян жамиятдаги, жумладан, Ўзбекистондаги барча аҳолини, гуруҳ ва табақаларни, миллат ва элатларни буюк давлат, озод ва обод жамият, фуқароларнинг эркинлиги ва тенглигини таъминлаб берадиган ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этишга сафарбар қилишдан иборат. Бунинг учун аввало, ҳар бир фуқаро миллий мафкуранинг асл моҳиятини чуқур англаши керак бўлади, чунки фақат халқ биргалиқда ҳамжихат ҳолда ҳаракат қилсагина шу улуг вазифани амалга ошириш мумкин.

Мафкуранинг учинчи вазифаси бу жамиятдаги барча сиёсий кучларни, диний ва этник бирликларни ўзаро бирлаштиришдан иборатдир. Мафкура шундай умумий ғояга асосланмоғи керакки, у ҳар қандай гуруҳ ва табақанинг индивидуал манфаатлари доирасидан устун турадиган маъно ва мақсадни ўзида мужассамлаштирмоғи керак. Бунда, албатта, умуминсоний қадриятларга асосланиб, умуммиллий ғояни ўзига асос қилиб олиш зарур. Жумладан, Ўзбекистон — демократия ва ижтимоий адолат жамияти. Ўзбекистон мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Ўзбекистон бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган

давлатдир каби умуммиллий ғоялар мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, миллатлараро ва диний барқарорлик ва бирликни таъминлаб берувчи омил ҳисобланади.

Мафкуранинг яна бир муҳим тўртинчи функцияси бу унинг муайян жамиятдаги вақтинчалик маълум бир моддий қийинчиликларни, тўсиқларни енгиб ўтишга ва бу қийинчиликларни бартараф қилишга ёрдам бериш, яъни юпатувчилик, сабр-тоқатга чақирувчи функциясидир. Бундай ҳолларда мафкура шахс, миллат ва халқни ўз олдига қўйган асосий мақсадни амалга ошириш, яъни келажаги буюк давлатни қуришда баъзи бир қийинчилик табиий эканлиги ва уларни мардонавор енгиб ўтишга давъат қиладди.

Ўзбекистон давлати ривожланишининг ҳозирги босқичида биз шундай умуммиллий ғоя, мафкурани шакллантирмоғимиз керакки, у имконият борича жамиятимиздаги барчанинг эҳтиёж ва манфаатларини ўзида мужассамлаштириб, унга хизмат қилсин.

Демак, мафкура ҳар бир жамиятнинг мазмун ва мақсади, манфаат ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, мавжуд бўлган ёки шаклланаётган ижтимоий-сиёсий тарзини, унинг шакл ва шамойилини англаб етиш учун зарур бўлган маданий калит бўлиб хизмат қиладди.

Хуррам ХАЙДАРОВ.

Давлат тили тўғрисидаги Қонун 1989 йилнинг сентяб-рида ЎзССР Олий Совети томонидан тасдиқланди ва 1989 йил октябрда Олий Совет депутатлари киритган ўзгаришлар ва қўшимчалар билан матбуотда эълон қилинди. Бу қонун республикада ижтимоий муносабатларнинг такомиллашиб, янги поғонага кўтарилишига хизмат қилди.

Ўзбек тили давлат тили деб эълон қилингандан сўнг ўн икки йил ўтди. Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, ўзбек халқининг кўнглидаги энг эзгу ниятларидан бири амалга ошди. Халқимизнинг ғурурини кўтариб, унда ички руҳий қониқиш ҳиссининг пайдо бўлишига олиб келди; ўзбек тилининг давлат тили деб эълон қилиниши миллий тилимизга бўлган диққат-эътиборнинг жиддий ўсишига, кўтарилишига сабаб бўлди; илгариги ҳадиксираш, байналмилал тилга сажда қилиш ва йўл-йўлакай миллий тилимизни камситиш, оёқости қилиш ҳолларига жиддий равишда чек қўйилди; ўзбек тили аввалги чекланиш, ўз ривожланишида бир томонламалик ва сунъий ривожланиш йўлларида қутилди; шу асосда унинг бойиши, ривожланиши тезлашди, ўзбек тили соҳасида илмий тадқиқотларни кенгайтириш учун имкониятлар ва ижодий муҳитлар очилди.

Шу билан бир қаторда, ўзбек тили давлат тили деб эълон қилиш тил масалаларида бизнинг умуммиллий ҳамда ҳар бир шахсга тегишли қатор камчилик ва нуқсонларимиз борлигини кўрсатди: оғзаки тил билан адабий тил ўртасидаги уйғунликнинг бир-бирдан узлиб қолганлиги кўзга ташланди; айниқса шаҳар аҳолисининг кундалик оғзаки тили ўзбек тилига тегишли бўлмаган, бу тилга ёт ва ноқерак сўзлар ҳамда иборалар билан бўлганлиги сезилди. Аҳолида ўзининг кундалик оғзаки тилига талабчанлик, ўз нутқини ичидан назорат қилиб бориш ҳисси шакллантирилмаган эди. Бу нарсага мактаб ва маориф ходимлари масъулиятсизлик билан қараб келган эдилар. Ҳолбуки, бундай оғзаки нутқни ҳеч бир вақт қоғозга тушириб, чоп этиб бўлмайди. Шунинг натижасида оғзаки тил кўпинча давр ва адабий тил талабларидан орқада қолиб келмоқда.

Бу жиддий камчиликнинг ҳаёти-мизга салбий таъсири шундан иборатки, оғзаки нутқда ўзини назорат қилишга ўрганмаган фуқаролар ва-зият талаб қилганда ўз фикрларини чиройли ифода қилолмай қийналадилар. Турли давлат ва жамият муассасаларида ишловчи баъзи хизматчилар, идора раҳбарлари, раҳбар ходимлар миллий тилнинг фақат но-

адабий шаклини, кўча ва уй шаклини биладилар, адабий тилда ўз фикрларини силлиқ ва саводли ифода қилолмайдилар. Бу эса сўзлашишда ва фикрларни ифода қилишда «меҳнат унумдорлигини» камайтириш, тилнинг самарадорлигини пайсайтиради.

Бу борада шаклланган камчилик тоталитаризм йилларида миллий тилимизга бўлган талабчанликнинг йўққа чиқарилганлиги, шу аснода она тилини ўқитиш сифати устида иш олиб борилмаганлиги, тил мутахассислари ни ҳар

лигимиз маълум бўлди. Бу соҳадаги ташкилий ва техникавий муаммо ҳал этилмаганча қолиб кетаверди. Давлат тили масалаларини тарғиб қилишда тилшуносларимиз, умуммиллий стратегик аҳамиятга эга лингвистик масалаларни ўртага ташлаш ўрнига, рўзнома, журнал, радио ва телевидение орқали жузъий масалаларнинг тафсилот ва тарихларига тегишли гапларни ёритишни маъқул кўрадилар.

Давлат тилини амалиётга татбиқ этиш бўйича давлат комиссияси, республика Атама қўмитаси ва шу масалага алоқаси бор бир қатор ташкилотлар, муассасаларнинг фаолияти самарали эканини ҳали аҳоли сезганича йўқ ёки улар тўғрисида ҳеч нарса билмайди.

Давлат тилини билмайдиганлар билан ишлаш масаласи ҳал этилмаганлиги сабабли ва, айни вақтда, барча тадбир ва йиғилишлар одатда давлат тилида ўтказилаётганлиги туфайли бу масалалар ўз-ўзича юмшаб, кескинлигини йўқотди. Давлат тили масалалари Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба умумхалқ эътиборида бўлиши муносабати билан икки нарса диққатни ўзига тортди. Биринчидан, ўзбек халқи ўз миллий тилига ниҳоятда улкан ҳурмат билан қараб, уни ҳимоя қилишга, унинг обрўси учун курашга тайёр эканлигини кўрсатди. Иккинчидан, ўзбек миллати ўзининг бундай масалаларини муҳокама қилишда жиззаки ва эҳтиросли эмаслигини, тил муаммоларига оқилона ва вазмин қарашини намойиш қилди. Шу сабабли давлат тилини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида жанжал ва можаролар чиқмади, ҳамма масалалар ўзаро ҳурмат қондалари доирасида ҳал этилмоқда.

Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилингандан сўнг, ўтган давр жараёни нотекис кечаётганини кўрмасдан иложимиз йўқ. Ҳозирча ҳисоб Давлат тили фойдасига эмас. Давлат тилини сингдириш миллий зиёлилардан катта шижоат ва меҳнатни талаб қилади. Миллат тилдан бошланади. Тилга эътибор — элга эътибор (Навоий). Тилни қанчалик ҳурмат қила олсак, миллатимизни ҳам шунча ҳурмат қиламиз.

Давлат тили борасидаги ишни жонлантириш тилимизни ноқерак чет сўзлардан тозалашдан бошлашимиз, ўзбек тилини барча ўқув юртларида ўқитишни тубдан яхшилаш, матбуотда тил маданияти ва нутқ маданияти бурчаклари очиш, кенг оммани бу жиҳатдан тарбиялаш даркор.

Гулнора МАНСУРОВА,
фалсафа фанлари номзоди.

Миллат тилдан бошланади

томонлама тийиш натижасида юзага келди. Етуқлик аттестатини олган ва турли олий илмгоҳларда ўқиб турган ёшларимиз ичида ўтказилган текширишларимиз шуни кўрсатдики, ўзбек тилида беҳато ёзадиганлари кам.

Шу билан бир вақтда, олий илмгоҳ талабалари ва муаллимлари орасида соф ўзбек адабий тилида сўзлайдиганлар фақат истисно сифатида учраб қолиши мумкин. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, оғзаки адабий тилда соф сўзлашиш сунъий бўлиб кўриниб, ҳамсуҳбатлар томонидан пичинг билан кутиб олиниб, кесатикқа сабаб бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Давлат тили тўғрисидаги қонунда кўрсатилган талаб, қоида-шартларни изчиллик, синчковлик асосида ба-жаришда биз кўп имконият ва қонуний йўللардан фойдалана олмаслигимиз аён бўлди. Масалан, юқорида биз ифодалаб ўтган оғзаки тилнинг шакли, маъноси ва софлиги учун кураш, давлат тилини ноўзбек аҳолига ўргатиш, давлат тилини ҳаётнинг ҳамма соҳаларига сингдириш каби масалаларда биз уюшқоқ эмаслигимиз, ўтмиш андозалари асири экан-

Мазмун ва моҳиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган абадий қадриятлардан бири бўлмиш оила узоқ тарихий давр мобайнида халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатиб, ривожланиб келган ва келмоқда. Оила муайян миллий хусусиятлар негизда шаклланиб, ташқи омиллар таъсирида ўзгариб боради.

Оила барча миллатларда, халқларда, элатларда миллий-маънавий дунёқараш манбаидир. Шунинг учун ҳам унинг жамият тараққиёти жараёнида тутган ўрни ва мавқеи пасаймайди, аксинча кучайиб боради. Маънавият асосларини белгиловчи хулқ-одоб меъёрлари, қадрият ва анъаналар оилада шаклланади, фарзандлар ҳаётига кириб боради.


Ёш авлоднинг маънавий тарбиясида халқнинг бой маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатларига содиқлик руҳи катта аҳамият касб этади. Халқнинг маънавий-ахлоқий негизлари оилага бориб тақалади, унда шаклланади, жамланади ва ривожланади.

Оила халқнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий бирлигини вужудга келтиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Катталарга, ота-онага, қариндош-уруғларга, устоз-тарбиячиларга ҳурмат-эҳтиром, ўтмиш авлодлар ҳосил қилган бойликларга, тарихий ёдгорликларга меҳр-муҳаббат, гурур, фахр ҳиссини тарбиялашда ҳам оиланинг ўрни юксакдир. Чунки оила шахснинг руҳий олами, дунёқарашини шакллантирадиган асосий маскандир. Шунинг учун ҳам замонлар ўзгаради, инсонларнинг турмуш тарзи, кийим-кечаги, дунёқарашини ўзгаради, лекин оиланинг аҳамияти, унинг қадри ўзгармайди.

Оила минг йиллар давомида халқ маънавий бойлигининг туганмас хазинаси бўлиб келган. Миллий қиёфа ва миллий тафаккур асосан оилада шаклланиб келган. Кечмишдан ҳозиргача яшаб келган ота-она ва фарзандлар ўртасидаги боғлиқлик, она-Ватанга муҳаббат туйғуси, авлодлар орасидаги ўзаро ҳурмат ва эҳтиром, ёши улугларнинг кичикларга меҳрибонлиги ва ёшларнинг уларга иззат-икром каби қадриятларнинг ёши улуг. Қадимий урф-одатлар, қадриятлар, удумлар наслдан-наслга асосан оила орқали етиб келади. Бизнинг давримизгача сақланиб қолган жуда кўп бобомерос маънавий қадриятларга эҳтиёж ортмоқда. Уларга таяниб, маънавий баркамол соғлом

авлод ўстириш долзарб вазифалардандир.

Ёшларнинг бугунги тафаккур ва дунёқарашини, миллий ва инсонлик гурури, фуқаролик масъулиятини ҳис эта олиши жамият осойишталиги учун муҳимдир. Ҳозирги имкониётлардан оқилона фойдаланиб, янги минг йилликка миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ҳар томонлама етуқ оилани шакллантиришга ҳаракат қилинмоқда ва бу иш давлат



сиёсатида айланмоқда. Бозор иқтисодиётига хос ислохотлар оилаларнинг, айниқса, кўп болалик, кам таъминланган оилаларнинг манфаатини назарга олган ҳолда ўтказилмоқда. Оилаларда аёлларнинг, қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш учун ҳам кўп ишлар қилинмоқда, соғлом авлод тарбиясига аҳамият берилмоқда.

Президент Ислам Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш масаласида аввал бошланган ишларимизни амалда давом эттириб, янада юксак даражага кўтаришимиз зарур» деб таъкидлади.

Давлат томонидан амалга оширилаётган бу тадбирлар оила манфаатлари, эҳтиёжлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга, бу эса оила маънавиятини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатиши аниқ. Ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан бири оилани мустақкам-

лаш, фарзандларни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом ўстириш учун моддий ёрдамни кўпайтириш, ажралишни камайтиришдир.

Ёш оилаларга Фарб мамлакатлари бошидан кечирган ва ҳозир ўзлари ҳам рад этаётган анча салбий одатларнинг зиёнини тушунтириш зарур бўлиб қолмоқда. Индивидуализм, «никоҳсиз эркин яшаш» ғоясининг кенг тарқалиши анъанавий оила тизимини, ота-онанинг фарзандлари ва бир-бирлари олдидаги бурчларини, вазифаларини англашни заифлаштиради, ёш авлод тарбиясига, уларнинг соғлом ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Кўпгина халқаро экспертларнинг хулосаларига кўра, бу ҳолат ажралишнинг кўпайишига, туғилишнинг камайишига, ёлғиз қарияларнинг, болаларнинг қаровсиз қолишига, СПИД касаллигининг ва бошқа юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига олиб келди. Ҳозир Фарб мамлакатларида анъанавий оила ҳаётининг афзалликлари тушунтирилмоқда, кенг тарғиб қилинмоқда, умуминсоний қадрият сифатида уни сақлаб қолиш, мустақкамлаш зарурлиги ўқтирилмоқда. Шарқ оилаларига хос меҳрибонлик, қарияларга бўлган иззат-ҳурмат юқори баҳоланмоқда.

Асрлар синовидан ўтган, бизгача етиб келган бебаҳо маънавий бойликларни эъзозлаш, асраш, уларга содиқ бўлиш ниҳоятда вожибдир. Фарбга хос, бизга ҳам кириб келаётган баъзи янги одатлар зўравонликни, ахлоқсизликни, гиёҳвандликни, безбетликни, шарм-ҳаёсизликни тарғиб этиш, халқнинг турмуш тарзини бузиш, маънавий қадриятлардан воз кечиш, миллийлик хусусиятларини йўқотишга қаратилган. Ёшларимизнинг онгини бундай хатолардан, бегона зарарли дунёқарашдан асраш, уларнинг ички дунёсини билан озиқланаётганлигига эътиборни қаратиш муҳим вазифалардандир. Президентимиз Ислам Каримов айтганидек: «Нуроний отахонларимиз, мунис онахонларимизга ҳамиша ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларнинг хизматини қилиб, дуосини олиш, жажжи гўдакларга ғамхўрлик қилиш, уларни ардоқлашдек халқимизга хос бўлган, асрлар давомида сақланиб келаётган олижаноб одатга ҳар биримиз содиқ бўлишимиз, уни асраб-авайлашимиз, ривожлантиришимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир».

Фарида АҲМАД қизи,
тарих фанлари доктори.



Қўмсаш

1996 йилнинг 26 сентябрь куни. Кибриё опадан хабар олай деб кўнғироқ қилсам, «Абдулла Қаҳҳор уй-музеи» ходимларидан бири опа тўсатдан оғриб, реанимацияда ётганини айтиб қолди. Шоира Шарифахон Салимовага кўнғироқ қилдим. Учрашиб, Буюк Ипак йўлидаги шифохонага тезда етиб бордик. Бизни реанимация бўлимига қўйишмади. Шифохона бош врачидан рухсат сўрамоқчи бўлдик.

— Сизлар опанинг кимлари бўласизлар? — деди у.

— Биз, биз..., сингилларимиз, мухлисларимиз... — дедик икковимиз бирдан.

— Жуда яхши. Сизларга раҳмат... Лекин опанинг шу аҳволда кўришларингизни маслаҳат бермасдим, — деди у. — Улар билан биз ҳам опа-укадек эдик. Шифохонамизда кўп даволанганлар... Бу гал ҳам кўлимиздан келганини қилдик. Лекин... соғайиб кетасиз, деб кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қилдим, — дейди бош врач Эркин ака хомуш. — Шунда Кибриё опанинг кўзларидан икки томчи ёш думалаб тушди. Кейин кўзларини юмиб олдилар. Аҳволлари оғир... Яхшиси уйларига бориб тай-

ёргарлик кўраверинглар. Ёлғиз укам Ленинободда яшайди, деб эдилар.. Узоқ-яқиндаги қариндош-уруғларига хабар беринглар...

Шифохонага қандай учиб етиб келган бўлсак, орқага шундай тез қайтдик. Мен нега кеча, ўтган куни эмас, бугун кўнғироқ қилганимдан ўкиниб гапирсам, Шарифахон Кибриё опани кўриб чиқишга бир дақиқа вақт ажратолмаганига ачинади. Мен яқинда уйимизда бўлиб ўтган тўйда Кибриё опа бир ҳовли меҳмонни кулдириб гапиргани, газал ўқигани ёзилган тасмани опага кўрсатолганимдан армон қиламан. Шарифахон эса опа билан бирор ой илгариги сўнгги учрашувимизни эсга олди. Ушанда Бухородан адиба Бахшанда Болтаева келганди. Кибриё опани зиёрат қилиб кетсам, деган ниятим бор, деб қолди. Биз кўнғироқлашиб, Кибриё опаникида учрашадиган бўлдик.

Ранглари синиққан, эгнида иссиқ қора қўйлак, оёқларида иссиқ пайпоқ кийган Кибриё опа эшик олдида бизни кутиб олдилар. Сентябрь ойининг иссиқ кунларида бундай кийинганларидан ҳайрон бўлдик. Қизлардан бири:

— Опа, тобингиз қочдимми? — деб

сўради.

— Йўқ, йўқ... Худо асрасин, отдекман..., — дедилар сир бой бермай. — Ахир кекса одамни иссиқ овқату иссиқ кийим асрайди-да, — дедилар ўзларига хос қикирлаб кулиб.

— Безовта қилганимиз учун узр..., — деди Бахшанда. — Сиз билан кўришмай кетолмадим...

— Уйда занг босиб ўтирган биздек бир ғарибни йўқлаб келасизу безовталик бўладими?! Қани, қани ичкарига марҳамат...

Опоқ дастурхон ёзилди. Дастурхонда Кибриёқатлама (Опа оқ ва кўк пиёзлар, аччиқ қалампир қўшиб қатлама қилардилар. У жуда хушхўр бўлар ва мазаси ҳеч кимникига ўхшамасди. Шундан унга Кибриёқатлама деб ном қўйгандик)дан тортиб қўлбола ҳолвагача, иссиқ балишдан тортиб, аччиқ сузмагача бор эди. Бироздан сўнг ош сузилди, қовун сўйилди... Опанинг нон-тузини кўп татиган, суҳбатларидан бахраманд бўлган эрақлар у ёқда турсин, ҳатто аёллар ҳам унинг пазандалиги, меҳмон кутишига қойил қоларди. Кўпинча бунда татиган овқатларимизни уйимизда тайёрламоқчи бўлардик, аммо опаникидай мазали

чиқмасди. Совутгичда ҳамма вақт ярим тайёр маҳсулотлар: тугилган чучварадан тортиб оширилган хамиру қовурилган қиймагача, орасига ёғ суртиб, зувала қилинган хом қатлама, турли-туман масаллиқлар турарди.

Эшикдан кириб келган одам бир чойнак чой ичиб улгурмасдан ош тайёр бўларди. Меҳмондўзлик опанинг ажойиб фазилатларидан бири эди.

Кибриё опа газалхонликни жуда-жуда яхши кўрарди. Бирор меҳмонга тўртта газал айтмай жавоб бермасди. Бу кунги дийдор кўришув ҳам газалхонлик билан бошланди. Ҳалимаҳон шеър ўқиди, Турсуной давом эттирди. Навбат Ойдинойга, кейин Шарифаҳон, Бахшандага кўчди... Опамиз ижодкор сингилларига меҳри тобланиб узоқ тикилиб ўтирдилар. Фазал айтиш навбати Кибриёхонимга келди. У Бедил, Шайх Саъдий, Ҳофиздан ўқий бошлади. Опа газал айтганда кўзлари ёниб кетарди. Ўнг қўлини беихтиёр кўтариб-кўтариб кўярди. Чехрасида эса ним табассум...

Бироз тин олди чоғи, биз яна, яна бўлсин, дея илтимос қилардик. Опа яна илҳомга тўларди. Ипақдай эшилиб, ипақдай товланиб газал айттардилар, тўхтовсиз айттардилар... Биз опага, опамиз эса сингилларига тўйиб-тўймай хайр-хўшлашдик. Опа бизни дарвозагача кузатиб чиқдилар.

— Бу келганларингиз ҳисоб эмас, яна келинлар, кутаман, — дея орқамиздан қараб қолдилар.

Агар бу Кибриё опа билан сўнги учрашув эканини билганимизда эди. Хом сут эмган бандалармиз. Ҳар ким, ҳар дақиқа ганимат экан. Ҳа, инсон инсонга ганимат.

Кибриё опа билан сўнги бор кўнғироқлашганимизда шунга шаъма қилган эканлар.

— Дилбархон, бормисиз?! Нега кеча келмадингиз? Тилабжон ҳам кўринмадилар?! — деган эди гинахонлик билан.

Кеча 17 сентябрь, Абдулла Қаҳҳор тугилган кун эди. Ҳар йили шу кунни опа дастурхон ёзиб, ёзувчини хотирлаб келганларни кутардилар. Қаҳҳорни ёзувчилар эслашарди, Кибриёхоним сўзларди... Бу гал шу учрашувдан бахраманд бўлолмаган эдик. Узримни айтаман...

— Балки Қаҳҳор учун бу сўнги дастурхон ёзишимдир, — деган эди опа узоқ тин олиб. — Ўринларингиз хувиллаб турди. Ахир сизлардан бўлак кимим бор?! Жим бўлиб кетманглар, ғариб опангизни йўқлаб туринглар...

«Сизлардан бошқа кимим бор» иборасини опа кўп ишлатар эдилар.

Бу опанинг ҳеч кими йўқ деган гап эмас, балки одамларни ўзига яқин кўришлари, уларга бўлган меҳроқибатлари ифодаси, мен сизларни яхши кўраман, деганлари эди...

... Шарифаҳон билан Кибриё опанинг уйига етиб келганимизда ҳовли тўла одам: опанинг сингиллари, жиянлари, дўсту биродарлар, кўни-кўшнилар... Телефон жиринглаб қолди... у тинмай жиринглаб турарди... Ҳеч ким уни кўтаришга журъат этолмасди. Хаёлимизда ҳозир ичкаридан опа чиқадилару жавоб берадигандек... Ҳовлида турганлар, ичкарида ўтирганлар, ҳамма-ҳаммалари қарахт бир аҳволда тилларию дилларида Кибриё, Кибриё номи эди... Телефонда эса ўша таниш овоз, шифохона бош врач эди: «Кибриё Қаҳҳорова оламдан ўтди...» Бу катта дарғоҳ Қаҳҳордан кейин иккинчи эгаси, бетакрор бекасидан жудо бўлганди. Ҳаммаёқ хувиллаб, атроф жимликка чўқди. Ҳатто ҳовлидаги ягона хурмо ҳам сарғайиб қолгандай туюлди. Биз меҳрибон устозимиз, опамиздан жудо бўлган эдик. Бир гапириб, ўн бор куладиган хушчақчақ инсон орамиздан кетганди. Севги, вафо ва садоқат бобида ибрат даражасига кўтарилган аёл ҳаётдан кўз юмганди. Энди Кибриё опанинг ўзлари йўқ, гаплари қолди. Абдулла Қаҳҳор деса тилларидан бол томарди. Ҳатто унинг хотирасидан ҳам меҳр-муҳаббат, яшаш учун куч-қувват оларди. Опа умр бўйи ўзини эмас, Қаҳҳорни ўйлаб яшаган инсон. Қаҳҳор унинг учун идеал, кечаги ва бугунги кун эди. Улар қўш каптар эдилар. Улар данакнинг ичидаги қўш мағиздек бир-бирларига яқин эдилар. Уларни ҳамма вақт бирга кўрардик. Ёзувчилар уюшмаси мажлислари, тадбирларга, китобхонлар билан учрашувларга, тўй-томошаларга бошлашиб, салобат билан кириб келишарди.

Ёзувчи оламдан ўтгандан кейин ҳам Кибриё опа оёғи ердан узилгунга қадар Қаҳҳор номи ва ёди билан яшади. Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» китоби улар орасидаги қайноқ меҳр-муҳаббат, ижодий ҳамкорлик ва ҳамнафаслик рамзидир. Опа ҳар икки гапларининг бирида менинг бу дунёим ҳам, у дунёим ҳам Қаҳҳор билан бирга дердилар. Буни қарангки, Кибриё опа Қаҳҳор ёнига — Чиғатой қабристонида дафн қилинди. Бу Кибриё опанинг ички бир орзуси эди.

Кибриё Қаҳҳоровага бўлган бу эҳтиром у Қаҳҳорнинг умр йўлдоши бўлгани учунгина эмасди. Уни яқиндан билмаганлар, у билан мулоқотда бўлмаган, асарларини ўқимаганлар эҳтимол опа Қаҳҳорнинг соясида юрган одам деб ўйлашгандир. У би-

лан тарих, фалсафа, мумтоз адабиёт, қадриятларимиз, айниқса, тил хусусида гаплашган, баҳс-мунозараларда бўлганлар, таржима асарларини, илмий мақолаларини ўқиб-ўрганганлар Кибриё опа Қаҳҳорсиз ҳам ҳаётда ўз изи, ўрнига эга бўлиши мумкин эди, деган фикрга келган эдилар. Ҳа, у том маънодаги инсон, мутафаккир аёл эди. Қаҳҳордек ёзувчи билан бирга турмуш қуриш, ижодий ҳамкорлик эса унинг истеъдодининг равнақиға ёрдам берган.

Кибриё опа «Мен Қаҳҳорнинг ишончи, қўллаб-қувватлаши туфайлигина Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асари таржимасига журъат этгандим» дегандилар. Асарнинг биринчи жилдини Қаҳҳор билан ҳамкорликда таржима қилган бўлса, қолган уч жилдини рус тилидан ўзбек тилига мустақил ўгирган. Максимум Горькийнинг «Она», «Менинг дорилфунунларим» романларини Кибриё опа таржима қилдилар. С.Айнийнинг «Эски мактаб» китобини тожикчадан ўзбекчага, Қаҳҳорнинг «Сароб», «Ўтмишдан эртақлар», «Олтин юлдуз», «Муҳаббат» асарларини эса ўзбек тилидан тожикчага ўгирганлар. Қаҳҳор оламдан ўтгандан кейин ёзувчининг «Танланган асарлар»ини ва «Адабиёт атомдан кучли» китобини нашрга тайёрлади. Адибанинг Шарқ мумтоз шоирлари ва уларнинг асарлари таржимаси хусусидаги фикр-мулоҳазалари, изланишлари ўзига хос кашфиёт эди. У дунёқараши кенг, билими чуқур инсон эди. Зилол булоқ ер қатламларидан сизиб чиққандай унинг ҳам ақл-заковати маънавият ва маърифатнинг терак илдиэларидан куч-қувват олиб турарди. У билан одам зерикмасди. Фазаллардан ҳикматли сўзларга, ҳикматлардан ҳикоятларга, латифаю ҳазил мутойибаларга ўтар, буларга жуда ҳавасманд эди. Ҳар гал янги газал, янги ҳикмат тинглардик, янги гап эшитардик. Кулдирарди, йиғлатарди...

Бундай жўшқин эҳтирос опага кимдан ўтган экан деган ўй кечарди кўнгилдан. Шунда у болалиги, меҳрибон она-отаси ҳақида тўлқинланиб сўзларди. Бухоронинг Кўкалдош мадрасасида ўттиз йил таҳсил олган отаси Лутфулломаҳдум уни уч ёшлигиданоқ шеър ёдлатиб, ҳарф ўргатиб, билим олишга чорлаган. Кибриё опа ўн ёшида Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил, Шайх Саъдий ва Абдурахмон Жомий асарларини бемалол ўқий олган. Ёшлигиданоқ унинг турмуш тарзига айланган ўқиш-ўрганиш иштиёқи бир умр уни тарк этмади. Шу заҳматли меҳнатларининг натижаси ўлароқ у Хожа Ҳофиздан, Шайх Саъдийдан икки минг мисрагача ёд билган. «Кибриё

менга форс-тожик адабиётига дарча очиб берди» деганида Абдулла Қаҳҳор ўз умр йўлдошининг билимдонлиги, зукко талантини кўзда тутган бўлса ажаб эмас. «Биз эру хотингина эмасмиз. Эр-хотинлик орамиздаги муносабатнинг бир жузигина, — деганди Қаҳҳор. — Агар бирон ташқи мажбурият бизни эр-хотинликка барҳам беришга мажбур қилса, орамиздаги муносабат жуда ҳам зарар топади».

«Абдулла Қаҳҳор уй-музейи»нинг ташкил этилиши жараёнида Кибриё опанинг характери яна бир бор намоён бўлди. Уй-музейнинг директори Кибриё опанинг қаттиққўллиги, талабчанлиги туфайли бир неча бор алмаштирилди. У ёзувчи уй-музейига адабиётни севган, маънавий юксак одам раҳбар бўлишини истарди. Ёзувчи қўлёзмалари, китоблари, хужжатлари, уй жиҳозлари, қўйинги майда-чуйда нарсаларигача кўз қорачиғидай асрайдиган маърифатли одамларгина бу ерда ишлашга муносиб деб тушунарди. Ҳар бир ишда қаттиқ интизом ва тартибни талаб қиларди...

Уй-музей очилди. Унга томошабинлар ёғилиб кела бошлади. Уларни биринчи бўлиб Кибриё опа кутиб оларди. Ёзувчи Қаҳҳор, унинг ҳаёти, китоблари, ўткир публицистик чиқишлари ҳақида тўлқинланиб гапириб берарди. Уни эшитганлар учрашувларга таклиф қилишарди. Опа соғлиги кўтармаслигига қарамай ички-уч ёш ижодкорлар ҳамроҳлигида вилоятларга учиб кетарди. Ёзувчи мухлислари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берарди. Фазаллар ўқирди... Шундай кезларда руҳан жуда енгил тортарди. Ташвишлари унутилар, ҳатто соғайиб, тетиклашиб қолгандек бўларди.

Кибриё Қаҳҳорова доимо банд эдилар. Машилкада нимадир кўчираётган, газета-журналлар ўқиётган, китоб титкилаётган, телефонда гаплашаётган... Ҳамма нарса унинг қўли етгудек жойда турарди. Уйларига келган одамларга бу манзара тартибсизликдек кўриниши мумкин эди. Лекин бу «тартибсизликлар» замирида ички тартиб-интизом, яъни муттасил ўқиб-ўрганиш, ёзиш-чиқишни қанда қилмаслик ётарди. Опа зеркиш нималигини билмай ўтган инсон. Сўнгги дақиқасигача унинг қўлидан қалам-дафтар тушмади. Унга яқинлашган одам борки, дардига малҳам топарди. Эридан норизо бўлган аёл ҳам унинг панд-насиҳатларидан таскин топиб, эрининг гуноҳларидан ўтарди. У эрга қул бўлишликни эмас, ўзликни йўқотишни эмас, балки, оилани сақлаб қолиш, йўқотишининг олдини олишга давват

этарди. Кўча-кўйда ясаниб-тусаниб, уйда ўзига қарамайдиган аёлларга «Энг чиройли гапингизни уйдагиларингизга айтинг, энг хушбичим кийим-кечакларингизни уйдагилар олдида ҳам кийинг», дея маслаҳат берардилар. Бу борада ҳам опанинг ўзлари бошқаларга ибрат эди. Опанинг ҳазили беозор, кулгиси очик кўнгиллик рамзи эди. Кўнгирак қилгудек бўлсалар гапни оламда нима гап, эрингиз қалай, деган саволдан бошлардилар. Биз ҳам опадан бўш келмай:

— Бизнинг эримиз қалай эмас, олтин, — деб ҳазиллашардик...

— Кеча театрга нега келмадингиз? — дея опа яна дабдурустан сўраб қолардилар. — Ваъдалар бошқача эдику. Чироқ ўчгунча орқага қарай-вериб бўйним кийшайиб қолди... Бугунга тўйга айтишган, — гапида давом этарди у. — Бораман, деб ваъда берганман... Бораман... Бормасам қариб қолибди, деб тўй-маъракаларга айтмай қўйишмасин.

— Тўғри қиласиз, одамларни, таниш-билишларингизни кўрасиз...

— Эртага «Ойбек уй-музейи»га Наврўзга таклиф қилишган. Бирга бормаймизми?

— Опажон, сиз нима десангиз-шуда!

Ҳар баҳор ойининг 14 апрель куни опаникида йиғилар эдик. Бу кун Кибриё Қаҳҳорованинг туғилган куни. Баъзида туғилган кунларини Қаҳҳор туғилган кунга қўшиб ўтказар эдилар. Улар даврага келиб кўшилишлари билан одамларнинг диққат марказига айланар эдилар. Соатга ўғринча қараб қўйишимизни ёқтирмас эдилар. Гўё соат миллари бу нурли дийдор онларини қисқартираётгандек туюларди...

... Анъанага кўра Кибриё опанинг туғилган кунини нишонлаш учун унинг хонадонига тўпландик. Кибриё Қаҳҳорова билан Абдулла Қаҳҳорнинг чироғлари ўчган эмас. Уларнинг сингиллари, жиянлари хонадонни обод қилиб, уй-музей эшикларини очиб ўтиришибди. Ҳаммаси опамиз бор пайтларидек. Фақат уларнинг ўзлари йўқ.

Ҳа, одамларни қовуштирадиган, дўстлаштирадиган ажойиб инсон, аллома аёл энди орамизда йўқ. Жавондаги суратидан бизга жилмайиб қараб турибди. Биз уларни ҳамма вақт ана шундай дилбар ва кўркем кўрганмиз. Биз улар билан ўтган дийдор онларини ҳаммаша қўмсаб, соғиниб, эслаб яшаймиз.

Дилбар МАҲМУДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Тўртликлар

Умрим қизил гулдир Ватанда,
Унинг соясида сояланаман.
Офтоб кўз узмас бу чамандан
Ватаним деб мен ҳам ёнаман.



Куйлар жилға ўзлиги унут,
Кўк тоқиға интилар бургут.
Бири ер, бири кўк ишқида
Ишқ муштарак — олам беҳудуд.



Булбул навосига турфа ранг
Топди бу ажиб чаман ичра.
Не мурод, етгунг фақат киндик
Қонинг томган эл-Ватан ичра.



Кун, қуёш билан сўнгсиз осмон,
Тун, ой билан ҳам чексиз осмон.
Ватан эрур севгимга қудрат
Йўқ менинг-да ишқимда поён.



Умримдаги ҳар битта куннинг
Бор осмони ва бор замини.
Давоматман аждодларимдек
Еб яшайман иймон гамини.



Ватан де, ён, ишқда билма чек
Денгиз тубига туш гаввосдек.
Авлодларга етгин, мозийдан
Бизга етган не-не овоздек.



Ўзингни бор қил, эт юзим
гулгун
Лол тилсим тил очсин,
қолмасин тугун.
Маҳзун боқадурман олис
йўлларга.
Ёнайлик, кеч бўлиб қолмасдан
бугун.



Кетдинг қайт деб чопди
ортингдан излар,
Жуфт навда, жуфт қанот эдик-ку
бизлар.
Бош урдинг етиб уфқ девори
узра
Ҳам турдинг кўксимда ўзимдай
бўзлаб.

Мадамин ҚўЧҚОР,
Хоразм.

Устоз ва шогирдлик

Ҳозирда ўқувчи-талабаларга таълим-тарбия беришда маданиятимиз қадриятлари миллий санъатимиз, ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машхур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Шу маънода республикада таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида 1997 йили «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги сиёсатини, умуминсоний қадриятлар, халқнинг тарихий тажрибаси, маданият ва фан бобидаги кўпасрлик анъаналар, жамиятнинг истиқболидаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда юргизилди» дейилган.

Ўзбек халқининг маънавий меросини ўрганар эканмиз, улкан маънавий тажрибага эгалигимиз кўзга яққол ташланади. Кейинги вақтларда бой меросимизни ўрганиш учун шарт-шароитлар яратилаётган бўлса-да, улардан етарлича фойдалана ололмаёмиз.

Бунинг сабабларидан бири чуқур фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилмаётганлигидир. Аждодларимиз тажрибалари ёритилган адабиётларни ҳам етарли деб бўлмайди. Бундан ташқари уларнинг тажрибалари ҳозирда касб-хунар масканларида қиёмига етказиб ўргатилмаяпти.

Шу вақтгача педагогика олий ўқув юрларининг «Бадий график» ва «Касб таълими» факультетларида, касб-хунар коллежлари, лицей, кўшимча таълим муассасаларида хунар ўрганаётган ёшларимизга «Уста ва шогирд» одоби ўргатилмаслиги боис уларнинг маънавиятини ҳозирги замон талаби даражасида дея олмаймиз. Бунинг учун уларнинг ёши, қобилияти ва билим даражасини ҳисобга олиб «Устоз ва шогирд одоби» дарслигини яратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Устознинг шахсий ва касбий фазилатлари нималардан иборат эканлиги ҳамда уларга қўйилган талабларни тўлиқ тасаввур қила олмаслиги оғзаки савол-жавобларда, махсус сўровнома ҳамда тест саволларида бизга аён бўлди.

Шуларни ҳисобга олиб, устозлик санъати сирлари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Уста устоз деган номга қандай муносиб бўлади? Устознинг вазифаси нималардан иборат? Қадимда устозлар шогирдларига қандай таълим-тарбия берганлар, каби саволларга ёшлар жавоб беришга қийналиб қоладилар.

Қадимда хунар муқаддас ҳисобланган, уни чуқур эъзозлаб келганлар. Ота-боболаримиз устоз ва шогирдлар учун ўзига хос одоб-ахлоқ, қонун-қоида, урф-одат ва анъаналарни яратганлар, асрлар давомида бу қоидаларга қатъий риоя қилинган. Халқ хунарамандчилигида устозларнинг ўзига хос шахсий ва касбий фазилатлари мезони бўлган. Шу мезон асосида устага ижобий ёки салбий баҳо берганлар. Шунинг учун ота ўз фарзандини якка шогирдликка берганда устанинг юқоридаги мезонга жавоб бера олиш даражасини атрофлича ўрганиб чиққан.

Ёмон устага берма шогирд этиб,

Бузар у бузук феълни ўргатиб.

Шу ўринда устозларнинг шахсий ва касбий фазилатлари билан танишиб чиқсак.

Устознинг шахсий фазилатлари. Қадимдан устозларнинг шахсий фазилатлари мезон бўлиб, унга сўзсиз риоя қилиб келинган. Шахсий фазилатлар мезони таркибига устознинг гўзал инсоний фазилатлари кирган.

Ризоуддин ибн Фахриддин устозларга шундай насиҳат қилган эди:

«Шогирдингизни ҳар бир ҳаракатларига қараб турингиз, уларга хуш муомалаларни, гўзалу шафқатли одатларни тушунтирингиз, сўзлари-ю феълларини яхшилангиз, уст-бошларини, кийим-кечакларини пок тутмоқлари ҳақида назорат айлангиз. Ёмон хулқлар юқумли бўлганидан бир шогирдингиз ёмон хулқи борлигини билсангиз, жумласини баробар кўриб, жумласи фойда олажак равишда ўргатингиз, фойдали ишлар, керакли адабларнинг жумласидан хабардор айлангиз, натижада бола мумкин қадар режа ила иш қилмоқ, эҳтиёткорлик, поклик, кўркам тартиб, кўп фойдасига тиришмак каби ҳосиятларингизни эгаллаб олади».

Хунарамандларнинг касб маданияти куйидагилардан иборат:

— хунарни жамият тараққиётига ҳисса қўшиш мақсадида ўрганиш;

— хунарни меҳнатсиз даромадлардан асраш;

— устозлар анъанасини хурмат қилиш;

— ҳалол меҳнат қилиш;

— интизомли бўлиш;

— муваффақиятсизликдан тушқунликка тушмаслик;

— хунарда ақлли, тадбиркор бўлиш;

— рост сўзли бўлиш;

— покиза бўлиш;

— бир ишни қиёмига етказмай иккинчи ишга қўл урмаслик.

Хунараманд холи бўлиши лозим бўлган салбий хусусиятлар:

— нопок йўллар билан бойлик орттириш;

— бошқа хунарамандларга нисбатан адоватда бўлиш;

— фақат бойлик орттириш мақсадини кўзлаш;

— журъатсизлик, дангасалик, ялқовлик, эринчюқлик, исрофгарчилик, такаббурлик, ёлғончилик.

Шогирдлардан баъзан турли камчиликлар ўтиб туради. Устознинг вазифаси бундай камчиликларни кечириш, қайтиб бу ҳолни такрорламасликда шогирдга ёрдам бериш. Устознинг кечира олиши олижаноблик ва олимларга хос сифатидир. Ота-боболаримиз «Кичиклардан адашиш, катталардан кечириш» деб бежиз айтишмаган.

Устознинг касбий фазилатларига ўз хунарини олий даражада билиши, ёшларга сидқидилдан ўргата олиш, ўз хунарига янгиликлар киритиши, ўзидан кейин яхши шогирдлар қолдириши ва бошқалар киради. Устознинг энг яхши касбий фазилатларидан бири шогирд тайёрлашидир. Ҳар бир хунараманд устанинг шогирди бўлади. Агар устанинг шогирди бўлмаса, уни худди мевасиз дарахтга ўхшатадилар. Чунки, хунарамандлар авлоддан-авлодга ўз хуналарини анъана тариқасида қолдириб келганлар.

Устоз ўзидан кейин билимни, истеъдодли шогирдлар қолдирмаса, унинг ҳаёти бесамар ўтди дейиш мумкин. Уста қанчалик буюк бўлмасин, тарихда қанчалик из қолдирмасин, ўз билимини, хунарини ишончли одамга қолдирмаса унинг ишларини давом эттирадиган киши бўлмайди.

Саидахбор БУЛАТОВ,

педагогика фанлари доктори, профессор;

Абдулла ЭЛМУРОТОВ,

ўқитувчи.

Жисмоний тарбия – соғломлик йўли

- * Камҳаракатлик оқибатлари
- * Гипокинезия нима?
- * Тез ҳаракатда зўриқиш ҳам ёмон

Бугунги кунда давримизнинг энг муҳим вазифаларидан бири — соғлом экология ва соғлом турмуш тарзини таъминлаш, миллат генофондини шакллантириш ва баркамол авлодни тарбиялашдан иборат. Таъкидлаш зарурки, мазкур вазифани ҳал этишда миллий истиқлол мафкурасининг «стратегик қуроли»га айланиб бораётган жисмоний тарбия ва спорт катта аҳамият кашф этади.

Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия ва спорт давлат сиёсатининг устувор йўналишлар даражасига олиб чиқиладигани бежиз эмас. Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қилолмайди» деган сўзлари бунга яққол мисол бўла олади.

Юртимиз тараққиёти йўлида турли тўсиқларни енгиб ўтиш, табиатнинг «иссиқ-совуғи», турмушнинг «аччиқ-чучук»ларига бардош бериш, озод ва обод Ватан куриш, халқ фаровонлигини ошириш учун самарали меҳнат қилиш миллат соғлиғига боғлиқ.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва инсон саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёсдир.

Инсон ҳаёти давомида кам ҳаракатли ёки бир хил (стереотип) ҳаракатлар билан мунтазам машғул бўлиши натижасида ёқал (бир томонлама) гипокинезия (ҳаракат танқислиги)га мубтало бўлиши мумкин. Бундай

салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш имконияти мунтазам ижро этиладиган ҳаммабоб жисмоний машқлар ёрдамида амалга оширилади.


Маълумки, фан ва техника тараққиёти жараёнида уй-рўзгор ишлари, йўл ҳаракатлари ҳамда бошқа кўп жараёнлар механизациялаб, автоматлаштириб, компьютерлаштириб борилади.

Бу бир томондан, инсон ва жамият учун муҳим қулайлик туғдириб, иш сифати ва самарадорлигини оширса, иккинчи томондан жисмоний меҳнат мушаклар фаолиятини ниҳоятда чегаралаб қўяди. Оқибатда ушбу вазият инсонни гипокинезия дардига мубтало қилади. Гипокинезия эса, ўз навбатида, ҳаётга хавф солувчи, цивилизацияга хос касалликларни (ишемия, гипертония, бронхлар астмаси, невроз, остеохандроз ва ҳоказоларни) келтириб чиқариши олимлар томонидан аллақачон исбот қилинган.

Маълумки, гипокинезиянинг маҳсули бўлган касалликлар турли дори-дармонлар ёрдамида вақтинча бартараф этилиши мумкин. Лекин патологик асоратлар бутунлай йўқ бўлиб кетмайди, ундан узил-кесил қутулиш учун биринчи навбатда гипокинезия дардини даволаш керак. Гипокинезия хасталигини даволовчи ягона ва ўта самарадор дори-дармон катта амплитуда ва секин бажариладиган меъёрланган жисмоний машқлар мажмуасидир.


Агар одамнинг ҳаёт фаолиятида кам ҳаракатли жараён қанчалик устунлик қилса, жисмоний машқлар билан мунтазам шугулланиш зарурати шунчалик юқори бўлади. Акс ҳолда, организмда токсик моддаларнинг (ўт кислотаси-сафро, аммиак, сийдик ва ҳ.э) ҳажми ошади. Йиғилган ортиқча озукалар эса (оқсил, ёғ, углевод, глюкоза, минерал тузлар ва ҳ.э) тўқималарга «зўрлик» билан сўрилиб (ҳаракат камлиги сабабли), организмнинг семиришига олиб келади: гипокинезия дардининг дастлабки оқибатлари шулардан иборатдир.

Маълумки, соғлом авлодни тар-



биялаш, миллат генофондини соғломлаштириш, турли хасталикларнинг олдини олиш, Ватанимиз буюк келажagini таъминлашга қодир жисмонан ва маънан баркамол, ақлан теран авлодни етиштириш масалалари бугунги кунда жуда долзарб вазифа бўлиб турибди. Президентимиз томонидан 1997 йил «Инсон манфаатлари йили», 1998 йил «Оила йили», 1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили» каби давлат дастурларининг ҳаётга жорий этилиши фикримизнинг далилидир. Масаланинг жиддийлиги мазкур мақолада келтирилган маълумотлардан ҳам кўриниб турибди. Дарҳақиқат, гипокinezия хасталигига мубтало бўлган, ўта семирган, меъёридан ортиқ вазнли, жисмонан заиф ота-оналар соғлом ва бақувват фарзандни дунёга келтиришлари қийин. Айтиш жоизки, жисмоний тарбия ва спорт бундай хасталикларнинг олдини олиш, ота-она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш гаровидир. Гипокinezиянинг аломатлари ва семириш жараёнининг тезлашуви, айниқса, илгари фаол жисмоний ҳаракат билан боғлиқ бўлган касб эгалари (бетон қуувчи, сувоқчи, пўлат эритувчи, кон қазувчи, спортчи ва ҳ.э) кейинчалик айрим сабабларга кўра ўз касбларини кам ҳаракатли ишга ўзгартирганларидан сўнг яққол кўзга ташланади.

Гипокinezия инсон учун нафақат тиббий, яъни сихат-саломатлик нуқтаи назаридан хавфли, балки иқтисодий, ижтимоий ва умумбиологик жиҳатдан ҳам зарарлидир. Шунинг учун жисмоний машқларни мунтазам бажариш, организмга «қувват бериш» ниҳоятда муҳим ама-



лий-биологик аҳамиятга эга. Эрталабки зарядка машқларининг моҳияти айнан организмни жонлан-тириш билан изоҳланади. Бундан ташқари, организмни «зарядлаш» уни олдиндин қутилаётган меҳнат ва бошқа ҳаракат, фаолиятларга тайёрлаш демакдир. Бошқача айтганда, «зарядка» шу жараёнларга сарфланадиган энергияни бемалол қоплашга қодир манбадир. Агар бордию, эрталаб ҳали организм тўлиқ ишга тушмаган вақтда қувват бахш этувчи машқлар катта тезликда ва ўта шиддат билан бажарилса, ҳали уйғонмаган организмда зўриқиш ҳоллари вужудга келади, босим ортади, томирлар тонусининг оптималлиги йўқолади, улар меъёридан зиёд таранглашади (ҳатто айрим майда томирларнинг ёрилиши ҳам кузати-тилган), бош оғриги, нафас олишнинг бузилиши ва шунга ўхшаш но-

муҳ аломатлар пайдо бўлиши мумкин.

Гипокinezия қандай оқибатларга олиб келиши мумкин, деган ҳақли савол туғилади. Ушбу масала моҳиятини спортчилар мисолида яққол кузатиш мумкин.

Маълумки, спорт билан шуғулланишнинг дастлабки босқичларида машғулот жараёни умумий жисмоний сифатларни ривожлантирувчи машқлардан иборат бўлади. Вақт ўтиши билан ёш спортчи юқори ма-лакали мутахассис раҳбарлигида ўз маҳоратини такомиллаштиришни давом эттиради. Ана шу «катта» тренерларнинг кўпчилиги қисқа муддат ичида юқори натижаларга эришиш мақсадида ихтисослаштирилган махсус жисмоний ва техник-тактик машқларнинг фоизини ҳаддан ташқари орттириб, бирёқлама тай-ёргарликка ружу қўяди. Оқибатда, жисмоний ва функционал пойдевор ҳар томонлама заифлашиб боради. Шундай бўлса-да, юқори натижаларга эришиш ҳоллари учраб туради. Лекин эришилган натижа мустаҳкам бўлмайди ёки юксалмай қолиши мумкин. Бундай ҳоллар спорт амалиётида, афсуски, учраб турибди.

Кўп йиллик кузатув натижалари, мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ва шахсий кузатувлар шуни кўрсатадики, меъёрдаги жисмоний машқлар нафақат гипокinezия ва гипоркinezия асоратларидан халос этишга қодир, балки инсон вужудининг саломатлигини, жисмоний ва функционал фаоллигини таъминловчи самарали воситадир.

**О. ПЎЛАТОВ,
К. ЯРАШЕВ,
Ш. ПАВЛОВ.**



Фидойилар

Ватанни севиш унинг муқаддаслигини англашдан бошланади. Ватан — бу ичган сувинг, еган нонинг, нафас олган ҳавонг, теварак-атроф, тоғу тош, дов-дарахт, ўт-ўлан. Нон — азиз, сув — муқаддас, ҳаво — табаррук. Бизга емиш, кийим-кечак берган наботот олами, ҳайвонот дунёсини яратган олоҳий зот «эй, одамлар, бир-бирингизга раҳмдил, меҳрли ва шафқатли бўлинг», деб фармон қилган. Уруғ-аймоғимиз яшайдиган маҳалла-қўй, шаҳар-қишлоқлар ҳаммамизнинг мўътабар манзилларимиз эмасми? Меҳрибон ёру биродарларсиз, садоқатли хешу ақрабодарсиз, қадрдон кўни-қўшнилариш бошқа бир, айтилик, ўта бой ўлкада яшай оласизми?

Мен Зоминнинг Тамтум қишлоғида, тоғларнинг ичкарасида — ўз исми билан Ичкарида туғилганман. Биз болалар сахарда бор-йўғи 200-300 метр нарида тоғ бағрини макон қилган сон-саноксиз сайроқи какликларнинг тинимсиз ёқимтой жўрларидан уйғонар эдик. Шундан бўлса керак, каклик овозини жуда яхши кўраман ва унинг кўнғироқдай овозини эшитиб келиш учун қишлоғимга бориб тураман.

Турфа гуллар сеҳри. Қўл ўроқ билан пичан чопганмисиз? Ўт-ўланларнинг атри нам тупроқ хидига кўшилиб димоғингизга урганидай муаттар ис бормикин бу заминда!

Баъзан қишлоққа борганимда «Қани энди кундузи Тошкентда бўлсам-да, кечаси қишлоққа келиб ётсам, тоғ шабадаси тинимсиз юзимга уриб турса, шундай кунлар ҳам келармикин?» деб, ярим ҳазил, ярим чин хаёл суриб қўяман.

Ватанга бўлган муҳаббат ёшликдан, болалиқдан она тупроққа бўлган меҳрдан бошланар экан.

Одам боласи Ватан деб аталмиш табаррук худуднинг сувидан, обиҳавосидан, жамики моддий-маънавий неъматларидан баҳраманд бўлиб, Оллоҳ берган умр давомида даври-даврон суриб охирул амр ҳаёт билан, ҳамма-ҳаммаси билан, демакки, Ватан билан видолашади, қаерга, қайси хилхонага дафн этишларини васият қилиб, Ватан тупроғи насиб қилганига шукроналар айтади.

Ватан тупроғининг ҳар бир ҳовучи азизу мукаррамдир. Буни шўролар даврида қувғин қилинган ватангадо юртдошлардан сўранг. Араб мамлакатларидан бирида бадавлат ҳаёт кечираётган ўзбеклардан бирининг

уйида қимматбаҳо вазалардан иккитасида оддий тупроқ солиб қўйилган экан. Меҳмонлар қизиқсиниб сўрашганда чолу кампир асли Фарғона водийсидан эканини, бир вазадаги тупроқ Қўқондан, иккинчиси бошқа шаҳардан келтирилганини айтишиб, вақт-соатимиз битгач, шу бир ҳовуч Ватан тупроғи насиб қилса бас, деб кўзларига ёш олишибди. Аҳолиси 25 миллионли Ўзбекистонда 130 дан ортиқ эл-элат вакиллари яшайди.

Ўзбекистонни нима учун бу қадар кўп халқларнинг намояндлари ватан тутганлар?

Бу саволга ўзимча жавоб топган бўламан. Буни жаннатмакон воҳаларда яшаб келган, қадимдан ёзувга эга бўлган маданий халқларнинг бағрикенглиги, инсонпарварлигидан, тиллари, ҳатто динлари, урф-одатлари бошқа-бошқа халқларга ер-сув бериб, улар билан ёнма-ён яшашни одат қилган ўзбекларнинг одамшавандалигидан деб биламан.

1992 йилда Қирғизистоннинг пойтахти Бишкек шаҳрида дунё қирғизларининг қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда Ўзбекистондан бутун бир делегация қатнашди. Мезбонлар дунёнинг барча бурчакларидан келган вакиллари бир ҳафта қўй, бия, кўтослар сўйиб, меҳмон қилишди. Қурултой мажлисида ҳамма ўз дил сўзларини айтди. Қирғизистонликлар бўш ерлар кўплигини айтиб, чет эллардан келганларни ота юртига қайтиб келишга таклиф этишди. Шунда ўзбекистонлик Ўнғар Аллаев деган қирғиз дехқон-фермер сўзга чиқиб, қирғизистонликларга қарата бундай деди: «Таклиф учун раҳмат, лекин биз ўзбекистонлик қирғизлар Президентимиз Ислон Қаримовни ҳурмат қиламиз, биз Ўзбекистон ерида қоламиз ва Ўзбекистондан бошқа ҳеч қаерга бормаймиз». Буни Ислон Каримов кўриб, эшитиб турган экан, Аллаевга раҳмат ва совғалар насиб қилди.

Худди шундай гапни бир неча йил Чортоқ туман ҳокими бўлиб ишлаган Мапиратхон Истамкулова оғзидан ҳам эшитдик. Мапиратхоннинг турмуш ўртоғи ўзбек. Қизлари онаси билан қирғиз тилида, отаси билан ўзбек тилида гаплашар эканлар.

* * *

Бу муқаддас ўлкада ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар ва бошқа халқлар узоқ асрлардан буён апоқ-чапоқ яшаб келаётганига тарих гувоҳ.

Қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпоси — «Манас»нинг 1000 йиллиги муносабати билан 1995 йилда «Ватанпарвар» газетасида босилган мақоламизда халқларимиз бирлиги Алп Манас ва Алпомишдан бошланади, деб ёзган эдик.

Эпосда туркий қабилалар ҳали миллат бўлиб таркиб топмаган узоқ ўтмишда ўзбек, қозок, қирғиз ва бошқа қабилалар бир отанинг болаларидек қон-қариндош эканлиги алоҳида қайд қилинган:

Ўзбекнинг ўзи бор

Айтиб қўйган сўзи бор:

Қозок, қирғиз, қатаған

Ҳаммамиз бир отадан.

Урта Осиё халқлари қадимдан дўст-биродар, қуда-анда бўлиб яшаб келишади.

Жанубий қирғизлар XVIII асрнинг охиридан бошлаб Қўқон хонлиги таркибида ўзбеклар, тожиклар билан дўст-биродар бўлиб яшадилар, жанг-жадалларда қатнашдилар, мамлакатни бошқаришда иштирок этдилар. XIX асрда Қўқон хонлигида катта маккега эга бўлган қирғизлардан Олимбек додхоҳ вафот этгандан кейин хотини Қурманжонни додхоҳ — «генерал» қилиб кўтаришади.

«Фарғона маликаси» — «Олой маликаси» ҳисобланган Қурманжон Зийнат тахаллуси билан шеърлар битган ва XIX аср ўзбек шоиралари — Нодири, Увайсий, Маҳзуна, Муштарий, Дилшод билан дўстона муносабатда бўлган.

Қурманжон додхоҳ сеvimли набираларидан бирини қадимги қўлёмалар билағони, Абусаид номли самарқандлик ёш олимга узатади.

Абусаид қайнонасининг тўхфалари орасидан шойи чорсуга ўралган бир тугундан Улугбек расадхонасининг аниқ ўрни кўрсатилган хужжатни топиб олади. Жаҳон фанидаги бу улкан кашфиёт шу йўл билан топилган эди.

Ўзбек-қирғиз илмий ва адабий алоқаларига келганда шунга айтиш керакки, Тўқтағул билан Юсуфжон қизиқ дўст бўлишган, қирғиз зиёлилари 20-йилларда Тошкентда таълим олишган, қирғиз тилида газета чиқаришган, икки қардош халқнинг оғзаки ижодий алоқалари азалдан илдиз отган.

* * *

Биз қуйида ўзбеклар билан бир заминда яшаб, бир ҳаводан нафас олиб, бир дарёдан сув ичиб, ўзбек-

лардан таълим ва ибрат олиб етишган айрим қирғиз зиёлилари ҳақида, ўзбеклар билан дўстлиги, вафодорлиги тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.

Исҳоқ РАЗЗОҚОВ (1910-1979) ҳозирги Қирғизистон Республикасининг Лайлак туманида туғилган. Исҳоқ Раззоқов дастлаб Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида болалар уйида, сўнгра Тошкентда интернатда тарбияланади ва ўрта, олий маълумот олгач, Ўзбекистонда масъул лавозимларда ишлаб, Ўзбекистон Давлат режа кўмитаси раиси, Халқ маорифи вазири, Халқ комиссарлари Совети раисининг ўринбосари мансабларига кўтарилади. 1945 йилда Усмон Юсуповнинг таклифи билан Исҳоқ Раззоқов Қирғизистон Республикаси Министрлар Советининг раиси этиб тайинланади, 1950 йилдан 1961 йилгача Қирғизистон КП МКнинг биринчи котиби бўлиб ишлайди. Чорак асрдан кўпроқ вақт ичида Раззоқов ўзбек халқининг ғам-ташвишлари билан яшади ва республика миқёсидаги йирик арбоб даражасига кўтарилди.

1996 йилда Бишкек шаҳрида чоп этилган «Буюк инсон» деган китобга Исҳоқ Раззоқов фондининг раиси А.М.Масалиев ёзган сўзбошида шундай сўзлар бор: «... Биз бунинг учун меҳмондўст, меҳнатсевар ўзбек халқига чин юракдан ташаккурлар айтамыз, Ўзбекистоннинг улуг фарзандлари хотирасига таъзим қиламыз».

Ҳар қандай суҳбатдошини ҳам жўшқин жозибаси билан сеҳрлаб кўядиган Исҳоқ Раззоқов қирғиз тилидан ташқари ўзбек, тожик, рус тилларини мукамал билган ва ижтимоий-сиёсий, ҳатто бадиий адабиётдан таржима қилиш билан шуғулланган; Горький, Чехов асарларини, жумладан, Чеховнинг «Филоф бандаси» ҳикоясини рус тилидан ўзбекчага ўгирган.

Азиз ТҲАБООБОВ. (1911-1995). Жисмонан, ақлан тўқис, салобатли, паҳлавон, фариштаси улуг кишилар ҳамма вақт иззат-этиборда юрадилар. Ана шундай сифатларга эга Азиз ака Тўхтабой ўғли ақл-фаросатда ҳам, одамгарчиликда ҳам, жисмоний жиҳатдан ҳам ажралиб турарди. Азиз ака ҳамма жойда — оилада ҳам, қариндош-уруғлари, дўст-биродарлари даврасида ҳам, ҳамкасблари орасида ҳам азиз ва мўътабар киши эди.

Ақлли, билимли, фаросатли, одил, меҳнаткаш инсонлар кўп. Аммо инсонни ҳурмат шохсупасига олиб чиқадиغان фазилат ҳаммага ҳам насиб қилавермас экан. Бу — элга, раиятга ғамхўрлик, ташкилотчилик истеъдодидир. Азиз ака йигитнинг арслони эди.

Азиз Тўхтабой раҳбарликнинг барча сир-асрорларини ипидан иг-

насигача эгаллаган, ишчан раҳнамо эди. Чунки у 1934 йилдан — 23 ёшидан бошлаб Ўзбекистонда масъул лавозимларда 30 йилдан ортик ҳалол хизмат қилди.

Азиз Тўхтабой 1949 йилда лавлагорликдаги новаторлик ишлари учун Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлади.

Умрининг сўнги йилларида Азиз Тўхтабой доцент, сўнгра профессор сифатида педагогик қилишга қарор қилади ва дастлаб Тошкент халқ хўжалиги институтида декан, сўнгра Фарғона педагогика институтида, 1978 йилдан эса ТошМИда кафедра мудири бўлиб ишлади.

Азиз Тўхтабой ўша вақтда давлат раҳбари Йўлдош Охунбоев билан жондош дўст эди. Чунки Йўлдош аканинг отаси Охунбобо Азиз аканинг отаси Тўхтабой бобо билан ошно эди. Охунбобо бир куни Тўхтабой боникига меҳмон бўлиб келганда хотини кўз ёради ва ўғлига сафарда туғилгани учун Йўлдош деб исм қўйишади. Шу-шу Азиз ака билан Йўлдош ота умр бўйи дўст-биродар эдилар.

Зиёд ЕСЕНБОВ. Республикада газета-журнал ўқийдиган, радио эшитиб, телевизор кўрадиган, китоб варақлайдиган одамлар орасида бу инсонни билмайдиганлари камданкам бўлса керак. Яқинда табаррук 80 ёшини нишонлаган Зиёд ака забардаст йигитлардай бақувват, тетик. Зиёд Исломович Есенбоев ҳақида ёзувчи Мақсуд Қориев ёзади: «Зиёд ака олийжаноб инсон. У Дўрмон қишлоғида туғилган — асли қирғиз фарзанди, аммо ўзбекнинг ўғлони, ўғлони бўлганда ҳам мард, садоқатли ўғлони, умр бўйи элим деб, юртим деб яшади, ҳалол меҳнат қилмоқда».

Зиёд Исломович Ватанимиз бошига оғир кулфатлар келтирган урушда ҳам фаол қатнашган. У Европадан то Японияга қадар бориб, жанг қилган. Кўкрагида қатор жанговар нишонлари бор. Истиклол даврида ҳам ҳалол, фидокорона меҳнатлари учун «Эл-юрт ҳурмати» нишони ва медаллар билан тақдирланди.

Зиёд Исломовичнинг бобоси Есенбой Қирғизистоннинг Талас водийсидаги Шакар овулидан, оталари Ислом Дўрмонда туғилган. Шундай қилиб Зиёд ака билан Чингиз Айтматовнинг ота-боболари бир қишлоқдан. Бунинг устига Зиёд Исломович билан Чингиз Тўрақулович кўпдан бери дўст, биродар, ака-ука бўлиб кетган. Юбилей муносабати билан Есенбоевга Брюссель шаҳридан, Қирғизистоннинг Бельгия ва Франциядаги элчиси Чингиз Айтматовдан табрикнома келиши бежиз эмас эди: «Зият ака! Сиз биз учун ўзбек ва қирғиз халқларининг XX асрдаги обрўли вакили, ҳурматли

фарзандисиз ва шундай бўлиб қола-сиз».

Зиёд ака бошланғич, ўрта ва олий маълумотни ўзбек тилида олган, унинг устозлари ҳам, юзлаб шогирдлари ҳам ўзбеклардан. Ўзидаги барча хислатлар учун Зиёд Исломович ўзбеклардан миннатдор. Сўрасангиз ўзбекларнинг сифатларини санаб кетади: меҳнаткаш, мард, ҳалол, вафодор, меҳмондўст, миришкор, бағрикенг, ориятли... Зиёд аканинг фикрини давом эттиришимиз мумкин: зийрак, хушёр, синчков, марҳаматли, илтифотли, ғамхўр, жонкуяр, кеңиримли, лафзи ҳалол, эътиқодли халқ...

Зиёд ака вилоят газетасининг адабий ходимидан республиканинг энг нуфузли газетасининг муҳарриригача, матбуот кўмитасининг, республика журналистлар уюшмасининг раисигача кўтарилди, бу лавозимларда узоқ ишлади, доимо камтарлигича қолди.

Саттор УСМОНОВ. (1923-2001) Зомин районидаги Қуруқсой қишлоғида туғилган. Урушдан қайтгач, колхоз раиси, қишлоқ кенгаши раиси, райкомнинг биринчи котиби, райижрокўм раиси ўринбосари бўлиб ишлаган. 13 йил давомида ҳозирги Шароф Рашидов туманидаги Титов номли 6-совхозда директор бўлиб, совхозни республикадаги энг йирик илғор хўжалик даражасига кўтарди. У Мирзачўлда миришкор пахтакорлар мактабини яратди. Саттор Усмонов республиканинг кўзга кўринган олимлари — академиклардан Саъди Сирожиiddинов, Ҳамдам Усмонов, Малик Набиев, Ўктам Орипов каби йирик фозилу фузалолар билан дўст-ошна эди.

Мустафоқул МУҲАММАДИЕВ. 1919 йили Зомин туманидаги Карим қишлоғида туғилган, қирқ йиллик умрини адлия соҳасида ишлашга бағишлади, қонун ва виждон кўрсатган йўлдан борди, доимо яхшиликка яради. Яхшилар тўйда хизмат қилиш, халққа кўплаб тўй қилиб бериш учун туғилар экан, дегинг келади. Мустафоқул ака ҳовли тўйлари, суннат тўйларида қанчасини кўрди.

Еттита туманда суд раиси ва прокурор бўлиб ҳалол ишлаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, пири бадавлат Мустафоқул ака Муҳаммадиев ўзбекларга хизмат қилиб, халқ ҳурматига сазовор бўлган ҳаммиллатимиз вакиллари-дандир.

Биз бу ўринда Ўзбекистоннинг қирғиз фарзандларидан бир нечасинигина тилга олдик. Аслида бундай инсонлар халқ орасида, хусусан, ўзбеклар ичида жуда кўп.

Суюн ҚОРАЕВ, география фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Тафаккур томчилари

Усмонжон Қорабоев — фалсафа фанлари доктори, профессор. Атоқли олимнинг «Ўзбекистон байрамлари» (1981), «Бадий-оммавий тадбирлар» (1986), «Табиат байрамлари» (1988), «Бўш вақт ва маданий дам олиш» (1989), «Анъанавий халқ ижоди: тиклаш ва ривожлантириш муаммолари» (1991), «Азалий ва абадий қадриятлар» (1995), «Наврўз» (2000), «Ўзбек халқ ўйинлари» (2001) номли китоблари чоп этилган.

Усмонжон ҳаётда янгилик, антиқа ҳодисалар ишқибози. Шу боис унинг «хобби»си, ишқибозлик машғулоти бисёр. У ёшлигидан маркалар йиғади. Баъзан ноёб латифалар ҳам тўплаб юради. Айниқса, Ватанимиз тарихига оид рамзий белгилар, нишонлар ҳам унинг диққатини ўзига тортди. Усмон Ҳосилович сайр, саёҳат, богбонликни яхши кўради. Илмий машғулотлар қаторида хикматлар, афоризмларни тўплашни ёқтиради. Афоризмлар ёза бошлаганини у шундай изоҳлайди: «Хаёлга келган муҳим бир фикрни айтсам, бошқалар оддий жумлалар сингари қабул этдилар. Бироқ шу фикримни атрофдагиларга «Фалон аллома айтган» десам, улар «О... қандай зўр фикр экан!» — деб ҳайратга тушишади. Шундай қилиб, назаримда бировларга етказиш зарур бўлган фикрларни қозғога тушира бошладим».

Қуйида Усмонжон кўнглида туғилган ҳикматлардан бир қисмини ҳавола этамиз.

Малик МУРОДОВ,

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
филология фанлари доктори, профессор.



амалиётда бошланади.

* * *

Дунёни уч нарса бошқаради:
биринчиси — ақл ва дил;
иккинчиси — куч, ҳокимият;
учинчиси — бойлик.

* * *

Одамларни бирлаштирадиган ҳам уч нарса:

- 1) умумий гоя;
- 2) умумий манфаат, қизиқиш;
- 3) умумий фаолият.

* * *

Энг ёмон касаллик — эзмалик. Эзмалик қила бошладингми, демек қарибсан.

* * *

Одамларга аввал соғлиқ, кейин нон, сўнг эса маданият керак, дейдилар.

* * *

Сен қанчалик ўзингни кўп ўйласанг, бошқалар сени шунча кам ўйлашади.

* * *

Бировни хурмат қилганинг — ўзингни хурмат қилганинг!

* * *

Энг кучли одамлар ҳам оламдан ўтади, энг кучли фикрлар эса ҳеч қачон ўлмайди.

* * *

Ишқ ва иш қўшилса ҳузур пайдо бўлади. Ишқда одам ўзи ҳузур қилади, иш натижасидан бошқалар ҳузур қилади.

* * *

Ўзини бошқара олмаган одам, бошқаларни бошқара олмайди.

* * *

Яхшилиқ тез эсдан чиқади. Ёмонлик эса эсдан чиқмайди. Қани энди тескарисини бўлса.

* * *

Яхши вақт тез ўтади. Ёмон вақтнинг ўтиши қийин.

Нимага эҳтиёж бўлса, ўша ривожланади.

* * *

Оддий нарсани мураккаблаштириб эмас, мураккаб нарсани оддий қилиб тушунтирган буюк одамдир.

* * *

Ҳозирги кунни ҳар ким кўради, бироқ келажакни фақат доно кўради.

* * *

Буюклик қийинчилик ва мураккаблиқдан ошиб ўтган оддийликда.

* * *

Ҳеч ким сезмаган ҳодисани кўра олган одам донодир.

* * *

Ҳамма дард ва касалликларнинг давоси — муҳаббат.

* * *

Энг катта фожеа бу — сева олмаслик.

* * *

Инқироз олдин одамлар онгида, қалбида, кейин

* * *

Яхшиларга вақт етишмайди.

* * *

Ақлли фикрлар ўзига муносиб бошни танлайди.

* * *

Кучсиз мослашади, кучли мослаштиради.

* * *

Илмсиз одам илмли одамдан кўп гапирари.

* * *

Ёшлар билан олишма. Улар эртага бирибир голиб чиқишади. Чунки, сен борган сари кучсизланиб борасан, улар эса кучга тўлиб боради.

* * *

Оч одамни келажак қизиқтирмайди.

* * *

Маънавий кучни моддий кучга айлантирган жамият кучли бўлади.

* * *

Моддий эҳтиёжни қондириш мумкин, бироқ инсоннинг маънавий эҳтиёжи чексиз. Уни қанчалик қондиришга интилсанг, у шунчалик ташна бўлиб боради.

* * *

Орзу қилиб, унга доим интилган одам мазмунли ҳаёт кечиради.

* * *

Яхшининг бахтига куюниш эмас, суюниш керак.

* * *

Вақт ҳеч кимга бўйсунмайди. Уни бўйсундиришга интилма, фақат ундан фойдалан.

* * *

Ҳаёт — энг буюк неъмат. Афсус буни ҳаёт тугаганда ҳис қиламиз.

* * *

Муаммони кўрмайдиган одамдан муаммони ҳал қилувчи одам донороқдир.

* * *

Жамоадан раҳбар кетса ҳам, етук мутахассислар кетмасин.

* * *

Яхши раҳбар бор жойда яхши мутахассислар ҳам пайдо бўлади.

* * *

Келажак қадимдан бошланган.

* * *

Чақалоқни янги олам йиғлатади. Катталарни ноҳақ алам йиғлатади.

* * *

Қадр камайса — қабрлар кўпаяди.

* * *

Афсус, телевидениеда сўзлаётган нотик унга ҳеч ким кулоқ солмай кўйганини сезмайди.

* * *

Нотик ўзи учун муҳим гапни эмас, аввало халқ учун муҳим гапни айтиши керак.

* * *

Бўлажак файласуфларга (худди шифокорларга «Гиппократ» қасамини ичиришгандек) Арасту китобига қўлини қўйдириб, уларга: «кўп ўйлаб, кам гапираман ва сўзимга амал қиламан», деб қасам ичириш керак.

* * *

Одамнинг қалби музей ёки театр эмас. Уни томоша қилиб бўлмайди.

* * *

Ўзини англашга интилган одам, бошқаларни тушуна олади. Ўзини англаган — дунёни англайди.

* * *

Гўзаллик бор жойга севги, муҳаббат меҳмонга келиб, мезбон бўлиб қолади.

* * *

Орзу ва армон — ҳаётнинг икки томони: орзу — боши, армон — охири.

* * *

Пулинг кўпайса бозорга эмас, мазорга бор.

* * *

Хато — ақлсизлик ва билимсизлик натижаси.

* * *

Самимий бўла олмаган одам ўзини ўзи ҳам алдаб юради.

* * *

Самимият тугаган жойда муҳаббат ҳам, дўстлик ҳам тугайди.

* * *

Орзу, мақсадсиз ҳаёт — манзилсиз йўл.

* * *

Хаёл сура олмаган одамдан ижодкор чиқмайди.

* * *

Муаммоларни ҳал қилишда илмга асосланмаган киши фақат тасодифан муваффақиятга эришиши мумкин.

* * *

Келажак сценарийсини ёзиш мумкин. Бироқ келажак сценарийдагидек бўлиши қийин.

* * *

Эзгу ғояларни ўлдириб бўлмайди. У қайта-қайта тугилаверади.

* * *

Хаёлда ҳамма бахтли бўлиши мумкин.

* * *

Билимини амалиётда қўллай олмаган одам, қаноти бор, лекин учолмайдиган қушга ўхшайди.

* * *

Маданият тугаган жойда уруш бошланади.

* * *

Ҳар бир куртакнинг мева бериш имконияти бор.

Усмон ҚОРАБОЕВ.

Муаззам ҒАФУРОВА:
 «Рақс — нафосат
 рамзи»



Кейинги йилларда раққоса Муаззам Ғафурова ўзининг сержило, нафис санъати билан кўплаб рақс санъати ихлосмандлари қалбидан жой олди, ўз санъати билан ўзбек рақсини дунёга танита билди.

Муаззам мафтункор, жозибали, гўзал аёл. У сўлим Фарғонанинг Янгикўрғон қишлоғидан, олти ёшдан бошлаб рақс тушади.

— Муаззамхон, ҳар бир раққосанинг санъати, ўзига хослигини рақс шайдолари яхши ажратадилар, ўзбек рақсини бутун жозибасию тароватини ҳис қиладилар. Сиз рақс санъати ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўзбек рақс санъати шу қадар гўзал, ўзига хос ва бойки, биз бу ҳақда дадил гапирсак, фахрлансак арзийди. Ўзбек рақслари «Баҳор» дастаси асосчиси Муқаррама опа замонидаёқ бутун дунёга намойиш этилган, бутун дунё ҳам ўзбек рақси, ўзбек раққосаларини тан олган. Нима учун ҳиндча, испанча, арабча ва бошқа рақсларни бутун жаҳон танийди ва уларга тақлид қилишга уринишади? Ҳар бир халқ ўз санъатини ҳурмат қилиш, қадрлаш, бойитиш, ўзига хосликни сақлаш, гўзалликни тарғиб қила билиш керак. Олима Ровия Абдуллаеванинг ёзишича, Берлиндаги баъзи бир хонадонларда ўзбек дутори, танбури бор экан, ўзбек куйлари севиб тингланаркан. Биз ўз қадриятларимизни унутмаган ҳолда миллий рақс аъёналарини сақлай билишимиз ва бойитишимиз зарур.

Рақс санъати — нозик соҳа, уни нозик дидли одамларгина тушунади ва завқ олади. Дидсиз одам санъат соҳасига кирса, ўзи қийналади, ёшларнинг дидини ўтмаслаштиради.

Рақс санъатини заргарлик ишига ўхшатаман. Рақсга ҳар қанча сайқал берсанг, янгиликлар қўшиб безакларни мукамаллаштирсанг, у шунчалар жилоланади, мўъжиза касб этади. Агар бошқа халқлар рақсининг

қайсидир жиҳатлари ўзбек рақсини безай олса, нима учун уни татбиқ этмайлик? Масалан, испан рақсидаги виқор, ҳинд рақсидаги кўзлар ва чеҳраи фодасини ўзбек рақси нафосатига уйғунлаштириш бу асло ўғрилиқ ёки санъат аъёналарига пугур етказиш ҳисобланмайди. Буни рақс санъатини бойитишга қўшилган ҳисса деб биламан.

— Санъаткор — сахна кишиси. У катта саройда концерт кўядими, тўймаъракадами, ўз ижод маҳсулини халққа тақдим этади. Қўшиқчи ёки раққоса ҳар бир даврага мослашиши керакми?

— Албатта. Ҳар бир кўшиқчи ёки раққосанинг истеъдодига, меҳнатига халқ баҳо беради. Сахна — халқ назарида, муқаддас жой. Сахнада тўйда айтиш мумкин бўлган барча маза, бемаза кўшиқни куйлаб бўлмаганидек, турли хил бўлмағур муқомлар билан рақсга тушиш нотўғри. Тўйга одамлар хурсандчилик учун келишади ва шўх лапарлар, шўх ўйинлар ҳамманинг кайфиятини кўтаришга хизмат қилади. Аммо тўйларда баъзи-баъзида «Тановор», «Муножот» каби вазмин рақсларни севиб кўрадиганлар, севиб ўйнайдиганлар топилади.

Раққоса сахнада баъзан хонанда билан биргаликда санъатини намойиш этади, ҳатто концерт дастурининг асосий ижрочисига айланади. Раққоса юксак ижро маҳоратини, санъатини сахнада тўлақонли кўрсатади.

— Санъаткор ҳамиша изланиши ке-

рак. Изланиш дегани бу завқ ва азоб. Ижодни бойитиб борувчи энг катта манба мана шу изланиш. Сиз репертуарингизни қай йўсинда бойитиб борасиз?

— Юқорида бу саволингизга қисман жавоб бердим деб ўйлайман. Айтилик, мен туркча кўшиққа рақс ижро этишим керак. Бундай ҳолларда мен турк санъатини видеотасмалар орқали ўрганишга, ижодий ўзлаштиришга ҳаракат қиламан. Кўшиқчиликда ўзбекча шёърни хориж мусикасига қўйиб кўшиқ айтилишини албатта мухлислар ҳазм қилиши қийин. Бу бизнинг кўп асрлик маданиятимизга пугур етказиш деб ўйлайман. Бироқ рақс санъатида бундай ҳол учрамайди, сабаби ўзбекча куйга буткул бошқа халқ рақсини сахналаштиришни тасаввур қилолмайман. Хоразмча, андижонча, марғилонча рақслар турли жилвада, бор гўзаллиги билан ижро этилса рақс мухлисларининг кўнгиллари шод бўлади, албатта. Тўй-томошаларда рақсга тушаётган аёллардан ўрганаман. Халқнинг ичида юриб, керак бўлса ҳаваскорлардан ўрганиб, бойитиб, яна ўзларига қайтараман.

— Қачондан бошлаб рақс туша бошлагансиз?

— Жуда эрта, олти ёшимдан кўшиқ

айтиб, рақсга туша бошлаганман. Оиламизда катта санъаткорлар бўлмаган.

Хонанда Дилором Қаюмованинг Чаман эмиш, гул эмиш, Булбуллар ошиёни... деган кўшиғини айтишни яхши кўрадим.

Меҳрибон бувижоним Пошшахон ая ўзи яшаётган маҳалласининг энг зиёли аёлларидан эди, дутор чалиб кўшиқ айтардилар. Утган асрнинг 70-йилларида «Чашма», «Марҳаб», таллантлар» каби телефестиваллар бўлар эди. «Чой» рақсида раққоса кизларга чой қуярдим. Бувим жуда завқли эдилар, радиодан ё телевизордан шўх кўшиқ бериб қолишса, «Қани, Муаззамхон, бир чиройли рақсга туш-чи болажоним», дердилар. Мен эса билганимча ўйнардим, ичимдан чиқарди ҳар бир хатти-ҳаракат.

Кейин мактабнинг 6-синфини битирганимда Муқимий номидаги театр балетмейстери Шокир Аҳмедов санъатимни кўриб Хореография билим юртига ўқишга олиб келди. Уста Олим Комиловнинг кизлари Халима Комилова, Раиса Хожисаидова, Кундуз Миркаримовалардан тахсил олдим. Билим юртини тамомлаб, «Лазги»га ишга келдим. Кейин бир неча йил фарзандим Саъдуллонинг тарбияси билан банд бўлдим.

— **Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова ижро этган «Санамгина» кўшиғи худди атайлаб сиз учун ёзилгандай таассурот уйғотади...**

— Йўқ, бу кўшиқ мен учун атайлаб ёзилган эмас. Мени тасодифан таклиф этишган. Кўшиқ ва рақс шу қадар шўхрат қозонади деб ҳеч ким ўйламаган. Шўхрат тез келиши мумкин. Аммо шўхратни бир умр сақлашгина эмас, уни янги-янги ижод погоналарига кўтарилиш билан мустаҳкамлаб бориш — оғир вазифа. Бир вақтлар бастакор Муҳаммаджон Мирзаев раққосалар учун атайлаб музикалар ёзганлар. Ҳозир эса умуман йўқ. Мен баъзан ана шундан ҳам хафа бўлиб қоламан. Назаримда аввалги бастакорлар рақс санъатини яхшироқ тушунишарди, чунки ўзлари ҳам етук санъаткор бўлганлар-да. Ҳозирги баъзи куй басталовчилар умуман санъатни юзаки тушунишарди, енгил-елпи қарашади. Мен Дилафрўз Жабборов, Маъмура Эргашеваларга ўхшагим келади. Чунки улар рақс техникасини мукаммал эгаллашган, ўз касбининг фидойиларидир.

— **Ўзингиз энг севиб ижро этадиган рақс деб репертуарингиздаги қайси бирини айта оласиз?**

— Биласиз, мен кейинги пайтларда кўпроқ хонандалар кўшиқларига рақс ижро этмоқдаман. Фиёс Бойтоевнинг «Тегирмоннинг чархпалаги», Нуриддин Ҳамроқуловнинг «Ҳажрингда доғман» кўшиқларига рақс тушиш менинг жону дилим.

— **Ҳар бир инсон, у қайси соҳада меҳнат қилмасин, озми-кўпми машҳур бўлишни истайди. Сиз машҳурликка қандай қарайсиз?**

— Машҳур бўлиш менимча яхши бўлса керак. Лекин одамлар мени кўпроқ раққосалик либосларида кўришгани учун кўча-кўйда ҳар доим ҳам танишмайди. Телевидение одамни тез машҳур қилади. Ҳар ҳафта ойнаи жаҳонда кўриниб турсангиз машҳур киши бўлишингиз табиий ҳол. Аммо мен машҳур бўлишдан кўра кўпроқ сеvimли санъаткор бўлишни истайман. Одамлар мени эмас рақсларимни севишсин, ҳар сафар томоша қилганларида яна қайта-қайта кўргилари келаверсин.

— **Аёллик бахти нимада деб ўйлайсиз? Сизнингча қандай аёл бахтли?**

— Бугунги кунга келиб, баъзи аёллар эрлари ўрнига тижоратчи, савдогар бўлиб кетгани мени ўйлантиради. Албатта уларни ҳам рўзғор ташвишлари мажбур қилса керак-да. Бир аёлни биламан. У уй бекаси. У ўзининг ҳаётидан жуда-жуда мамнун. Баъзи уй бекалари эса бирон жойда ишлашни, бир жамоада ўзининг ўрни бўлишини истайди. Бошқа бир аёл уни тушунадиган, қўллаб-қувватлайдиган вафодор эри бўлишини хошлайди. Мен бахти бутун аёл орамизда кам деб ўйлайман. Бахтли дақиқалар, бахтли кунлар бўлади. Инсон бир умр бахтли яшай олмайди. Чунки ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ. Инсон ўзини хурсанд қила олиши керак. Мана, қаранг, тувакда турган гул бирам чиройли очилган. Гулларига ҳеч ким атайлабдан шундай қирмизи ранг бермаган. Инсон ҳар қандай оғир дамда ҳам ўзини қувонтира билиб, гулдай очилиб-сочилиб юриши керак. Ҳаёт машаққатларини мардона кўтариши керак. Бахт ҳаммамизнинг ўз қўлимизда.

— **Санъаткор аёлларнинг қайси фазилатларини қадрлайсиз?**

— Самимийлик ва камтарликни

ҳамма нарсадан юқори қўяман. Аммо, афсуски, кўпгина санъаткор опа-сингилларимда шу нарсга етишмайди. Улар жиддий бўламан деб манманликка берилиб кетишади. Ҳамма нарсда чегара ва меъёр сақланиши тарафдориман.

— **Қайси хорижий мамлакатларда бўлгансиз?**

— Япония, Германия, Исландия, Корея ва Туркияда бўлганман. Ҳозир сизга бир сирни очаман. Ҳатто германиялик Андреа исмли аёл ўзбек миллий рақсларига жуда қизиқиб қолганидан келиб мендан ўрганди. У яқинда Германияда ўзи ўйнаган ўзбек миллий рақсининг видеотасмасини менга юборди.

— **Айни кунда қандай режалар оғушидасиз?**

— Юлдуз Усмонованинг янги кўшиқларига рақс тайёрлаяман. Арабча, туркча рақсларни аслиятдан ўрганмоқдаман.

— **Сўхбатимизни қандай сўзлар билан тамомлашимизни истар эдингиз?**

— Ҳаёт ҳар куни ўзгаришда, ривожланишда экан, рақс санъати ҳам бундан-да гўзалроқ, нафисроқ, бундан-да юксак чўққиларга кўтарилсин. Фақат уни дид билан, миллийликдан чекинмасдан амалга оширайлик. Халқ артисти Халима Носированинг: «Санъаткор — эл назари тушган, халқ иззат-ҳурматини қозонган, обрў-эътиборли, маданиятли, дид ва фаросати чархланган киши... У кишилар қалбига чўғ солувчи, уларни яхшиликка, олижанобликка йўлловчи...» деган сўзлари ҳаммамизга маёқ бўлсин! Ўзбекининг уйида шодлик, хурсандчилик бўлаверсин!

— **Муаззамхон, мазмунли сўхбатингиз учун ташаккур! Санъатингиз ва номингиз рақс санъати ихлосмандлари қалбини мафтун этаверсин!**

Сўхбатдош
Маъпура НАБИЕВА.



Ойбек шеърларининг миллий фозибаси

Республикамизнинг мустақилликка эришганлиги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги улкан эврилишлар умумжаҳон маданиятида муносиб мавқега эга бўлган ўзбек адабиёти олдига ҳам туб ислохотларни амалга ошириш вазифасини қўйди. Ҳозирги шароитда ХХ аср адабиёти ва унинг қатор намоёндалари ижодига ҳам янгича қарашлар асосида ёндошиш зарурати туғилмоқда. Гарчанд, «қизил империя» ижодкорларнинг улкан салоҳиятларини «исканжалар»да сақлаб, тушовлаб турган бўлса-да, бадиий ижодгагина хос бўлган ҳаётий тамойилларнинг ўзи социалистик реализм ақидаларини парчалаб, мангуликка дахлдор қатор асарларнинг яратилишига сабаб бўлди. Муштақиллик шарофати билангина халқимиз олис аждодларимизнинг ижод сарчашмаларидан тўла бахраманд бўлиш имкониятига эришди. Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ узоқ асрлик маданий ва маънавий меросни ўрганиш ва тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Президентимиз Фармони билан ХХ асрнинг бир гуруҳ таниқли санъаткорлари ва ижодкорларининг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланиши ва улар қаторида Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг ҳам борлиги қувонарли ҳодисадир.

Бу Ойбек асарларининг асрлар оша кўплав авлодлар маънавиятини юксалтирувчи туганмас бойлик эканини тасдиқловчи далилдир.

Биз муштақиллик шарофати билан миллий кадрият, миллий гуруҳ деган тушунчаларнинг моҳиятини, инсон маънавиятини, ўзлигини танитишдаги буюк аҳамиятини чуқур ва теран англай бошладик. Она-Ватан кўз ўнгимизда ўтмиши, бугуни ва келажаги билан аниқ қиёфасини ёрқин намоён эта бошлади. Қандайдир олис ўлкаларни эмас, балки киндик қонимиз тўкилган, боболаримиз ҳоки ўрин олган юртнинг муқаддас ва тенгсизлигини англай бошладик. «Бепоен, улуғ Ватан» мадҳи ҳукмрон бўлган даврларда ҳам Ойбек янтоқлари гул бўлиб кўринган, сополари олис боболаримиз тарихидан саргузаштлар сўзлагувчи, еллари она алласи каби маст айлагувчи юртимизнинг бетакрор ва беқиёс қиёфасини шеърга олиб кира бил-

ди. Шоир шеърларида чексиз даштлар бағридан олис боболаримизнинг жанг майдонларидаги суронлари келаётгандек бўлса, пахта девор харобалари ўтмишдаги карвон теваларининг чўкиб дам олаётган ҳолатини ёдга солади. Юрт тупроғи ўртанган гулханда кул бўлган Журжонийдек фарёд чекса, юлдузларнинг нури Улуғбек қонига қоринган кўз ёшлар бўлиб жилва беради. Улуғ жанглар фарзанди — Ватанимизнинг ҳар бир қаричи, ҳар бир кафт тупроғи қалблардан бир улуш эканлиги, бир гулига минг қалбнинг арзигулигини куйлаган шоир гуллари сўлмайдиган, уфқидан бахт юлдузи сўнмайдиган кадрдон ошённинг мадҳини авж пардаларда тараннум этишга муваффақ бўлади. «Ватан элтар бахт, куёшни саҳарга. Бутун жаҳон кўрар тонгни, баҳорни. Ҳар бир тоши арзир ишққа, лапарга, бизнинг Ватан каби нурли юрт борми?» («Ватан») мисраларида ҳар бир тоши кўшиққа арзигулик нурли юртнинг бетакрор қиёфаси тасвириларкан, олис тарихимиз, ёвқур боболаримиз ёди шоир ҳаёлини бир зум бўлса-да тарк этмайди.

Ойбек шеърларининг образлари ўзига хос миллий чизгиларга бойлиги билан ҳам алоҳида жозибадорлик касб этади. Шунингдек, нарса ва предметларнинг, ҳодиса ва одатларнинг миллий бўёқдорлиги ҳам ўзига хос тасвир услубини юзага келтиради. Пейзаж воситасидаги шарқона талкин «Қуёш кўйлаки баҳор, Булутлар кўкда атлас. Қалбим эшини йўқлар, Овунмайди бир нафас» («Шеърлар, айриликлар») сатрларида булутларнинг атласдай товланиши, баҳорнинг шарқона кийимли қиз қиёфасида юз кўрсатишида кўринади. Ёки қуёшнинг ботиш чоғидаги алвон ҳолати қизнинг атлас этаги, булутларнинг майин рўмоллар шаклида намоён бўлишида ҳам миллийликнинг гўзал намунасини кўраимиз.

Ойбек юртимизнинг меҳнат оғушидаги беором манзараларини тасвирларкан, ўхшатиш ва қиёслашлар воситасида табиатнинг оддий нарса ва ҳодисаларига ҳам миллий бўёқларни сингдириб юборади. Натижада осмон кўзга, уфқ ёнаётган атласга, офтоб эса холанинг илиқ сув тўлдирилган тосига айланади. Қовжироқ ўтлар, тўкилаётган япроқлар шоирнинг умр, ўткинчилик, абдийлик ҳақидаги фалсафий

фикрлари ифодасига хизмат қилади. Шу тариқа юртимизга хос бўлган куз манзаралари шеър бандларида изчил намоён бўла боради.

Ойбекнинг халқ оғзаки ижодидан, ёзма манбалардан фойдаланган ҳолда шеър яратиш маҳорати халқ мақоллари ва маталларига, ибора ва тасвир усулларига ижодий ёндошганлигида ҳам кўринади. Масалан, оғзаки нутқда кенг истеъмолда бўлган «асл фарзанд» ибораси «У ўзбекнинг асл боласи» («У ўзбекнинг...»), «Қиличдек йигит» бирикмаси эса «Қиличдек йигитлар, ботир оғалар» («Қиличдек йигитлар...») мисраларининг яратилишига асос бўлган.

Адабиётимиз тарихининг чуқур билимдони бўлган шоирнинг тарихий манбалардан фойдаланиш услубига хос жиҳатларни 1939 йилнинг августда Ойбек, Миртемир, Юнус Латиф ва Насрулла Охундийлар томонидан ёзилган «Шодиёна» шеърининг Мусо Тошмуҳаммад ўғли қаламига мансуб қуйидаги қисмида ёрқин кўриш мумкин:

*Ҳодарвеш саҳросида бўрон
кутурди,
Гирдобга чирмади, минг жон
супурди.
Кумликларда сафарлар бўлди зўр
хатар,*

*Ҳар чўлда бало, ўлим сояси юрди.
Бўронли Ҳодарвеш саҳроси тасвири «Бобурнома»да «Хўжанд билан Конибодом орасида бир дашт тушибтур, Ҳодарвешга мавсумдур. Ҳамиша бу даштта ел борур. Маргинонгаким, шарқидур, ҳамиша мундин ел борур. Хўжандгаким фарбидур, дойим мундин ел келур: тунд еллари бор. Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлиқуб, бир-бирин тополмай, «Ҳо дарвеш», «Ҳо, дарвеш», дей-дей ҳалок бўлибтурлар, андин бери бу бодияни Ҳодарвеш дерлар» тарзда берилган бўлиб, Ойбек ушбу манба билан, шубҳасиз, таниш бўлган.*

Ойбекона ибора ва образлар, мавзу ва ғоявий ифодадаги мукаммал талкин, сатрлар ва банд тизимларидаги таъсирчанлик, сўзнинг маъно ва оҳанг товланмаларидаги ўзига хослик халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимиз аънаналарини ижодий ўзлаштиришнинг натижаси эди.

Акбарали САБИРДИНОВ,
Фарғона Давлат университети
докторанти.

УЙҒУР НАХШИЧИЛИК САЪБАТИ

Дунёдаги ҳар қайси миллатнинг ўзига хос ашулалари ва уларни ижро қилишда ҳар хил услубдаги шакллари бўлганидек, уйғур нахшичилигининг ҳам турли ижро йўллари бор. Уларда асосан ўзларининг тарихий маданияти, урф-одатлари, турмуш ва табиий муҳити акс эттирилади. Уйғур нахшичилигининг ижро жараёни ҳам ўзига хосдир. Чунки, нахши ижрочилигида хонқа мусиқаси (яъни, хонақоҳларда ижро этиладиган мусиқа), маддоҳлик, айтишув (лапар), эл-нағмачилик, рубоб кўшиқлари, ёлғиз-якканафас нахши ижрочиликлари мавжуд. Улар нахшичилик санъатида кирсалар-да, ҳар бири ўз ижро услублари ва йўллари эгадир. Жумладан:

1. Хонқа мусиқаси — бу классик услуб бўлиб, қадимда шаклланган ва ҳозиргача сақланиб келинган. Одатга кўра, еттита ёки саккизта ижрочи давра қуриб, бир киши якхаон ва қолганлари жўр бўлувчи сифатида чолғу жўрлигисиз ижро этишган. Яъни, зикрга тушиш демақдир. Бундай нахшоларнинг мазмуни асосан аввалги даврларда яшаб ўтган даҳоларнинг ҳикматлари ва қисман Куръони Каримдаги панду насихатлар оҳангга солиб, зикр қилиб айтилади. Хонқа мусиқасида асосан XI асрда Қорахонийлар даврида яшган шайх Аҳмад Яссавий (Қул Хожа Аҳмад) ҳикматлари ўрин олган. Улар ҳаётининг мазмуни поклик, ота-онани ҳурмат қилиш, одамларни гуноҳ қилишдан асраб, қиёмат ҳақидаги қатор ҳикматларни келтирган.

2. Маддоҳлик — бир достонга ўхшаган воқеани икки-уч киши томондан бирин-кетин, навбатма-навбат ижро этадилар. Бунда сўз асосий мезон ҳисобланади. Оҳанг эса кўшимча.

3. Эл-нахшичилик — уйғурларнинг ҳар бир шаҳар ва туманларининг ўзига хос эл-нағмачилик услуби бор. Эл-нағмачилиқда Яккан ва Дўлан деган жойларнинг номи машҳур. Уларнинг ижрочилик шакллари ерлик (ўтроқ халқ) оҳанглари ва муқомларнинг дoston ёки машраб қисмларини ёки Дўланнинг маҳаллий муқомларини ўз ичига олади. Ижро аънаналари: бир қолун (уйғур халқ чолғуси, узлуксиз нола бериш хусусиятига эга) етти-саккизта даф (дойра) билан ижро этилади. Ёки яна бир услуби: бир нағма даф билан бир қолун, бир чанг, бир ёлғиз, бир жуфт қошиқ, бир жуфт тош

каби созлар билан чолғучилар бошлайди, қолганлари жўр бўлиб, кўшилиб ижро этишади. Фарбада (яъни, Кумул, Турпон, Қорла туманларида) эл нағмачилари асосан шу жойнинг муқомлари ва халқ оҳанглари асосида ижро қиладилар. Бунда мусиқачилар ўзи айтиб, ўзлари чолғуларда жўр бўладилар.

Шимолда (Чўчак, Санжи, Куйтун, Монас, Бўртала, Олтой туманлари) — яъни, Или воҳасида эл нағмачилар бир нағма даф, бир дутор, бир танбур, бир скрипка (кейинги пайтларда скрипка чолғуси ижрочиликка кириб келган) билан жўр бўлиш асосида ижро этилади.

Эл нағмачиларининг аънаналари шундан иборатки, улар ўзлари чолғуда чалиб, ўзлари кўшиқ айтдилар (етти саккизтагача созандалар давра қуриб ўтириб ижро этадилар).

Эл нағмачилари ижро қиладиган кўшиқларнинг асосий хусусиятларидан бири рақс куйининг алоҳидалиги. «Як нафас» деб номланган ижро услубида чолғунинг жўрлигида бир хонанда тарафидан ижро этилади. (Як нафас ижрочилиги битта дуторнинг ёки битта танбурнинг ёки бўлмаса битта сеторнинг жўрлигида бўлади.) Бундай услуб уйғур ашулачилигининг оммавий турларидан бири ҳисобланади. Айрим ҳолларда ёлғиз рубоб билан ижро қилинадиган куйлар ҳам учрайди. Бундай нахшилар кўпроқ рақсга мойил бўлади. Сетор билан ижро этиладиган нахшилар асосан мумтоз сўзлар билан айтилади.

Лапар, яъни айтишув — икки киши томонидан ижро этилади. Бу жанр уйғур халқига хос хусусиятлар билан сугорилган бўлиб, ижрочилар: бир эркак ва бир аёл, бир жуфт эркак ёки бир жуфт аёл ва ҳ.к бўлиши мумкин. Ижронинг эса ўзига хослиги мавжуд. Яъни, ижро жараёни шўх усул ҳаракатлари билан амалга оширилади. Ижро эса савол-жавоб тарикасида тузилади.

Масалан:

А: Олмаҳоннинг донғи бор,
Гул тагида чанги (фироқи) бор.

Б: Олмаҳонга сеп солинглар,
Ўнг қошида холи бор.

Ҳар иккиси: Вой-вой жоним Олма-хон-ей,

Қайси боғнинг гулисан-ей.

А: Кўрмаганлар сўрайди,
Олмаҳон қандай киши.



Б: Кўзи ўйноқ, оғзи ўймоқ,
Ўзи гулдай бир киши.

Рубоб кўшиқлари оддий халқ тарафидан тўқилган асарлар бўлиб, кўшиқлар шаклидаги намуналарни оҳангга солиб ижро қилади. Бундай кўшиқлар одатда шўх характерда бўлади. Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, кейинги вақтларда шоирлар томонидан кўшиқлар мадҳия характерига кўпроқ яқиндир. Композиторларни эса рубоб кўшиқларининг характерига асосланиб ёзган оҳанглари ҳийла кўп. Масалан:

Бир ёғлиқ (рўмол) анор олдим,
Хайиткор (бозорнинг номи)даги
Маматдан.

Бу куюк (ошиқ) кимдан қолган,
Сендек билан мендекдан.

Қашқарнинг бозоридан,
Олтин узук олиб берай
Ичимдаги дардимни,
Йўлда манғач (юриб) деп берай.

Сафойил билан ижро этиладиган кўшиқлар. Бу ерлик халқ услуби бўлиб, асосан диний тус олган матнлар оҳангга солиб ижро қилинади. Мисол:

Фотимамнинг кўйлаги,
Етмиш ерда ямоғи.
Хоманинг япроғида,
Ямаб кийган Фотимам.

Юқоридаги жараёнлардан шу нарсани кўриб олиш мумкинки, аждодларимиз жамият, турмуш ва киши қалбининг энг чуқур қатламларида акс этган хилма-хил ўзгариш муносабатларини ифодалашда мана шу шаклни ўзларининг кучли қуролига айлантган. Шунинг учун уйғур халқ ашулалари мавзу жиҳатидан кўп хилликка эга бўлиб қолмасдан, ифодалаш шакли жиҳатини ҳам жуда фаол тараққий этганини кўриш мумкин.

Ойшамгул МУҲАММАД,

М.Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси магистр босқичи толибаси.



Эркакнилик
ва
этекинлик

Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий Академиясининг фахрий аъзоси Раҳим Аҳмедовнинг 80 йиллик ҳаёти ва 50 йиллик ижодий йўлига бағишланган катта кўргазма Бадий Академия залларида намоиш этилди.

Томошабинлар ўзбек тасвирий санъати та- раққиётига самарали ҳисса қўшган бу мусаввир ижодий фаолиятининг барча қирралари билан та- нишиш имкониятига эга бўлди.

Дастлабки таассурот — кўргазма залларининг нурга тўлиб кетгани, Ўзбекистон қуёшининг таро- вати ҳар бир томошабин қалбини ёритиб, гўё кўргазма залларини кенгайтириб юборгандай бўлди.

Раҳим Аҳмедов атоқли рассомлар — П.П. Бень- ков, Ўрол Тансиқбоев, Н.Кашина, Абдулҳақ Абдул- лаевлар изидан бориб, фақат ўзигагина хос бўлган очиқ ҳаво оралиғи ва қуёш нуридан товлан- ган миллий турмуш белгиларини усталик билан тасвирлайдиган рассом эканлигини намоиш эта олган. Унинг асарларида бир ҳовуч нур атрофни мунаввар айлаб, одамлар қалбида ҳаётбахш туйғулар уйғотади. Бу жиҳатдан, яъни қуёш нури билан йўғрилган чехра, муҳит ва нарсаларни тас- вирлай олишда унга тенг келадиган рассомлар камдан кам топилади.

50-йилларда санъат оламига кириб келган рас-

сом биринчи картиналаридан бошлаб ўзбек тасви- рий санъатининг миллий ўзига хослиги масалала- рига ўз диққатини қаратди.

Миллий ўзига хосликни тор ва сунъий равишда тушунувчи айрим рассомларга қарама-қарши ўла- роқ санъатнинг тасвирий воситалари барча халқлар учун умумий бўлса-да миллий ҳаёт, анъа- на ва ижодий салоҳиятда рассомнинг қайси мил- лат, давр, мамлакат ва мактабга мансублиги кўри- ниб туришини чуқур ҳис қилган рассом миллий- ликни миллий ҳаёт лавҳаларидан излади ва тўғри қилди. У чўпон образини яратадими, колхозчи- ўроқчи сиймосини ишлайдими, трактор ҳайдовчи қиёфасини гавдалантирадими, опа-сингиллар, оналар ва ижод аҳли образларини яратадими, ти- паж, детал ва кийимлардан тортиб, руҳият жилола- ригача миллий колорит излашга ҳаракат қилади.

Раҳим Аҳмедов асарлари тўрт йўналиш, гуруҳни ташкил этади.

Рассом яратган портретлар Абдулҳақ Абдуллаев- нинг чуқур психологизм билан суғорилган асарла- ридан фарқли равишда офтоб нури бағридаги мураккаб композицион ечим билан ажралиб тура- ди. Портрет жанрининг жаҳон миқёсидаги анъана- вий йўли — маълум нуқтадан нур йўналтириш ва портретнинг айрим бўлақларини ёритиб ишлаш услубидан фарқ қилувчи инсон қиёфасини нурга

тўлиқ чўмдиришга муяссар бўлади. Шунинг учун Раҳим Аҳмедов портретлари картина мақомини олиб, миллий характерлар галереясини ташкил этади. Бундан ташқари рассомнинг «Сурхондарёлик аёл», «Депутат аёл», «Сувчи», «Деҳқон портрети», «Мусаввир Б.Бобоев», «Ўрол Тансиқбоев портрети», «Эммануэл Калонтаров портрети», «Автопортрет»ларида ҳар бир шахсга хос бўлган ички ҳаракат руҳи топилган. Алоҳида шахснинг касби ва ёш билан боғлиқ маънавий ҳамда жисмоний руҳий талпиниши сезилиб туради.

Раҳим Аҳмедов ижодини белгилашда унинг қатор картиналари диққатга сазовор. Бу картиналарнинг аксарияти маиший жанрда бўлиб, миллий ҳаётнинг поэтик манзаралари ўз ифодасини топган. «Тонг. Оналик», «Кўшиқ», «Оқтошда баҳор» картиналарида рассом характер ҳар хиллигидан кўра умумий кайфият, миллий ҳаёт гўзаллигини, одамлар турмуши ва тақдиридаги фароғатли кайфиятларни беришга интиланган.

Халқимиз орасида машҳур бўлиб кетган «Тонг. Оналик» картинаси ўзининг композиция жиҳатидан мукамаллиги, колоритнинг нафислиги ва образ-кайфиятни ифодалашдаги маҳорати жиҳатидан нафақат Раҳим Аҳмедов ижодида, балки XX аср ўзбек тасвирий санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

«Кўшиқ» картинаси рамзий маънога эга. Дала шийпонида дам олиб ўтирган аёлларнинг кўнглида кўшиқ, ранг-баранг кўйлаклари кўшиқ, мовий дала узра эсаётган шабада кўшиқ. Аёлларнинг қалам қошлари, нозик қомат, хаёлга чўмган чеҳраларида



меҳр-муҳаббат куйи-кўшиғи акс этган.

Раҳим Аҳмедов ижодида манзара асарлари ҳам алоҳида ўрин тутди. Рассом портрет ва картиналарининг нур ва ҳавога тўлиб-тошгани ҳам унинг тинимсиз манзара ишлагани билан боғлиқдир. Мусаввирнинг Оқтош манзаралари, айниқса, қиш кўринишлари ниҳоятда нозик ишланган.

Табиатнинг ўзидан, табиатга қараб этюд ишлаш, уларни умумлаштиришнинг хосияти катта. Устахонада ўйлаб топилган манзара, колоритдан табиатнинг ўзидан топилган лавҳа ва ранглар юз чандон жозибали бўлади. Шунинг учун Раҳим Аҳмедов, гарчи XX асрда кўпчилик рассомлар шакл устида, колорит бўйича тажриба йўлини танлаган бўлсалар, у кўпроқ табиатнинг ўзига мурожаат қилди ва бу йўлда улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Раҳим Аҳмедовнинг ранг ва очиқ ҳавога, кўзни қувонтирадиган лавҳаларга бўлган муҳаббати уни қатор натюрмортлар ишлашга олиб келди. Рассомнинг натюрмортларида ижодкорнинг она замин ва инсонни ўраган муҳит гўзаллигини қуйлашга иштиёқи нақадар юксак эканлигини кўрсатади.

Мўйқалам устаси Раҳим Аҳмедовнинг барча асарларига ва унинг ижодкор сифатида ўзига хос хусусияти композицияда ҳам, шакл ва мазмун уйғунлигини яратиш ҳамда ифодалашда ҳам эркинликка интилишидир.

Эркинлик ва экинлик Раҳим Аҳмедов ижодий индивидуаллигини белгиловчи асосий фазилатдир.

Беҳзод МАҲМУДОВ,
манзарачи мусаввир.

Аёллар бахти ва хулқ гузаллиги

Миллатнинг равнақи аввало унинг жисмоний, маънавий етук ўғил ва қизлари камоли билан ўлчанади. Тўрт мучаси соғ, алпқомат, чеҳрасидан нур ёғилиб турган навқирон йигит ва қизлар ҳар қандай миллатнинг генофонди — бойлигидир. Уларни кўрганда кўз қувонади, кўнгил яшнайди. Тансиҳатликни донишманд халқимиз азалдан эъзозлаб, ардоқлаб келган. Бу борада ажойиб тиббий ҳикматлар айтган: «Тани соғлиқ — туман бойлик», «Соғлом танда — соғ ақл», «Барча дунё неъматини соғлиққа тенг келолмас» ва ҳоказолар.

Соғлом авлод учун кураш тўғрисида тушунча ҳамда тасаввурлар қадимул айёмдан турли минтақа ва халқларда турлича бўлган.

Кўп яшашнинг гарови деб, қадимгилар тоза ҳаво, жисмоний машқлар, озодалик, хушхулку хушмуомалалик, лутфу тавозе билан ҳаёт кечиришни билганлар, шуларга қанчалик риоя қилиш-қилмаслик билан умр чегараларини боғлаб қараганлар. Уша даврларда фаол ва юксак ахлоқли яшаб ўтган аллома-мутафаккирлардан Гален — 140 йил, Софокл — 130 йил, Сукрот — 106 йил умр кўрганлар. Гиппократ 104 йил яшаган. Табиийки, улар тани соғлиқни буюк қадрият деб, билиб бунга астойдил интилганлар.

Қадимги Спартада эса, жангари, зодагон тоифалар жисмоний соғломликка ўта катта аҳамият бериб, беҳад мутлақлаштириб, уни элнинг куч-иқтидори ва обрў-нуфузини белгилловчи энг олий сифат деб билиб, иложи борича танасида зиёни бор, иллатли, нуқсонли, ногирон одамларни ҳатто йўқотишга уринганлар. Аммо, буни инсоният маъқулламаган.

Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Синолар узоқ кузатувлар натижасида наслдаги энг сара олижаноб сифатлар ҳусну ақл-заковат, нозик

дид-фаросат, беқиёс ғайрат-шижонат манбаи айнан тани сиҳатликда бўлганини кўрсатиб ўтганлар. Мутафаккирларнинг фикрича, ана шунга қанча кўп эътибор берилса насл шунча тоза, сулола шунча асл, авлод шунча баркамол, жамият шунчалар маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом, зиён-заҳматсиз ривожланади. Табиб-ҳакимларнинг кейинги авлодлари ҳам қайта-қайта шу хулосага келганлар ва таълимотларини ривожлантириб, халқ орасида тарғиб этганлар.

Абдулла Авлоний ёзади: «...Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур... Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдир».

Халқимизда келин туширганда етти пуштини суриштириш одати балки айнан шулар билан боғлиқдир. Беназир ақл-истеъдод соҳиби бўлган Амир Темурнинг ўз вақтида ўғил ва невараларига келин излашни давлат иши даражасидаги масалага кўтариши ҳам бежиз бўлмаган.

Соғлом муҳит ва турмуш тарзи, чиниқиш жисмоний машқлар ақлни чархлаши ва умрни узайтириши тўғрисида Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ҳам ўлмас «Бўстон» ва «Гулистон»ида ажойиб фикрлар ёзган.

Саломатликни сақлаш, соғлом авлодни етиштириш ҳозирги кунда давлат сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолган. Президентимиз «Соғлом авлод учун» 2 даражали орден таъсис этиш тўғрисида»ги фармонда «Бизнинг вазифамиз — ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш. Жисмоний, маънавий, моддий жиҳатдан соғлом авлодсиз бунга эришиб бўлмайди... Соғлом авлод деганда, биз фақатгина жисман бақувват фарзандларни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда

тутганмиз. Чунки ҳар томонлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди», деган эдилар.

«Соғлом авлод» дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларидан биринчиси қизларнинг тарбиясига қаратилган экан, буни айни муддаолигини чуқур ҳис этмоғимиз лозим. Ҳали XX асрнинг бошида «Садои Туркистон» рўзномасининг бош муҳаррири Р.Музаффарзода «На учун ибрат олмаймиз?» деган мақоласида қизлар учун турли бе-заклар эмас, балки илм, ҳунар кераклигини алоҳида уқтириб, турли зебу зийнат сотиб олинмаган пулни қизлар мактаблари очиб, унга яхши ўқимишли муаллималар тайинлаш кераклигини ёзган эди. Бу фикрлар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. «Соғлом авлод» дастурининг амалга ошириш ишларининг иккинчи асосий йўналиши оила қуриш масаласи бўлиб, юрт истиқболи — насл соғломлиги билан боғлиқдир.

«Соғлом авлод» дастурининг устувор йўналишларини белгилашда халқимизнинг асрий-азалии удумлари, урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи, руҳияти, маънавиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинди. Ўз жигаргўшалари, хусусан, қизларни тарбиялашга, уларнинг соғлиғига халқимиз алоҳида эътибор билан қараган. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳар бир миллатнинг кучи, Ватаннинг озодлиги ва инсоннинг баркамоллиги шу мунис зотларнинг жисмоний ва маънавий камолоти билан белгиланиши қадимул айёмдан маълум. Ҳадисларда ҳам «...учта қизни тарбиялаб вояга етказган ота-онанинг жойи жаннатда бўлади», деб таъкидланган. Гапоила, икки ёшнинг тақдири, болалар тарбияси тўғрисида борар экан, бу масалаларга зинҳор юзаки, пала-партиш ёндошиб бўлмайди. Қуда-андачилик, хусусан, қайнона сифатларини тавсифлаганда, халқимиз «феъли —

Шамол

Гулларнинг ҳидига олам тўйнар,
Шамолга ярашар ўжарлик кўпроқ,
Чинқирган ниҳолнинг эгиб бўйнидан
Ҳол жонига қўймай ялатар тупроқ.

Жиззаси юлинган нон — чўтир
чинор,
Неча аср бурун олган сабогин.
Совуқдан увишиб чакнаб умидвор
Сийпалар муҳаббат меҳр қароғин.

Ой ниҳол қошида сўйлар эртақлар,
Шамол уни қўймас ҳоли жонига;
Силтовга дош бермай турса эртага
Ўтарми бўронлар имтиҳонидан?



Раёйинга қарши иш тутиб барака
Топа олмасликка бўлганман иқроқ.
Осмон юлдузлари турар чарақлаб,
Эркалай ололган нигоҳларим бор.

Кувончим чорлаган ёлғиз қароғим
Сийрат ташбеҳида фаросату дид.
Узун тун қалбимда ёқиб чароғин
Деразанг кўзидан боқади умид.

Чехрамда қалқийди интизор кулгу,
Сўрайсан барқарор юлдузлар ҳоли.
Юракнинг қарида мавжланар туйғу,
Кувонган кўзларнинг дуосин олгин.



Одамларга бўлган меҳр, эҳтирос
Маёқдай ёритиб турар йўлларинг.
Ҳаётга қўйилган юракдан ихлос,
Дўстларга чўзилар умид қўллари.

Тақдир кўрсатади ўз мурувватин
Эзгу туйғуларни қалбда уйғотиб.
Сенга зарур бўлган бор
куч-қудратини
Шу буюк муҳаббат этади тортиқ.



кенг, кўнгли — тоза, ичида кири йўқ», деган ибораларни бекорга ишлатмаган. Қайси оиладаки, қайнона бу хусусиятлардан йироқ бўлса, муҳит ҳам шунга яраша бўлади. Рўзгор илми — мушкул иш, рўзгорнинг сардори ҳам, бекаси ҳам бўлиш ниҳоятда қийин. Шуни назарда тутиб, мухтарам Президентимиз, яхши қайноналар учун мукофот таъсис этишга ҳам тайёрмиз, деб айтдилар.

Халқимиз болажон халқ, умр меваси бўлмиш фарзандларини алоҳида меҳр билан силайди. Чақалоққа бериладиган биринчи дуо «Боламиз ўзидан кўпайсин, боши уй қуришдан, тўй қилишдан чиқмасин» дейиш билан бошланади. Уйда ўғил бола туғилдими — терак экилади, қиз бўлса, сандиққа яхши ниятлар билан септушади. «Ўзим кўрмаганни болам кўрсин», деймиз. Аммо лекин, грҳида оила-никоҳ масаласида оқибатини ўйламай шошқалоқликка йўл қўйилади. Бундай хатолар сирасига қиз болани эрта турмушга узатиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, бир-бирини яхши билмай туриб, ўйламай қўйган қадамлар кирадики, уларнинг оқибати бир умрга кишиларни ғам-аламга кишанлаб қўяди.

«Соғлом авлод» давлат дастурини амалга оширишнинг учинчи йўналиши ҳомиладорлик ва фарзанд туғилиши пайтида она-бола саломатлигини назорат қилиш ва уларнинг фаолиятини малакали уюштириш вазибаларидир. Охириги йиллар, хусусан, Оила, Аёллар ва Соғлом авлод йилларида бу масалага алоҳида эътибор берилаяпти. Жумладан, оналар, болалар касаллигини ва ўлимини камайтириш, туғруқ ораларини 3-4 йил бўлишига эришиш, фақат соғлом онага ҳомиладор бўлишга рухсат этиш, хасталиги аниқланган аёллар, болалар, ўсмирларни ўз вақтида соғломлаштириш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, янги оила қураётганларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари бирин-кетин бажариб келинапти. Соғлиқни сақлаш муассасалари бу масалага жиддий ёндошганлиги туфайли оналар ва болалар саломатлиги яхшиланмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза этувчи барча муассасалар — туғруқхона ва гинекологик хизматлар, болалар шифохоналарида беморларни доридармонлар билан таъминлаш ва

уларга тиббий ёрдам кўрсатиш бепул ташкил этилмоқда. Бу муассасаларда юксак санитария-гигиена шароити, малакали тиббий мутахассисларни жалб этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Лекин барча қиз ва жувонлар негадир ўз саломатлиги, бўлажак фарзандларининг ҳолатига аксар вақт бепарво қарайдилар — вақтида овқатланмайдилар, шифокорга мурожаат этмайдилар. Санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмайдилар, сал нарсага асабийлашаврадидилар, ёнки, тамаки чекиш, ароқ ичиш каби зарарли одатлардан қайтмайдилар. Айримлар эса, хусусан, қишлоқ шароитида соғлигини хавф остида қолдирсалар-да оғир меҳнат билан шуғулланаврадидилар. Баъзилар эса жисмоний чиниқишга асло хуши йўқ, овқатланиш меъёрини билмайдилар.

Умуман олганда, қиз бола — нозик хилқат. Унинг тарбиясига боғлиқ масалалар жуда кўп. Исми жисмига монанд бўлиши, юриш-туриши, овқат тайёрлаши, меҳмон кутиб олиши, озода-орасталиги, дарвоза олдидан бошлаб бутун уйни озода тутиш санъати, кийимларидан, юзкўзидан покизалик, нур ёғилиб туриши, табиатга, одамларга муносабати — хуллас, буларнинг барчаси алоҳида бир китоб ёзишга арзийди, шундай ниятимиз ҳам йўқ эмас, лекин, энг асосийси, қиз болаларни ҳаёт илмига қадамба-қадам, босқичма-босқич ўргатиб боришдир.

Соғлиқни сақлаш учун соғлом муҳит яратишнинг аҳамияти каттадир.

Ўтаётган умримизнинг ҳар куни, ҳар лаҳзасини ғанимат билиб, уни бекорга совурмасдан, оқилона, иложи борича, ўзидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилиб ўтказиш керак, чунки вақт орқага қайтмайди.

Ҳалол меҳнат нашъаси, маънавий ўсиш, инсонларга меҳр улашиш, сўлим боғу хиёбонлар яратиш, дарахтлар экиш, элга керак одамлигини ҳис этишдек савобли ишлар қилиш ҳам маънавий, ҳам жисмоний мукамалликка интилиб яшашдан дарак беради.

Феруза СОЛИЕВА,
Самарқанд давлат тиббиёт
институтининг,
фалсафа фанлари доктори,
профессор.

Билимлар

шамчироғи

(Тошкент Давлат Аграр
университети кутубхонаси
директори Гулбаҳор Фойибова
билан суҳбат)

— Гулбаҳор опа, агар айтиш жоиз бўлса, кутубхонани институтнинг юраги деб атардим. Шу фикримга сиз нима дейсиз?

— Мен бу фикрингизга жон дилдан кўшиламан. Бекорга китобни нурга ўхшатмаганлар. Чироқ ўз шуъласи билан бир хонани чароғон қилса, бир китоб юзлаб, минглаб кўнгилларни нурафшон қилади, зиёга чорлайди. Талабалар ва муаллимлар буни дилдан ҳис қиладилар, тушунадилар. Шу сабаб машғулотлардан бўш вақтларининг асосий қисмини шу ерда ўтказадилар. Уларнинг кутубхонага ошиқиб келаётганларини кўриб, қувонаман. Ходимларга эса доимо ишга шай ҳолда туринглар деб, уқтираман.

— Сизлар асосан талабалар билан ишлайсизлар. Уларнинг китоблардан фойдаланишлари сизларни қониқтирадимми ёки ...

— Кутубхонанинг умумий аъзолари 7000 дан ортиқ, шуларнинг 6000 талабаларимиздир. I курс талабалари дастлабки кунларданоқ кутубхонага аъзо бўладилар. Биз улар учун махсус дарс ўтамиз. Икки соатлик, мажбурий дарсда уларга кутубхона фаолияти кенг ўргатилади. Кутубхона шарт-шароитлари таништирилади, китоблардан қандай фойдаланиш, кутубхоначилар билан қандай муомалада бўлиш, асосийси — китобга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни асраб-авайлаш каби асосий тушунчалар берилади. Бундай ишларимиз улар институтни битиргунларича ёдда қолади.

— Бу гапингиздан шуни тушундимки, барча талабалар китоблардан яхши фойдаланар эканлар-да...

— Тўғри. Лекин, баъзан китобни вақтида қайтармайдиган, вақтида қайтарсалар ҳам сифатига путур етказиб бериш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай воқеалар асосан I курс талабаларига хос камчиликдир. Биз шу заҳотиёқ ўша талаба билан суҳбатлашамиз, хатосини тушунти-

рамыз. Натижаси эса, албатта, ижобий бўлади, бундай ҳол бошқа такрорланмайди.

— Талабалар ҳам сизларнинг иш фаолиятларингиздан мамнунмилар?

— Менимча, улар ҳам мамнунлар. Буюртма берган китобларини 3-4 минут ичида топиб берамыз. Баъзиларини эса ўз ўзига хизмат усулидан фойдаланиб, ўзлари топадилар. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтай, бизнинг кутубхонамиздан бошқа институт талабалари ҳам фойдаланишади. Улар ҳам бизнинг ишимизга ижобий баҳо беришади.

— Кутубхона ҳақида умумий маълумот берсангиз.

— Кутубхонамизнинг умумий фонди 998000 нусхадан ошади. Булар илмий адабиётлар, ўқув адабиёти, бадиий адабиёт ҳамда чет эл адабиётларидан ташкил топган. Шу билан бирга кўплаб ажойиб, камёб китоблар ҳам борки, биз уларни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан асраймиз.

Кутубхона бир неча заллардан иборат бўлиб, ходимларимиз бўлимларга бўлинган ҳолда фаолият кўрсатадилар. Ходимларимиз китобхонларга хизмат кўрсатиш билан бирга, институт факультет ва кафедралари билан мунтазам алоқада бўладилар. Уларни янги китоблар билан хабардор қилиб турадилар, ҳар ойда «Ахборотлар куни»ни ўтказадилар. Кутубхона ходимлари институт профессор-ўқитувчиларининг маъруза матнларини китобча шаклида тайёрлаб, талабаларга имтиёзли нархларда берадилар. Эҳтиёждан ортганлари эса бошқа институт талабаларига сотилади.

— Кутубхонангиз бой зиё масканларидан бири экан. Талабалар асосан қандай китобларга кўпроқ буюртма берадилар?

— Институтимиз Аграр университети бўлгани учун ҳам талабалар кўпроқ ўз мутахассисликлари бўйича китобларни сўрашади. Мевачилик, сабзавотчилик, агроном-

лик ва шу каби йўналишлар бўйича чоп этилган китобларга талаб катта. Талаба боғдорчиликка оид китоб сўраса, биз унга қўшимча қилиб 2-3 китобни кўрсатамиз. У ҳар бири билан танишиб чиқади-да, ўзига кераклисини олади.

Яна бугунги кунда чоп этилаётган бадиий китобларга талаб катта.

— Гулбаҳор опа, ҳозир ёшларни маънавиятли, баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда китобларнинг ўз ўрни бордир. Сиз доимо ёшлар орасидасиз. Бугунги ёшлар маънавияти сизни қониқтирадими?

— Ёшларнинг маънавиятини юксалтириш кун тартибидаги асосий вазифа экан, биз ҳам бу ишдан четда турмаймиз. Талабаларимизнинг маънавий дунёсини бойитишда, яхши инсон бўлиб етишишларида раҳбарият, айниқса, проректор Ҳамидулла Шералиев бошчилигида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Биз кутубхона ходимлари, маълум маънода маънавият тарғиботчилари эканмиз, аввало, ўзимиз маънавий етук бўлмоғимиз даркор. Маънавият 1-2 йиллик ёки мавсумий нарса эмас, у бизга бир умр керакли фазилатлар, инсоний неъ-



матлардир.

Биз доимо аждодларимизнинг бой маънавияти, маданияти, маърифати билан фахрланамиз. Лекин, назаримда, ўтганлар меросини ўрганишда юзакилик ҳам бор. Аслида ўтмиш меросини билиш кифоя эмас, улардек инсонпарвар, илмга ташна, камтарин, меҳр-шафқатли, ростгўй, оққўнги

бўлмоғимиз, шарқ маънавиятига ҳисса қўшмоғимиз керак.

— Атрофингиздагилар билан суҳбатлашганимда сизни шундай таърифлашди: «Гулбаҳор опа тиним билмай ишлайдилар, ширин сўз, самимий, ўртак олса арзийдиган инсон...»

— Бундай сўзлар ҳар бир инсоннинг кўнглини кўтаради, янада фалол ишлашга ундайди. Бундай ишлашимнинг сабаби... инсонларга, талабаларга бўлган меҳр-муҳаббатим бўлса керак. Ходимларнинг кўнглидагини тушунмоққа ҳаракат қиламан. Имкон қадар ёрдам беришга, йўл-йўриқ кўрсатишга интиламан. Уларнинг оғирини енгил қилсам, ўзимни руҳан тетик ҳис қиламан. Назаримда, ишларим ҳам ўнгидан келаётгандек туюлади. Биласизми, одамлар кўзида озгина бўлса ҳам мамнунлик ифодасини кўрсам, ҳатто ўз шахсий ташвишларимни ҳам унутаман.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.



Жомийнинг фалсафий-ирфоний

Агар нақшбандийлик таълимоти тасаввуф тариқати тарихида кескин бурилиш ясаган ижтимоий-сиёсий, диний-мазҳабий ва маънавий-маърифий инқилоб деб эътироф этиш ва уни тасаввуф тариқати таркибидаги барча фирқалар, силсилалар ва шубҳаларнинг ҳулосаси, энг мукаммал намунаси, таъбир жоиз бўлса, «хотимат-ут-тариқа», деб аташ мумкин бўлса, унинг ҳам назариёт ва ҳам амалиёт марказида фаолият юритган, «олижаноб, олийнасаб, қудсиймаоб, кутблар кутби, улуғлар мурожаатгоҳи», «Ҳазрати Маҳдумий Шайх-ул-исломий Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий»ни тасаввуф таълимотининг энг охири буюк назариётчи олими деб эътироф этишга тўғри келади. Зеро, Мавлоно Жомий Боязид Бистомий ва Мансур Ҳалложнинг хулул ва итиҳод ҳақидаги қарашлари, Ибн ал-Арабийнинг ваҳдат-ал-вужуд назарияси, Шайх Шаҳобиддин Сухравардийнинг ишроқ фалсафаси, Имом Муҳаммад Ҳаззолийнинг шариат ва тариқат ўртасидаги ихтилофларни барҳам беришга қаратилган ақидалари, Шайх Абусаид Абухайрнинг шоирона сўфийлиги, Шайх Атторнинг маънавий сайру сулуки, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг барча мазҳаблар билан бирга бўлиш иштиёқи, Шайх Саъдийнинг ирфоний-ахлоқий ҳикматлари, Хожа Ҳофизнинг орифона-риндона рухияти, Хожа Абдуҳолиқ Фихудувоний ва Хожа Баҳоуддин Нақшбандийнинг тасаввуфий-мазҳабий қарашлари, нақшбандиянинг буюк шайхлари — Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий ва Шайх Саъиддин Кошғарийнинг зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан бўлиш одоби ва ирфону тасаввуф талқинида Имоми Аъзам (р) мазҳаби доирасидан четга чиқмаслик тартибини ўзида муҷассамлаштирган ва барча муқаддас таълимотларни ўз асарлари орқали ўзига хос қарашлар ва талқинлар билан нақшбандийликка сингдириб, унинг илмий-назарий пойдеворини мустаҳкамлаган буюк мутасаввуф олимидир. Мавлоно Жомий ўзининг бой ва бебаҳо адабий-бадий, фалсафий-ижтимоий, диний-ирфоний ва илмий-назарий мероси билан мусулмон Шарқининг ижтимоий-фалсафий ва адабий-бадий тафаккури тарихида алоҳида ўрин тутди.

XV-XVI асрларда ёзилган тарихий манбалар ва тазкираларда Жомий ва унинг тасаввуф тарихида тутган

ўрни ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган бўлишига қарамай, XIX-XX асрлар Европа шарқшунос олимлари ва Эрон, Афғонистон, Тожикистон ва Ўзбекистон жомийшунос олимларининг тадқиқотларида Жомий асосан шоир ва мутафаккир сифатида кўрсатилади.

Ҳолбуки, Мавлоно Жомий нақшбандийлик тариқатининг пиру муршиди ва тасаввуфи ирфонининг назариётчи олими сифатида ўзидан бой фалсафий-ирфоний мерос қолдирган. Аслида Мавлоно Жомийнинг бутун ижоди тасаввуфий-ирфоний ғоялар билан сугорилган. Унинг ирфоний қарашлардан ҳоли бўлган бирор-бир асарини учратиш амри-маҳол. Ҳатто унинг Қуръони Каримга ёзган тафсири, фикҳ илмига оид асарлари, бадий мероси, жумладан, маснавийлари («Ҳафт авранг» дostonлари), қасидалари, ғазаллари ва рубоийлари ҳам тасаввуфий-ирфоний ғоялар, қарашлар ва тамойиллар билан лиммо-лим. Зеро, Жомий Борлиқ ва ундаги барча мавжудотлар ва ашёларга Ориф Инсон кўзи билан қараган, зоҳир ва ботин олами тасаввуфий мезонлар ва меъёрлар ўлчовида маърифат этган. Масалан, Жомийнинг «Саломон ва Абсол» номли дostonини олайлик. Қадимги юнон устуралари асосида вужудга келган ва Шарқ адабиётида илк бор Абу Али ибн Сино томонидан фалсафий-ахлоқий қисса шаклига келтирилган бу дoston Жомий талқинида фалсафий-ирфоний оҳанг касб этади. Яъни, бу асар ҳам тасаввуфий-ирфоний асар, аммо биринчи навбатда бадиият либосидаги манзум асар ҳисобланади. Унинг фалсафий-ирфоний жавҳари рамзу тамсиллар ичида яширинган. Эронлик олима Захро Муҳожирий Жомийнинг «Саломон ва Абсол» дostonини форс ирфоний-тамсилий дostonчилигининг шоҳ асарлари — Шайх Атторнинг «Мантиқ-ут-тайр» дostonи ва Мавлавийнинг «Маснавий»сидан кейин учинчи ўринга қўяди. Бу «Саломон ва Абсол» дostonига, умуман Жомийнинг ирфоний-тамсилий маснавийларига берилган юксак баҳо, албатта. Аммо ҳар ҳолда у Жомийнинг тасаввуф ва ирфонга оид бевоқиф илмий асари эмас. Айнан шу гапни Жомийнинг бошқа бадий асарлари — «Лайли ва Маҷнун», «Юсуф ва Зулайҳо», «Силсилат-уз-заҳаб», «Тухфат-ул-аҳрор» ва «Сабҳат-ул-аброр», уч девон ва бошқа асарлари хусусида ҳам айтиш мумкин. Гап шундаки, Мавлоно

Жомийнинг тасаввуф ва ирфон фалсафасига оид 16 та илмий ва адабий-илмий асарлари мавжуд. Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний асарлари хусусида фикр юритганда, унинг салафлар ва ўз асарларига битган фалсафий-ирфоний шарҳномаларини алоҳида тилга олиб, Жомийнинг энг муҳим тасаввуфий-ирфоний асарлари сифатида кўрсатиш бир оз эриш туюлиши ва ҳатто эътирозларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Аммо воқелик шунки кўрсатдики, Жомий буюк мутасаввуф олимлар, тариқат пешволари ҳамда сўфий-шоир ва шоир-сўфийларнинг асарларига гоҳида қисқача, гоҳида эса мукаммал шарҳлар ёзишни ўзининг бу соҳадаги илмий фаолиятининг диққат марказига қўйган. Ҳатто айтиш мумкинки, у фалсафий-ирфоний шарҳнависликни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, шу йўл билан ўзининг турли мавзу ва масалаларга бўлган муносабатини, тасаввуфий-ирфоний қарашларини ҳам баён этган. Феҳристарлар ва турли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, Мавлоно Жомий 16 та тасаввуфий-ирфоний асар ёзган экан. Бундан 9 таси Жомийнинг Шайх Муҳиддин Ибн ал-Арабий, Мавлоно Жалолиддин Румий, Ибн Фориз, Шайх Садриддин Қунавий, Шайх Фахриддин Ироқий, Хусрав Дехлавий ва ўз рубоийларига битган шарҳномалардан иборат. Бундан келиб чиқадикки, Жомийнинг илмий фаолиятида шарҳнавислик ҳақиқатан ҳам салмоқли ўрин тутган экан.

Агар унинг «Шарҳи ҳадиси Абзаррин ал-Уқайлий» ва умрининг сўнгига Қуръони Каримга ёзган «Тафсир»ини (Афсуски жомийшуносликда бу «Тафсир» хусусида ҳеч қандай маълумот учрамайди) ҳам ҳисобга олсак, шарҳнавислик Мавлоно Жомий учун шунчаки бир илмий машғулот эмас, балки унинг энг сеvimли ва асосий илмий йўналиши экан, деган ҳулосага келиш мумкин.

«Тарихи Рашидий» муаллифи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1499-1551) Жомийнинг 12 та асарини ўша даврнинг энг машҳур асарлари сифатида зикр этиб ўтади. Бундан 6 таси тасаввуфий-ирфоний асарлар бўлиб, улардан 4 таси — «Шарҳи ламаъот» («Ашиъат-ул-ламаъот»), «Шарҳи Фусус» («Шарҳи Фусус-ул-ҳикам»), «Шарҳи мимийайн хамрий-айи ибн Фориз» («Лавомеъфи шарҳи қасидаи мимийайи хамрий-айи Форизийа») ва «Шарҳи рубоийёт» Мавлоно Жомийнинг фалсафий-

Шарҳномалари

ирфоний шарҳномаларидир. Демак, Жомийнинг фалсафий-ирфоний шарҳномалари XV-XVI асрларнинг илмий муҳитида алоҳида аҳамият касб этган экан. Шундай бўлса-да, нега Мавлоно Жомийдек улуғ мутафаккир олим мустақил равишда катта илмий-фалсафий асарлар ёзиш салоҳиятига эга бўла туриб, кўпроқ ўзидан олдин ўтган мутасаввифларнинг асарларига шарҳлар ёзишни афзал билган, деган савол туғилиши ҳам табиий.

Бизнингча, бунинг бир қанча сабаблари мавжуд. Биринчидан, тасаввуф XIV асрда, яъни мўғуллар босқинидан сўнг тариқат сифатида ривожланиб, кўпроқ хонақоҳий-амалий тус олди ва олимона-орифона тасаввуф адабиёти бадиият ва шеърятга кўчди. Бу даврда яна бир қанча фирқалар вужудга келди, аммо илмий-назарий жиҳатдан заифлашди. Натижада, XV асрда келиб, фалсафий-ирфоний майдонда бўшлик пайдо бўлди. Ибн ал-Арабий, Шайх Сухравардий, Мавлоно Румий, Фахриддин Ироқий, Садриддин Қунайивий каби тасаввуф назариётчиларининг асарларини англаб етиш ва уларнинг асл моҳиятини идрок этиш мушкуллашди. Бу маънавий бўшлиқни тўлдириш ва келажак авлодга етказиш заруриятини биринчи бўлиб ҳис этган ҳазрат Навоий ўз пири ва устози ҳазрат Жомийга мурожаат этиб, уни бу ишга киришишга ундади. Жумладан, Алишер Навоий илтимосига биноан Мавлоно Жомий Фахриддин Ироқийнинг «Ламаъот» номли асарига «Ашиъат-ул-ламаъот» номли шарҳ битиб, «унинг асосида улуғ ва зирни ирфон фалсафасининг мураккаб сирларига ошно қилди».

Иккинчидан, тобора амалийлашиб бораётган тасаввуфни, хусусан, маънавий тамойилдаги нақшбандийлик тариқатини илмий-назарий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва унга фалсафий-ирфоний руҳ бағишлаш зарурати туғилган эди. Турган гапки, бу ишни Ибн ал-Арабийнинг ваҳдат-ал-вужуд назарияси ва Шайх Ироқийнинг фалсафий-ирфоний қарашларини ўзлаштирмасдан амалга ошириш амримаҳол эди. Натижада, уларнинг асарларини шарҳлаш эҳтиёжи юзага келди.

Учинчидан, Жомий тасаввуфнинг илмий-назарий масалаларни хусусида фикр юритишга киришар экан, салафларидан олдин бир нарса дейишни хурматсизлик деб билган.

Шунинг учун ҳам сўз навбатини аввал уларга бериб, сўнг уларнинг бошқалар учун мушкулроқ бўлган ақидаларини изоҳлашга ўтади. Бу усулни у ўзининг барча фалсафий-ирфоний шарҳномаларида қўллаган. Жумладан, мутақаддимларга бўлган эҳтиром ва эътиқодини «Шарҳи рубоиёт» (Жомий ўзининг бу муҳим асарига ўзи ёзган 44 рубоийга шарҳ битган) асарининг муқаддимасида ҳам таъкидлаб ўтади:

Харчанд на дар шумори дарвешонам
Берун зи сифат жамъи сафокешонам.
Бар нақли ҳадисашон ҳарисам,
Ман муътақиди муътақиди ишонам.

(Дарвишлар қаторига кирмасам ҳам, сифатларини таърифлаб бўлмайдиган сафо аҳлидан узоқ бўлсам ҳам, улар айтган сўзларни айтиб юришни яхши кўраман. Яъни, мен уларга эътиқод қилган кишиларга ҳам эътиқод қиламан.)

Шунинг учун бўлса керак, Жомий ўзининг биринчи тасаввуфий-ирфоний асарини («Нақд-ун-нусус фи шарҳи нақш ал-фусус» ҳ. 863; м. 1459 йили) шарҳ билан бошлаб, илмий-ирфоний излаишларини яна шарҳ билан («Шарҳи Фусус-ул-ҳикам», ҳ. 896; м. 1492 йили) якунлайди.

Тўртинчидан, Жомий боғлаган шарҳлар унинг бу адабий-илмий жанрдаги маҳорати ва салоҳиятидан дарак беради. Масалан, Ибн ал-Арабийнинг «Фусус-ул-ҳикам» номли асари ва Ироқийнинг «Ламаъот» номли асарига ўнлаб шарҳлар ёзилган. Аммо Жомийнинг «Ашиъат-ул-ламаъот» ва «Шарҳи Фусус-ул-ҳикам» номли шарҳлари мазкур асарларга ёзилган энг муваффақиятли шарҳномалар сифатида эътироф этилган. Демак, Мавлоно Жомий бу жанрга ўзининг имкониятларини намоён этиш воситаси сифатида ҳам қараган ва ундан юксак даражада фойдалана олган экан.

Бешинчидан, шарҳнавислик ўрнига тарихнавислик ва тазкиранавислик ривожланиб бораётган асрда Жомий бу мураккаб илмий жанрни қайта тикламоқчи ва яна анъана даражасига кўтармоқчи бўлганлиги ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Зеро Жомий бошлаб берган шарҳнавислик мактаби XV-XVI асрларда шоғирдлар ва Мавлоно дунёқарашига яқин бўлган мутафаккирлар томонидан давом эттирилган экан. Масалан, Жомийнинг энг яқин муридларидан бири Абдулғафур Лорий устозининг «Дуррат-ул-фоҳира» (араб тилида) номли асарига ва Нажмиддин Кубронинг «Ал-усул-ал-ашарат» номли рисоласига шарҳлар битгани ёки ўз рубоийларига шарҳ ёзиш



анъанасини ўртага ташлаган «Шарҳи рубоиёт» таъсирида Жалолиддин Даввоний ва Муллошоҳ Бадахшоний каби мутафаккирларнинг «Шарҳи рубоиёт»лар битгани бунга яққол мисол бўла олади.

Мавлоно Жомийнинг фалсафий-ирфоний шарҳномаларини мавзу ва ғоя, мазмун ва моҳият, бадиийлик ва илмийлик, шакл ва жанр нуқтаи назаридан куйидаги тартибда таснифлаш мумкин:

1. Ваҳдат-ал-вужудга оид асарларга битилган фалсафий-ирфоний шарҳлар.
2. Ваҳдат-ал-вужуд мавзуидаги фалсафий-ирфоний автошарҳ.
3. Тасаввуфий-ирфоний мазмундаги манзум асарларга битилган фалсафий-ирфоний шарҳлар.
4. Ваҳдат-ал-вужуд мавзуидаги манзум асарларга битилган кичик шарҳлар.

Юқоридаги қисқача таснифдан, биринчи ва иккинчи турдаги фалсафий-ирфоний шарҳлар Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний меросида алоҳида ўрин тутаяди. Зеро амалий мазҳабий йўналишдаги нақшбандийлик тариқатига ваҳдат-ал-вужуд ғояларини сингдириб, нақшбандийларни фалсафа ва ирфоний масалаларига жалб этган ва Жомийни XV асрнинг муҷаддиди, яъни қайта қурувчиси деб эътироф этилишига сабаб бўлган бу асарлар, ҳақиқатан ҳам XV-XVI асрлар мусулмон Шарқ оламининг диний-фалсафий тафаккурини бойитган бебаҳо ганжиналардир.

Жаъфар ХОЛМЎМИНОВ,
Ўзбекистон Президенти
ҳузурдаги Давлат ва жамият
қурилиши академияси
аспиранти.

Сохибқироннинг буюк салтанатини қайта тиклашга уринган ва қисман улуг ниятига етган султон Хусайн мирзо (Умаршайх мирзо Ибн Темур авлоди) «Рисола» асарида яқин дўсти, вазири Алишер Навоийни мақтаб, бундай ёзади: «Ва Хирот (Оллох уни офатлардан асрасин) навоҳийсида улча хотирга келур ва улча содикулқавл (рост сўзловчи) эл арзга еткурурлар, шояд (Хиротда) мингга яқин кишиким, аларнинг иши маъно дурларини назм силкига тортмоқ бўлмай ва диққат гавҳарларига вазн либоси, зебу зийнатин бермоқ бўлмайким, ҳеч даврда булардек..., йўқ экандур». Бу сўзлар билан султон Хусайн ўз замонасида нодир шоирларнинг кўплигидан фахрлангани кўриниб турибди.

Шундан сўнг султон Хусайн дўсти Навоийнинг васфига ўтади: «То бу фархунда замону хужаста давронда... қуллуқ (хизматкорлик) силкидин кўкалтошлик поясига етган ва мулозамат тариқидин мусоҳабат сармоясини касб этган, ҳарам кабутаридек пардасаро хилватида маҳраму, шабистон суҳбатида ҳамдам, ҳақ сўз адосида далер (раҳбар зотларга, подшоҳларга ҳам ҳақиқатни айтишда жасур), яъни, Мир Алишер, тахаллуси Навоийга машҳурдиру, ашъорида бу тахаллуси мастур (яъни, у ажойиб ғазалларида тахаллусида айтилганидек, минг турли наволар қилади.), турк тилининг ўлган жасадида Масиҳ анфоси (нафаслари) била руҳ кийурди (киритди) ва сўз гулистонида таъби навбахоридин равоносо ёғинлар била рангоранг гуллар очти ва назм дарёсига саҳоби фикратидин (тафаккур бутулларида) руҳпарвар қатралар била гуногун дурлар сочти. Анинг назми васфида тил қосиру, баён ожиздур...»

Узи ҳам шеъриятда баркамол Султон Хусайн, вазири ва дўсти Навоийнинг ижодига шу қадар юксак баҳолар берса ҳам, назмини яхшироқ таърифлашга ожизман, деганида ҳақ эди.

Афсуски, Алишер Навоийнинг оилавий муҳити, ота-онаси, шахсий ҳаётини ўрганиш учун ҳаётий далиллар етишмайди. Хондамир «Макори-мул-ахлоқ»да, Восифий «Бадоеул-вақое»да, Иззат Султон «Навоийнинг қалб дафтари»да шоирнинг шахсий ҳаётига доир айрим нодир тафсилотларни келтирадилар, холос.

Омон Мухторнинг «Ишқ аҳли» роман-бадеаси шу жиҳатдан кўпчилик-

ни қизиқтирмоқда. Бу асарда бир қарашда бадиий сюжетдан кўра илмий тадқиқот, навоийшунослик ус-тун туради. Муаллиф буюк даҳо ҳаётининг фақат бир фасли — йигитлик фаслини ёритишни мақсад қилган. Унда драмадаги каби пролог, эпизод, бошловчи, ҳикоячи, ровий сиймоси бор. Бу ёши 60 га етаётган мусаввир Абулхайр, у ҳаётида кўп асарлар чизган. Навоий сиймосини тасвирлашни ёшлиқдан орзу қилган; аммо бу орзу энди армонга айланган. Бу армон мусаввирга азоб беради. У ўзини тоғ этагидида чуқмолидек ҳис қилади, бу чуқоли тоғнинг чўққисига ета оладими, йўқми — ўзи ҳам билмайди. У Навоий даҳосини буюк меҳр билан севади. Аммо, ўзи айтганидек, буюк мақсадга етиш учун фақат меҳр билан ҳеч нарса қилолмайди киши. Фақат орзу билан иш битмайди.

У Алишернинг ёшлигини равшан тасаввур қилиш учун бу соҳадаги билимлари етишмаганидан изтироб чекади. Ва у ягона тўғри йўлни тан-

шаймонликда ўтса-я?

Мусаввир (роман муаллифи Омон Мухтор ҳам) бу ғалати сўзларнинг сабабларини излайди, ўз тахминларини биз билан баҳам кўради: «Балки бу, маърифатли зодагоннинг ўзини фуқарога тенг тутишидир?! Балки, дарвешлик тариқати?! Балки, дунёнинг азалдан сароб эканлигига ишора?! Балки, шунчаки бир кайфият?!»

Шоирлар бир лаҳзалик кайфиятларини нафис ифодалашга ўста бўлса ҳам бу охириги тахмин тўғри эмас. Буни биз ғазалнинг кейинги байтларида тобора таранглашиб, ижтимоийлашиб бораётган тафаккур чақмоқларидан сезамиз:

*Эй, мусулмонлар, билингким,
бўлди умрум ҳосили,
Нафси кофир фитнасинин
номусулмонлиғда хайф.*

Ғазал мисраларининг мазмунига, моҳиятига теранроқ назар солсак, бундай манзарани тасаввур қилиш мумкин. Бу ҳаётга келиб, ишқ савдоси дардига учрамаган, ишқсиз одам

Рухпарвар

(Мир Алишер)

лайди. Алишер Навоийнинг қалб дафтарида ўқиш, шоир дилида кечган ишқ тўғёнларини равшан тасаввур қилиш, шоир руҳиятидаги бўрон, тўфон, чақмоқларни англаш учун энг ишончли далилларга — даҳонинг байтларига мурожаат қилади, замирида яширинган маъноларни кузата бошлайди.

Мусаввирнинг ғаройиб кузатишлари, кутилмаган кашфиётлари бизни ҳам ҳаяжонга солади. Лирик қаҳрамон — мусаввир Навоийнинг:

*Кечди умрим нақди ғафлат бирла
нодонлиғда хайф,*

*Қолғони сарф ўлди андуху
пушаймонлиғда хайф,*

мисраларини ўқиб, ҳайратга тушади. Шоирнинг «хайф» дейишига асос қани? Умридан бир лаҳзаси ҳам ғафлатда кечмаган-ку? Муаммо аниқлик киритиш учун айтиш керакки, биз ҳозирги одамлар учун Навоийнинг ҳаётида ғафлат лаҳзалари йўқ кўринади. Лекин буюк мутафаккир Навоий ҳаёти жасоратларга, ажойиб зафарларга бой бўлса-да, унга барибир, умрининг асосий қисми — нақди «ғафлат бирла нодонлиғда» ўтгандай кўринади. Умрининг нақдидан қолгани ҳам пу-

номукамал одамдир. Гўзал ёрнинг фақат гулгун чехраси ва нозик баданини тилаб севиш, Навоий фикрича, кофир нафс фитнасиндир. Бу фитнага учган одамнинг умри номусулмонлиғда хайр кетгандек.

Мусаввир фавқулодда бир ақл-заковат билан, Навоий йигитлик чоғида Гули исмли номаълум қизни эмас, балки ёш канизак Хадичабегимни севиб қолган бўлса-чи? дейди. Шу фаразга кўра дўсти Алишернинг севгисидан хабарсиз султон Хусайн шу гўзал канизакка уйланиб, саройга, ҳарамга келтиради. Бундан Алишер қаттиқ изтироб чекади. Навоий бу севгисини умр бўйи дўсти Хусайнга айтмай юргандир? Лекин, Хусайн бепарво йигит эмас, у жуда фаросатли, хушёр. Алишер яширса ҳам, унинг ғазалларидан ким қуйланганини сезади. Ва у ҳам, ўз қилмиши учун — дўстининг ёрини тортиб олгани учун яширин изтироб чекади? («Сабаи сайёр»да Аҳий билан Фарруҳ дўстлигини эслайлик).

Эҳтимол, XX асрнинг буюк санъаткори Раҳ Канур «Сангам» фильмида икки қалин дўстнинг бир қизни севиб қолиши воқеасини осмондан олмагандир? Шарқ фалсафасида

йигитларнинг, айниқса, мард йигитларнинг (футувват аҳли) назарида дўстлик севгидан юксак туради. Алишер дўсти Хусайнни ранжитмаслик учун ўзини ҳеч воқеа юз бермагандек тутди. Чунки, Алишер севгиси ҳар қанча оташин бўлса ҳам ҳаётдаги асосий маслак, мақсади — мамлакатда адолат ўрнатиб, мазлум халқнинг дардларига дармон бўлиш эди.

Ҳазалнинг давомини ўқисак, Алишер учун ўша гўзал ёрдан, севгилисидан кечиш осон кечмаган:

*Хайфким, нафъ айламас, ҳар
нечаким тортиб илик,
Десам ўз аҳволима бу навъ
хайронлиғда хайф.*

Буюк ирода эгаси Навоийнинг гўзал ёр ишқидан воз кечишга кучқудрати етади. У яхши биладики, эҳтимол, кўнгли сезадики, бу ҳали чинакам севги эмас, ғазалларида уни ёниб қуйлаши — ёлғон, фақат гўзал ғазалларнинг туғилиши ҳақиқатдир.

Тан олайлик, биз ҳам, Омон Мух-

деганлари минглаб бошқа одамларнинг рост сўзларидан ишончлироқдир. Шунга кўра, бу ғазал мазмунидан унинг ёзилган вақтини аниқлашга уриниб кўриш мумкин (Омон Мухтор асарнинг кўп ўринларида шу диалектик усулдан фойдаланади). Бизнингча, бу ғазални битган вақтида Алишербек ҳали «Хамса» дostonларини ёзмаган, агар ёзган бўлса, «нақди умрим ўтди гафлат бирла нодонлиғда» демас эди. Шу билан бирга, бу ғазал ёзилган вақтда Навоий умри, ёшлик фаслидан ўтиб, етуклик фаслига етган, шоҳ саройида катта мансабларда ишлаган, халқнинг дарду ҳасратларига малҳам кўя олган. Шунга қарамай, «нақди умрим ўтди гафлат бирла нодонлиғ»да, дейишининг сабаби — у ёшлигидан севиб юрган, васлига эришмаса ҳам дилида ардоқлаб юрган гўзал дилдорнинг табиатидаги энгилтаклик, манманлик, худбинлик томонлари кўриниб, шoirнинг дили озор чеккан.

Омон Мухторнинг мусаввири На-

ўйлайди.

Асар қахрамони — мусаввир Навоийнинг висол ва хижронга доир шунчалар кўп нодир байтларини келтирадими, уларнинг мазмунидан шоирнинг ишқ тарихи саҳифалари бир-бирига улашиб, ҳақиқий бўлиб ўтган воқеалар шаклига киради. У Ҳадичабегим тарихини ҳам яхши ўрганди. «Бобурнома»дан: «У, Хиротда туғилган, Хусайндан 14-15 ёш кичик эрди. (Демак, Ҳадичабегим Мир Алишердан 12 ёш кичик). Ҳадича аввал Абу Сайид Мирзога ҳадя қилинган канизак. Абу Сайид унга уйланиб, Оқо бегим деган қизлари ҳам бор эди. Абу Сайид жангда (Озарбойжон тарафда) ҳалок бўлган, тахтни эгаллаган Хусайн султон Абу Сайиднинг ҳарамиди Ҳадичани кўриб, ёқтириб қолган ва кўп ўтмай ўз никоҳига киритган.

Асар қахрамони — мусаввир Абулхайр Заҳириддин Бобурнинг султон Хусайн хотинлари, хусусан Ҳадичабегим ҳақида рост сўзларни айтганини билади: «Ҳадичабегим гўзал, аммо энгилтабиат, димоғдор аёл бўлиб, ичиқора, макр-ҳийлага мойил эди. Ўзини оқила тутар, вале беақл ва пургўй (кўп гапирадиган) хотун эрди». У тез орада ҳусн-латофатию ёлғон, сохта илтифотлари билан Хусайннинг буткул кўнглини олиб, улуг бекалик ўрнини эгаллайди».

Асарда султон Хусайннинг оилавий ҳаёти тарихий манбалар асосида анча муфассал тасвирланган. Унинг Ҳадичабегим куткуси билан набираси Мўъмин Мирзони қатл эттиргани темурийлар салтанатининг инқирози бошланиши эканлигини Навоий башорат қилган эди. Навоий ўз шоғирди, элпарвар Мўъмин Мирзо тахтга ўтирса, мамлакатда раиятнинг аҳволи яхшиланишига катта умид билан қараган эди. Навоий, ёшлик чоғлари мана шу гўзални, «ҳозирги» бадфеъл, ичиқора, маккор аёлни севиб юрганидан хижолатга тушиб, «умр ўтди ёлғонлиғда хайф», деб афсус-надомат чеккандир? Эҳтимол, Навоийнинг севгилиси бошқа паривашдир? У орзу қилган вафодор гўзал шоирнинг шевру дostonларида туғилди.

Бу сатрлар Омон Мухторнинг «Ишқ аҳли» бадеа-романини ўқишдан туғилган илк таассуротларимиздир. Асарни такрор-такрор ўқигиниз келади, Навоийнинг маънавий оламига яна ва яна ташналигимиз сезилади.

**Маҳкам АНДИЖОНИЙ,
Насиба КАМОЛОВА.**

Қатралаар

кимни севган?)

тор асари қахрамони, мусаввир Абулхайрга кўшилиб, тахмин ва фарзларни давом эттирялмиз. Алишербекиннинг фикр оқими эҳтимол бундай кечади: агар гўзал канизакка севгиси чин севги бўлмай, ёлғон севги, фақат ижод дарди бўлса-чи, унда ўзи ёлғончи бўлиб қолмайдими?

*Ҳар не ўтган сўзларим чиндур
десам ёлғон эрур,
Чин будурким, дегаман: умр ўтди
ёлғонлиғда хайф.*

Шундан кейинги байтда Алишер кутилмаганда султон севгиси билан гадо севгисини таққослайди (у ортиқча камтаринлик билан ўзини гадога тенг тутди):

*Чун энгилроқдур ҳисоб ўлғонда
султондин гадо,
Хайфким, бўлғай гадо авқоти
султонлиғда хайф...*

Ана холос! «Ҳисоб ўлғонда» (маҳшар куни) гадо умрини ўтқинчи, нафсоний ишқ билан ўтказгани гуноҳдир. Аммо, комил инсон авқоти-вақтларини охират риёзати, машаққатлари билан ўтказмай, султонлиғда ўтказгани оғирроқ гуноҳдир?!

Алишер Навоийнинг ёлғон айтдим

войининг «Очмағай эрдинг жамолинг оламари, кошки, Солмағай эрдинг бари оламга фавго «кошки» байтларининг қахрамони ҳам ўша Номаълум Гўзал деб билади. Адабиёт тарихидан, «Хамсатул-мутаҳаййирин» асаридан маълумки, шундай радифли ғазал ёзилган вақтида Навоийнинг устози ҳазрат Жомий ҳаёт эди. Ул зот Алишернинг бу ғазалини ёқтириб, форсча мухаммас боғлайдилар.

*Дийдама дийдори он дилдори
раъно кошки,
Дийда равшан кардаме аз ҳоки он
по кошки, —*

матлаъли бу мухаммасни ҳазрат Жомий «подшоҳ хизматларига юборгандин сўнгра (шоҳга) мақбул тушиб, подшоҳ ҳазратлари эҳсон ва таҳсинлар қилиб, бу фақирга (Навоийга) ҳукм қилди ким, аларнинг бу ғазалина мусаддас боғлағаймен». Навоийнинг устозга мусаддаси ҳам султон Хусайнга манзур тушиб, таҳсинлар эшитди. Ҳазрат Жомий 1492 йил 8 ноябрда вафот этган. Бу вақтда Навоий 50 ёшларда эди. Буни эслатишимизнинг боиси шуки, мусаввир Абулхайр бу ғазални Навоий ёшроқ вақтида ёзган деб

Рангтасвирда Аёл сиймоси

Республикаимиз ҳаётида турли хил хайрли тадбирлар, анжуманлар ўтказиш одат тусига кириб бораётир. Ўтган йилларимиз аёллар билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон рассомлари ижодида аёл образини тасвирлаш асосий мавзулардан бири. Рангтасвирларда ҳаёт давомчиси бўлган она, сеvimли ёр, турли хил касбларда меҳнат қилаётган замонавий аёллар образларидан тортиб, қадим тарихда эл юрт озодлиги учун курашган Тўмарис, буюк ҳукмдор Амир Темурдек саркарданинг умр йўлдоши ва маслакдоши Бибиҳоним каби тарихий образларни кузатишимиз мумкин.

Рассом Р.Ризамуҳамедов асли тошкентлик, бироқ республикаимизнинг чекка қишлоқларида ижод қилишни яхши кўради. Унинг асарлари асосий мавзусини мазкур ҳудудларда яшовчи аёллар образи эгаллайди. Мусаввирнинг «Бахмаллик аёл», «Хевалик аёл» ва «Сурхондарёлик аёл» каби катта меҳр билан тасвирланган оналар образлари фикримизнинг далилидир. Оналарнинг чехраларида, либосларида ерлик халқларга хос оддийлик ва инсоний меҳр реалистик асосда, ҳаётда қандай бўлса шундай муболағасиз тасвирланган.

Иқтидорли рассом Р.Худойбергенов ижодида ҳам аёллар образи етакчи ўринни эгаллайди. Рассом асли хоразмлик бўлганлиги боис ўша юрт аёллари образини тасвирлашни ёқтиради. Мусаввирнинг «Ҳамшира» (1999) асаридан эл соғлиги йўлида меҳнат қилаётган фидоий аёлларни замонавий кўринишда, реал ҳаётий ашёлардан фойдаланиб акс эттирсан, «Момо» ва «Зухра опа» портретларида турли ёшдаги оналар — бири ёш жиҳатдан улуг, фарзандларининг камқўстидан қутилган, ўз навбатида, эл-юртга меҳнатини ўтказган қишлоқ онасининг нуруний қиёфаси тасвирланса, иккинчи портретда ҳали фарзандлар ва халқ хизматини адо этишдек шарафли юмушларга шай турган ёш она акс эттирилган. Уларнинг эғнидаги либосларида Сурхондарё ёки Хоразм ҳудудларига мос ҳолатлар ифодаланган. Кўнгли соф, бағри кенг оналарнинг бадиий образлари ишонарли ранглар ва композициялардан оқилона фойдаланиб

яратилган. 1999 йил сентябрь ойи бошларида Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўرғазмада Р.Худойбергенов намоиш этган «Журналист Навбахор» (1999), «Ҳожар хола» (1999) портретларида замонамизнинг турли ёшдаги ва турли вилоятларда ўзига хос тарзда яшаётган замондош аёллар образлари ҳар бирининг касби ва характерли қирралари реалистик тасвир воситалари асосида ифодаланган.

Миллий-тарихий портретлар яратишни хуш кўрадиган мусаввир З.Фахриддиновнинг «Бибиҳоним» асаридан соҳибқироннинг суюкли ва ақлли умр йўлдоши Бибиҳонимнинг маҳобатли, ўша давр маликаларига хос, шоҳона қиёфаси тасвирланган. Орқа фонда ўша давр меъморий обидасидаги арабий ёзувлар, кошинлар, сирли нақшлар билан безанганлиги ва уларнинг яшил, сариқ-сарғиш, оқ-оқиш ва умумий феруза кўринишидаги уйғунлиги асарга ажиб бир мусиқавий кайфият бахш этган.

Ориф Муинов 1996 йили рассом-

лар орасида биринчилардан бўлиб, «Бибиҳоним» сиймосини яратди ва кўрғазмаларда намоиш қилди. О.Муинов тасвиридаги Бибиҳоним ўша давр маликалари қиядиган ноёб бош кийим, ял-ял ёниб турувчи безакдор либосларда акс этган. О.Муинов «Бибиҳоним»и З.Фахриддинов тасвирлаган «Бибиҳоним»идан кескин фарқ қилади. О.Муинов тасвирлаган «Бибиҳоним» чехрасидан ўта жиддий, айна вақтда оқила ва доно аёл эканлиги унинг тадбиркорларга хос қарашларидан, ҳаё билан ўй суришларидан кўриниб туради. О.Муинов Бибиҳоним образига яна бир қарра муружаат қилди. Бу дафъа рассом маликани йирик картина кўринишида ифодалади. «Соҳибқирондан мактуб» деб номланувчи ушбу рангтасвирда мусаввир ҳукмдордан келган мактубни канизаклари гувоҳлигида ўқиётган Бибиҳонимни бутун бўй-басти билан маҳобатли кўринишда тасвирлаган. Асарда малика ўта босиқ, айна замонда чуқур ўйга толган, соҳибқироннинг жангу жадалларда юришлари, бирма-бир худди кино

лентасидаги каби кадрлар кўринишида кечади. Пойтахт Самарқанд донишманд аёл раҳбарлигида осойишта эканлиги илмий манбаларга таянган ҳолда ишланган. Бу асар миллат тарихи учун қайғураётган мусаввирнинг тарихимизнинг бир парчасини тиклашга қўшган улкан ҳиссасидир. Тиниб-тинчимас рассом 1999 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида яна бир тарихий аёл образини яратди ва уни «Тўмарис чехраси» деб номлади. Асарда Эрон шоҳи Кирни мағлуб этган Тўмарис, жанговар, айна чоғда тинчликпарвар йўлбошчи, оқ либосда, кўлидаги қиличи ерга туширилган ва осуда ҳаёт ҳақида ўй суриб турган ҳолатда тасвирланган.

Кўриб турганингиздек, мустақил Ўзбекистон рассомлари ўзбек аёллари образларини турли даврларда, турли кўринишларда, пишиқ ва ранг-баранг композицион ечимларда, таъсирчан ранглар ҳамоханлигида тасвирлашга интилишмоқда.

Тўлқин АҲМЕДОВ,
санъатшунос.



Р.Худойбергенов. «Ҳамшира»

ШОИР ЗОРИЙ МУМТОЗ АДАБИЁТИДА

Ўзбек мумтоз адабиётида мавлоно Муқимий яратган дилбар ғазаллар, халқчил мухаммаслар, реал ҳаётни рўй-рост тасвирловчи ҳажвлари маънавий меросимизнинг бир қисми бўлса, унинг таъсири остида шаклланган Кўқондаги адабий мактабнинг вужудга келиши унинг адабиётга қўшган яна бир улкан ҳиссасидир. Мавлоно Муқимий адабий мактабнинг кўзга кўринган намоёндаларидан Усмонхўжа Зорий истеъдодига ўз даврида юксак баҳо берган эди. Нозик лирик ва ҳажвгўй шoir ҳақида бугунги кунда бир қадар маълумот ва манбаларни қўлга киритишга муваффақ бўлдик.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Пўлатжон Қайюмовнинг «Тазкирайи Қайюмий» асари шoir таржимаи ҳоли ва шеърларидан намуналар берувчи мўътабар манбадир. Тазкирада айтилишича, Зорий 1910 йилда 76 ёшида вафот этган. Шунга кўра, шoir таваллудини 1833-34 йиллар деб белгилаш мумкин.

Усмонхўжа Зорий Искандархўжа ўғли Кўқон шаҳрининг Сармозор даҳаси Рустамбек Ҳалакижон маҳалласида туғилади. Собир Абдулла уни Чархи Девона маҳалласида туғилган, деб ёзади. Бунинг боиси шуки, шoir бир жойда кўним топмай, турли жойларда ҳаёт кечирган.

Усмонхўжа илк саводини чиқаргач, Кўқондаги Норбўтахон мадрасасида таҳсил олади. Унинг отаси Искандархўжа масжид, мадраса ва меҳмонхоналарга нақшинкор дарвоза ясайдиган уста бўлган. Муқимий хужрасидаги ўйма хат дарвозанинг Искандархўжа томонидан ишланганидан далолат беради.

Усмонхўжа яна сандиқсозлик ҳунари билан шуғулланиб умр кечиради. Зо-

рийнинг ташқи кўриниши, шахсий ҳаёти, табиати, айрим хусусиятлари ҳақида Қайюмий тазкирасида куйидагича тавсиф берилади: «Тўла қоматли, узун соқолли, содда кийимли, ўрта ҳол, оқ юзли, шoirлик ярашиб тушган, фозил, хуштабиат, таъби нозик истиғноли киши эди. ...Арзимаган хато тўғрисида кўнгли қолар экан». Шoir Зорий мусиқадан хабари бўлган ва халқ мақомларини билган.

Собир Абдулла ўз мақоласида Зорийга ичкўёв бўлган Турсункул Шодиевнинг шoir ҳақидаги эсдалигини келтиради. «Тазкирайи Қайюмий»да эса шoirнинг набиралари Боисхон Қодиров ва Боситхонлар ҳақида маълумот бор. С.Абдулланинг маълумотига қараганда, Зорийнинг қизи вафот этгач, кўёв бу хонадондан кетади. Кекса, меҳрга муҳтож шoir ёлғиз қолади. Унинг «Зорий» деб таҳаллус танлаши ҳам бежиз бўлмаса керак. Айни вақтда уни ижтимоий ҳаётда рўй бераётган турли ўзгаришлар, муҳим воқеалар лоқайд қолдирмаган.

Усмонхўжа Зорий мумтоз адабиётнинг ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, рубоий каби жанрларида ижод қилган. Бугунги кунда шoir Зорийнинг асарлари асосан икки кўлёзма баён таркибида мавжудлиги аниқланди. Биринчи баёз Кўқон шаҳридаги Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт музейи «Ҳамза» филиали (инв. №Р 101-159)да сақланади. Иккинчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳмаджон Мадаминов шахсий кутубхонасидаги баёздир.

Зорийнинг биринчи дастхат баёзи шoirнинг ўз қўли билан ёзилган. Унинг муқовасида шoir Чархийнинг майда настаълиқ ёзувидаги изоҳи бор: «Ушбу кўлёзма шoir Усмонхўжа эшон Зорийнинг ўз дастхати. Бунга

шоҳид камина Чархий Хўқандий».

Баёзнинг тузилган йили ва жойи кўрсатилмаган. Ундаги шеърлар мазмунига қараб, шoirнинг кексайган чоғларида ёзилган, деган хулосага келиш мумкин.

Иккинчи баёз юз арақдан иборат бўлиб, у аввалги баёзга сон ва сифат жиҳатидан тўлдиради. Ушбу баёз аввалига тўрақўрғонлик Собитхон Тўрақўрғоний қўлида сақланган. Баёзнинг 84-саҳифасида унинг баёзи байтларининг ёзилган санаси 1915 йил 17 декабрь ҳамда байтлар ўқилиши қийин бўлса келиб сўрасинлар деган мазмунда манзили кўрсатилган.

Адабиёт музейидаги баёз билан қиёсланганда, Зорий шеърлари бу баёзда ҳам муаллифнинг ўзи томонидан ёзилгани маълум бўлади. Янги аниқланган ушбу баёз Зорий ижодининг серкирра ва шеърини тур жиҳатидан ранг-баранг эканини кўрсатади.

Зорий шеърятини мавзу жиҳатидан куйидаги таркибга ажратиш мумкин: ишқий; ҳасби ҳол; ижтимоий-сиёсий; диний шеърлар.

Мазкур мавзудаги қатор шеърлар билан танишганимизда унинг давр воқеаларига ҳозиржавоб бўлганини кузатамиз:

*Топулгайму жаҳонда мен каби
расвои бадкирдор,
Жафога ҳамнишини ғам била
меҳнатга хизматкор.
Гунаҳ олудаман афёол зиштига
ўзум икрор,
Ўтуб журму хатода ғафлат ила
бўлмадим хушёр,
Отинг, нарига, ташланг маъсият
табарига бегонман.*

Зорий ижодида Худоёрхон тақдирининг қаламга олиниши диққатга сазовор. «Афсусномаи Худоёрхон мухаммаси Зорий»да хоннинг ўз юртидан, оиласи, фарзандларидан айрилиб; гурбатда пушаймон чекаётгани ўз тилидан таъсирилли мисраларда баён этилади:

*Умр ўтти, худоё, қилгоним ҳою
ҳавас бўлдум,
Хамият қолмади, душман алинда
чун магас бўлдум.
Мажозий подшоҳ эрдим, ҳақиқат
урди — ҳас бўлдум,
Урусий домига туштум, гирифтори
қафас бўлдум,
Ўтубон бул ғариблик, гўйиё
жонимдан айрилдим.*

Шoir Зорийнинг халқчил мухаммаслари, замон холини рўй-рост тасвирлаган шеърлари, ўткир ҳажвлари ўша даврни янада чуқурроқ тасаввур қилишимизга ёрдам беради. Унинг шеърларида кўтарилган ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, ҳаётини-маиший масалалар бугунги кунда ҳам аҳамиятлидир.

Дилдора АБДУЛЛАЕВА.



Адиб Собир Термизий

Адиб Собир Термизий (1078-1147) ҳаёти ва ижодиётини ўрганиш шоирнинг ҳаётлик чоғиданоқ бошланган десак заррача муболага қилмаймиз. Шоирнинг замондоши, машхур аллома Рашидиддин Ватвот (1078-1178) айрим қасидаларида Адиб Собир хусусида аниқ маълумотлар битиб қолдирган. Ватвот қасидаларидаги қайдлардан Адиб Термизийнинг исми Собир, отасининг исми Исмоил ва лақаби Шаҳобиддин эканини аниқ билиб оламиз. Шоирнинг исми шарифига тиркаб ёзиладиган Адиб сўзи унга отаси номидан ўтган, зеро Собир Термизийнинг отаси Адиб Исмоил номи билан машхур эди. Шоир аслида ўз замонида Собир ибн Исмоил тарзида шуҳрат қозонган эди. Унинг тўлиқ исми шарифини Шаҳобиддин Адиб Собир ибн Адиб Исмоил Термизий дейиш тўғридир. Шоирнинг шеърятдаги камолоти ва истеъдодини замондошларидан Ватвот, Анварий ҳамда бошқалар кўп бор таъкидлайдилар.

Кейинги асрларга келиб, Адиб Собир ижодини қатор тазкиранавис уламолар ёрита бошладилар. Муҳаммад Авфийнинг «Лубобул албоб» (1221), Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш шуаро» (1486), Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон» (1488) асарлари шулар жумласидандир. Адиб Собир ижоди ХХ асрга келиб, кенг миқёсда тадқиқ қилина бошлади, унинг шеърияти таҳлилига жиддий эътибор берилди. Натижада Адиб Собир ҳақида Эрон адабиётшуноси Саид Нафисий (1896-1966)нинг тадқиқотлари юзга келди ва 1953 йили Техронда олим Али Қавим томонидан шоир девонининг илк наشري амалга оширилди.

Адиб Собир ижодиёти тадқиқоти

ва таҳқиқи соҳасида яна профессор Аҳмад Абдуллаевнинг илмий кузатишлари самарали бўлди. Аҳмад Абдуллаевнинг «Адиб Собир Термизий» (Душанбе. «Дониш», 1969) номли рисоласи анча чуқур қамровли бўлиб, шоир ижодий йўлини, услубини тайин этишда йирик манба ҳисобланади. Адиб Собир ижодини ўрганишда адабиётшунос олимлардан Х.Мирзозода, Ж.Эсонов ва Ё.Исҳоқовларнинг илмий кузатишлари ҳам таҳсинга лойиқдир. Адиб Собир шеърларини ўзбекчага ўгиришда Набихон Чустий, Э.Пардаев ва Жамол Камолларнинг хизмати катта бўлди. 1980 йилда эса Адиб Собирнинг 900 йиллигини жаҳон жамоатчилиги кенг нишонлади.

Адиб Собир Термиз шаҳрида туғилган ва ёшлик йилларини ўтказган. У дастлабки сабоқни ўз отаси Адиб Исмоилдан олгани аниқ, сабаби шоирнинг падари бузруквори замонасининг донишманд илм ахлларидан бири эди. Лекин Адиб Исмоил Термизийни Низомий Арузий Самарқандий (XII аср)нинг «Чаҳор мақола»си (1156)да хабар берилган машхур табиб Адиб Исмоил Ҳиравий билан адаштирмаслик керак. Адиб Собирнинг отаси исмига кўшиб айтиладиган «Адиб» истилоҳи бекорга келиб чиқмаган.

Эҳтимол Адиб Исмоил ҳам ижод билан машғул бўлган ва замондошлари даврасида нуктадонлиги билан ажралиб турган кўринади. Ҳатто Адиб Собирнинг ўғли Али ибн Адиб Собир ҳам дурустгина шоир бўлганини Ватвот ўз макотибаларидан бирида тасдиқлайди. Ватвотнинг гувоҳлигича, Адиб Собирнинг ўғли Али буюк шоир Ватвотга иккита қасида ёзиб келтирган, улардан бири Алининг ўзиники, бошқаси отаси — Адиб Собир қаламига мансуб

экан. Бу қасидаларга Ватвот жавоб ёзади, айна пайтда, шу қасидаларга хоразмлик машхур соҳибдевон шоир Яъқуб бинни Сайр ҳам пайров қилади. Бу ҳодисалар Али ибн Адиб Собирнинг етук шоир эканини аниқ исботлаб турибди, бу қасидаларнинг бири арабийда битилган экан. Юқоридагилардан англашадими, Адиб Собир ҳам, унинг ўғли Али ҳам бемалол араб тилида ижод эта олганлар. Буни Ватвотнинг куйидаги байтлари тўлиқ қувватлайди:

*Ҳар замон хомаи ту дар ду забон,
Ақро гашта таржумони хунар.*

Мазмуни:

*Қаламинг икки тилда тенг ҳар
замон,*

*Ақлга санъаткорона эрур
таржимон.*

Шоир яшаган замон учун араб тили ҳануз илм-фан ҳамда маълум маънода шеърят тили эди, демак, ўша муҳитда араб тилида шеър ёзиш, умуман, ижод этиш ҳеч кимни таажжубга солмасди. Чунончи, Ватвот Адиб Собир ҳақида бундай дейди:

*Назму насре, ки дар таровату
лутф,*

Ҳеч гуше назире он нашуд.

Ватвот Адибнинг насрий асарлар ёзганига ишора қилмоқда, аммо ҳозиргача Собир Термизийнинг насрий асарлари аниқланган эмас. Собир Термизий муттасил ўттиз йил Нишопур раиси Абулқосим Али ибни Жаъфар хузурида хизмат қилади ва кейинги умри султон Санжар саройи (Марв)да кечганини яхши биламиз. Афтидан, шоир султон Санжар ва Нишопур ҳокимининг мактублар девонини бошқарган бўлиши мумкин ҳамда хушнависликда шуҳрат қозонган бўлса ажаб эмас. Собир Термизий котиблик бобида даврининг етук санъаткори даража-

сига етганлиги унинг замондошлари томонидан эътироф этилган.

Шоир бутун умри давомида турли шаҳарларда бўлади, шулардан Нишопур, Марв ва Гурганч (кўҳна Урганч) унинг ҳаётида чуқур из қолдирган. Шоир умрининг қарийб ярмини Нишопурда ўтказди, ижодининг асл дурдонасини худди шу ерда яратди. Шундан сўнг Марв ва Гурганч шаҳарларида султон Санжар (1118-1157) ҳамда Хоразмшоҳ Алоиддин Отсиз (1127-1156) саройларида хизматда бўлади. Собир Термизий Марвда бўлган кезлари Салжуқийлар хонадонининг амир-уш шуароси Муиззий (1049-1127) ва унинг атрофидаги бошқа шоирлар билан танишади, бу учрашувлар шоир ижодий камолоти учун фойдали бўлди. Собир Термизий султон Санжар саройида нуфузли мансаблардан бирида турган, у Салжуқийлар салтанати қудратини намойиш этувчи шахслардан бири эди, тўғрироғи, бу сулоланинг кўзга кўринган давлат арбобларидан эди. Шунга кўра шоир султон Санжарнинг ишонч қоғози билан Хоразмга Алоиддин Отсизнинг юртига элчиликка жўнатилади. Бу воқеалар 1141-1147 йиллар оралигида рўй беради. Адиб Собир Гурганчда тахминан олти йиллар бўлиб, Хоразмшоҳ Отсиз саройида хизмат қилади, шоирнинг Отсизга бағишлаб ёзган қатор қасидалари мавжуд.

Тарихдан маълумки, султон Санжар ва хоразмшоҳ Отсиз муносабатларига совуқлик аралашган эди. Ана шунга кўра султон Санжар бебош хоразмшоҳ Отсиз ҳаракатларидан бевосита воқиф бўлиб туриш мақсадида Адиб Собир Термизийни элчи қилиб жўнатган эди. Султон Санжарнинг бу ҳаракатларини хоразмшоҳ Отсиз яхши билар ва ўз навбатида Собир Термизийни кузатиб юриш учун хуфия одамлар тайин қилган эди.

Хоразмшоҳ сиртдан султон Санжар билан яхши муносабатлар тарафдоридек кўринса-да, зимдан Салжуқ султониға қарши фитналар ҳозирлар эди. Шундай фитналардан бири султон Санжарнинг жонига суиқасд учун Отсиз икки ёлланган жосусни Марвга жўнатади ва улар режага кўра султонни жума намози куни масжидда ўлдиришлари лозим эди. Адиб Собир фитнани фаш этади. Бундан хабар тогган Отсиз жунбушга келади ва фитна режасини бузган шоирни 1147 йили Амударёга фарқ эттиради. Ана шундай қилиб

Адиб Собир Термизий ҳаёти фожиали хотима топади, шоир тахт ва тож талашларининг қурбонига айланади.

Адиб Собир Термизийдан катта бадий мерос сақланиб қолган, бизнинг давримизгача безавол етиб келган шеърлар девони таркиби куйидагича: 126 қасида, 7 таркиб-банд, 67 ғазал, 162 қитъа, 88 рубоий. Шоир шеърляти ўз давридаги адабий доираларда эътирофини топган эди, унинг фалсафий қасидалари ва гўзал ғазаллари замондош шоирларни лол қолдирган эди. Шоир шеърляти ўз таровати билан бадий адабиёт хазинасини чексиз дурдоналарга беади, бадий адабиётни чинакам бойитди. Адиб ижодий бисотидаги ўйноқи ташбехлар ва таносиблар ўзига хослиги билан диққатни жалб этади:

*Чехраи боғ заъфароний гашт,
Гунаи бод арғувоний гашт.
Дўстон тарки бўстон гуфанд,
Жашни навруз, мехргоний гашт.
Гули худруй рўй пинҳон кард,
Булбул аз шохи гул ниҳоний гашт.
Боғбон роҳи пеш гирифт,
Пешаи зог боғбоний гашт.
Зинда кун айшро ба жоми шароб,
Ки шароб оби зиндагоний гашт.
Мазмуни:
Боғнинг хусни заъфарон бўлди,
Еллар ранги арғувон бўлди.
Боғни тарк этдилар дўстлар,
Наврўз кетиб, мехргон бўлди.
Беркитибдур юзин қайсар гул,
Булбул энди йўк, ниҳон бўлди.
Кетди боғбон номаълум томон,
Энди қарға боғбон бўлди.
Май билан айшингни сур, эй, шоир,
Бода ичар бир замон бўлди.
(Маҳкам Маҳмуд таржимаси)*

Инсон ва табиат фалсафаси, инсон ва умр фасллари, ёшлик, йигитлик, ўрта ёшлик, кексалик, йил фасллариға мэнгзалиб, фаслнинг хазон палласи айни нишонга олинмоқда. Хазон (куз) фаслида табиатнинг ўзгариши, сўниши, тушкунлик бир ҳолати ва, ниҳоят, ҳаёт шароитига интилиш, интиқлик, илҳақликнинг хос таровати ўзгача тасвир, бўёқларда намоён бўлмоқда.

Адиб Собир шеърляти асрлар оша ўз доврўгини таратиб келди ва унинг мислсиз фалсафаси ҳамда теран голялари кишиларда олам-олам масрурлик бахш этади.

**Бобоназар МУРТАЗОВ,
Парда ОЛИМОВ,
Термиз дорилфунуни
доцентлари.**

Донолар бисотидан

Қарилар ҳолиға боқ лутфинг
кўзидин, эй йигит,
Ким, камоли хусн ожизлар
дуосидин сенга.

ОГАҲИЙ.



Улуғлар билан ошно бўлғайсен,
Агар не деса сен ризо бўлғайсен.

ХИРОМИЙ.



Мунис, талаб эт камол — эрусен
чу йигит,
Ким яхшидур этса фазл учун қайғу
йигит.

Ўқ қилғон ишни ёй қила билмас
ҳаргиз,
Қарилар ила баробар ўлғайму
йигит.

Мунис ХОРАЗМИЙ.



Кичикка улуғлик улуғдан тегар,
Улуғга етиб иш кичик қут топар,
Улуғлар сўзин тут, амал қил, югур,
Улуғ сўзин олган тилакка етар.

ХЎЖАНДИЙ.



Кимки, улуғроқ — анга хизмат
керак,
Кимки, кичикроқ — анга шафқат
керак.
Тутқил анинг ҳурмати ичра зарур,
Қоидаи нуқтаий хайрул-умур.

Алишер НАВОИЙ.



Қайсар одам бурдсиздир, бехунар,
Хуштавозеъ кимса доим мўътабар.
Мевасиз шоҳ осмонга тармашур,
Мевалик шоҳ бўлса ерга энгашур...

Абдурахмон ЖОМИЙ.



Дағал дили доим эзилган
бўлур,
Талаб йўли унга тўсилган
бўлур,

Ёмон, яхши билан ким
келишолса,
Дили шоду ғамдин қутулган
бўлур.

Паҳлавон МАҲМУД.



Солижон ҚУРБОНОВ

Сад бор ба Ҳаж рафтани хожи
накунад суд;
Як бор ҳамон беҳ ки кунад роҳи
Сафоро.
(Ҳожи юз бор Ҳаж қилгани билан
фойда толмайдиган,
Бир бор Сафо йўлидан юрса ана
шу яхши).

Юқоридаги сатрлар муаллифи Носир Бухорий форс-тожик адабиётининг XIV аср бошларида яшаб ижод этган йирик вакилларидан бирidir. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий «Маҳбул-қулуб» асарида Носир Бухорий номини замонасининг машҳур шоирлари қаторида тилга олади: «Яна жамъе бордурки, мажоз тариқи адоси алар назмига голиб ва алар бу шевага кўпроқ роғибдурлар. Андоққим Камоли Исфохоний ва Ҳоқонийи Шервоний ва Хожуйи Кирмоний ва Мавлоно Жалолиддин ва Хожи Камол ва Анварий ва Заҳир ва Абдулвосиё ва Асир ва Салмони Соважий ва Носир Бухорий ва Котибийи Нишопурий ва Шохийи Сабзаворий».

Шоир Носир Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди ҳозирга қадар чуқур ўрганилмаган. Турли тазкира, тарих китобларидаги ва Оврупо олимларининг шоир ҳақидаги қисқа маълумотлари бу борада етарли эмас. Наманган, Душанбе, Санкт-Петербург, Боку, Тошкент шаҳарларидан Носир Бухорий девони нусхаларининг топилиши шоир меросини ўрганишга бирмунча имкон яратди.

Носир Бухорийнинг туғилган йили маълум эмас. Фақат шоир девонидаги шеърлар мазмунини ўрганиш орқалигина Носир Бухорий ҳаётининг айрим қирраларини ёритиб бериш мумкин. Шоир ёшлик йиллари Бухородаги Доруломон мадрасасида Ҳамидулло исмли муаллимдан таҳсил олган ва замонасининг етук илмли кишиларидан бири бўлиб етишган.

Лекин шоирнинг она юртидаги тинч ҳаёти узоққа чўзилмайди. Мўғулларнинг бир ярим асрлик ҳукмронлиги Мовароуннаҳр халқи бошига жуда оғир кулфатлар солди. Носир кўпчилик замондошлари каби мўғулларнинг истибдоди туфайли дарвеш жомасини кийиб сафарга чиқиб кетади. Шунинг учун ҳам у тарихда дарвеш Носир номи билан машҳур. Тазкиранавис Давлатшоҳ Самарқандий 1486 йили ёзган «Тазкират уш-шуаро» номли машҳур асарида у ҳақда шундай ёзади:

«Дарвеш Носир Бухорий, унга тангрининг раҳмати бўлсин, фозил киши эди ва унинг шеърлари ҳақиқийликдан холи эмас эди. Унинг сўзларидан фақирлик бўйи келарди, у дарвеш либосида ҳаммаша саёҳат қилиб юрарди. Унда дунёвий нарсалардан наमत қалпоқ, чопон ва китобдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди».

У умрининг кўп қисмини Шерозда

ўтказди. Шероздан бошқа Шарқ мамлакатларига (шеърларида Хоразм, Самарқанд, Бағдод, Табриз, Хижоз, Миср, Қуддус, Ироқ, Басра, Рай, Широз, Яман шаҳарларини тилга олади) ҳам саёҳат қилиб шаҳарма-шаҳар кезади.

Носир Бухорийнинг вафот этган йили туғрисида шарқ ва ғарб олимларининг маълумотлари турлича, яъни тарихий манбаларда 771, 773, 779 хижрий (1371, 1373, 1377 мелодий) йил деб кўрсатилган. Шоир девонини синчиқлаб ўрганиш натижасида девондаги Султон Увайсга бағишланган қасидасида:

Сол бор ҳафт саду ҳаштоду ду аз
хижрат буд,
Кин муборак басар омад ба
тариқи эъжоз,
(Йил етти юз саксон икки хижрий
эди,
қисқаси бу муборак йилга ҳам
етиб келдим), дейди.

Демак, шоир хижрий 782 (1380, 1381) йилда ҳаёт бўлган. Бу эса юқоридаги тарихий манбалардаги саналарнинг барчасини рад этади. Тадқиқотлар натижасида шоирнинг девонлари Наманган, Душанбе, Санкт-Петербург, Техрон, Тошкент шаҳарларида ва Боку шаҳрида «Хидоятнома» номли маснавийси сақланаётганлиги аниқланди. Кейинчалик барча девонлари ичида Наманган девони тўлиқроқ ва сифатлироқ эканлиги маълум бўлди. Шоирнинг Наманган шаҳридан топилган девонида 460 ғазал жойлаштирилган. Қасида, таржибанд, рубоийлар билан ҳаммаси бўлиб 7000 байтга яқин шеърларни ўз ичига олади. Девон 250 варақдан иборат бўлиб, 858 хижрий (1454 йил) йили Шерозда Маҳмуд котиб деган хаттот томонидан кўчирилган.

Иккинчиси Тожикистон Республикаси Фанлар Академиясининг шарқшунослик бўлимидаги девон. Бу девонга 2 шоир (Котибий ва Носир)нинг ғазаллари жойлаштирилган. Носирнинг ғазаллари Котибий девонининг ҳошиясига битилган. Девонда ғазаллардан ташқари 767 хижрий (1365 йил) йилда ёзилган маснавий (бошланиши йўқ), таржибанд берилган. Девон 233 варақдан иборат бўлиб, 850 хижрий рамазон (1446 йил) ноябрь-декабрь ойларида кўчирилган. Жами 292 та ғазал жойлаштирилган. Бу ғазаллардан 178 таси Наманган девонида мавжуд. 114 таси янги топилган ғазаллар ҳисобланади. Душанбе девони Наманган шаҳридан топилган шоир девонидан 7-8 йил аввал ёзилганлиги маълум бўлди.

Учинчи девон — Эрондаги Техрон университетининг марказий кутубхонасида сақланаётган Носир Бухорий девони. Муҳаммад Тақи Дониш Пижухнинг маълумотига кўра, бу кўлёмзада Носирнинг 3320 га яқин байти мавжуддир. Девоннинг охи-

Носир Бухорий девони

рида берилган:

Носир агар аз дард бинолад
ажабест нест
(Носир агар дарддан нолиса
ажабланарли эмас),

матлаби билан бошланувчи газали Наманган девонининг 144 варағида берилган. Девон 1304 йили Мирзо Оғо Муҳаммад Али бин хожи Нажафтали Ҳамадоний томонидан кўчирилган.

Тўртинчи девон — Санкт-Петербург Фанлар Академияси шарқшунослик бўлимида сақланаётган девон. Мазкур қўлёзмада шоирнинг 43 та газали жойлаштирилган. Шундан 25 таси Наманган девонида, 7 таси Душанба девонида борлиги аниқланди. 11 таси янги топилган газалдир. Қўлёзманинг кўчирилган йили кўрсатилмаган.

Бешинчиси — Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган девон. Бу қўлёзмада шоирнинг 18 та газали мавжуд бўлиб, шундан 13 таси Наманган девонида, 3 таси Душанба девонида, 1 таси Санкт-Петербург девонидаги қўлёзмада берилган. 1 газал янги топилгандир.

Шоирнинг лирик газалларидан ташқари Боку шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида «Ҳидоятнома» деб аталувчи маснавийси сақланмоқда. Маснавий қитъа ва рубоийларнинг ҳаммаси бўлиб 1200 мисрага яқин. Китоб жами 32 варақдан иборат бўлиб, 864 хижрий сафар ойининг ўрталарида (1459 йил декабрь), татот ибн Абубакр Тобон томонидан кўчирилган. Лекин маснавийнинг ёзилган йили берилмаган. Бу китобнинг кўчирмасини олиб келиб Душанбеда сақланаётган тўлиқ бўлмаган маснавий нусхаси билан солиштирган эдик, ўша маснавийнинг айнан ўзгинаси бўлиб чиқди. Бу маснавийнинг ёзилган йили Душанбе девонида кўрсатилган.

Шуд ин нома бар номи маймун
тамом,
Рисолаи араб ҳафт саду шасту
ҳафт.

(Бу рисола етти юз олтимиш
еттинчи йили,
яхшилиқ билан тамом бўлди).

Шоирнинг бу маснавийси ҳам қадимги қўлёзмалардан бўлиб, Наманган девонидан олти йил кейин кўчирилган. Носир Бухорийнинг жами ўн минг байтдан кўпроқ шеърӣй мероси сақланиб қолинганлиги маълум бўлди. Унинг девонида форс-тожик адабиётида қадимдан мавжуд бўлган поэзиянинг ҳамма жанр намуналари келтирилган. Уларда Фирдавсий, Анварий, Умар Хайём, Саъдий Шерозий, ва Зоир Фарёбийларнинг руҳи сезилиб туради.

Носир аз гуфтаи ба тариқи
тазмин,
Арза деҳ гарчи меравад аз тарзи

Заҳир.

(Носир, Саъдий айтганларидан
тазмин тариқасида тақдим эт,
Гарчи сўзларинг Заҳир уллубидан
келиб чиқаетган бўлса-да.)

Оврूपо шарқшунос олимларидан Ян Рипка «История персидской и таджикской литературы» деган асаридан Носир Бухорий ижодига юксак баҳо бериб, унинг асарларининг ғоявий мазмуни Ҳофиз ижодининг ғоявий мазмунига яқин туради деб таъкидлаб ўтади. Дарҳақиқат, ҳар икки шоирнинг девонини кўздан кечирганимизда ёзилган мисралар, байтлар, ҳатто газаллар мавжуд эканини кўрамиз. Масалан: Носир Бухорий:

Масжиду майкада дар мулки Худо
ин ҳаме хаст,
Фиску пинҳонию зуҳди бериё
ин ҳаме хаст.

(Масжиду майхона худонинг мулки
бу — ҳаммаси мавжуд,
Фиску пинҳони-ю мунофиқона художўйлик бу ҳаммаси мавжуд.)
Ҳофиз Шерозий:

Ҳосили корғахи кавну макон ин
ҳаме нест,

Бода пеш ор, ки асбоби жаҳон ин
ҳаме нест.

(Жаҳоннинг маҳсули, борлигу
йўқлик бу ҳеч нарса эмас,
Бодани олиб кел, жаҳон ашёси бу
ҳеч гап эмас.)

Машҳур форс шоири ва олими Муҳаммад Тақи Баҳор «Сухан» журналида босилган мақоласида Носир Бухорийнинг юқоридаги газалини келтириб, бу газалнинг Ҳофиз Шерозий газали билан ҳамоҳанг эканини кўрсатади. Ушбу газал жавоб тариқасида ёзилган бўлиши ҳам эҳтимол, деб ёзади олим.

Биз Носир Бухорий девонини варақлаганимизда, шоирнинг она-Ватани Бухоро шаҳрини тез-тез тилга олганининг шохиди бўламиз. У она-ватанини зўр муҳаббат ва эҳтирос билан эслайди:

Саломи ман бирасон, эй сабо
Бухороро,

Бигу таҳийяти Мажнун диёри
Лайлоро,

З-кўҳқан хабари суи қасри
Ширин бар,

Ки дил гирифт ба кўҳ он ғариби
танҳоро.

(Эй сабо, менинг саломимни
Бухорога етказ,
Лайлининг диёрига Мажнуннинг
саломини айт.

Шириннинг қасри томон тоғ
қазувчининг хабарини олиб бор,
У танҳо ғариб тоғ-тошларда кезиб
юрибди, де.)

Шоир ўзи туғилиб ўсган диёрини Хоразм, Самарқанд каби Шарққа донги кетган шаҳарларни жуда кўп ўринларда тилга олади. Бутун умрини сарсон-саргардонликда ўтказган шоир ўзга юртларда юрар экан, ўзини жаҳаннамда юргандай ҳис этади.

Маснавийларидан бирида сабога мурожаат қилиб, дил номасини Хоразмга, дўстларига етказишни ҳам-да Носир номини уларга айтишини илтимос қилади:

Саҳарғах бо атрофи Хоразм шав,
Бар остон номи Носир бигуӣ.

(Саҳар пайтида Хоразм атрофида
бўл,
У остонада Носир номини тилга
ол.)

Шоирнинг ишқий ғазаллари, май ҳақидаги шеърлари ҳам ниҳоятда етук асарлардир. Уларда дунё гўзаллиги илоҳий хусннинг акси, ғояси сифатида талқин қилинади.

Носир Бухорий бирор кимсага озор бериб, мол-мулкка эга бўлишни қаттиқ қоралайди. У инсон шарафини улуглайди ва ер юзидан «Инсон» деган улуг номга ҳеч нарса тенг кела олмайди дея тушунади:

Ба озори кас мулки дунё мағир,
Ки дунё наярзад ба озори кас.

(Кимсага озор бериб дунё
мулкани олма,

Кимсанинг озорига дунё арзимас.)
Шу боис ҳар бир инсонни замонасининг ўқимишли кишиси бўлишни орзу қилади ва илм олишга қақиради:

Хокистари агар ту дар хоки тийра
монӣ,

Хоҳи, ки шуъла гардӣ бар осмон
илм зан.

(Сен агар қора тупроқда қолсанг
бир қулсан,

Агарда осмонда шуъла сочмоқчи
бўлсанг илм ўрган).

Шоир сарсон-саргардонликда яшар экан, мамлакатда адолат ва инсоф қолмаганлигидан, илм-фаннинг оёқ ости қилинганлигидан афсус чекади:

Носир инсоф дар жаҳон маталаб,
Кори дониш замин фуру бурданд.

(Носир жаҳонда инсоф ахтариб
юрма,

Илм-фан ишларини ер ютиб
юборади).

Шоир ўз замонасида золим, лаганбардор ва тилёғламачиларгина шод-хуррамликда яшаб, фақат уларгина тақдирланишини кўради. У ноқаслар хизматини қилиб, қорин тўйдириб юришдан кўра, ўз меҳнати эвазига топилган нонни аёло кўради ва уни миннатсиз деб билади.

Шундай экан, таъмани ўтда куйдир, номард ва паст кишилар олдида бўйинингни эгма, тиз чўкма, дейди шоир.

Носир Бухорий инсонпарвар шоир эди. У ўз шеърларида садоқат, вафо, дўстлик, камтарлик, ҳалолликни куйлайди. Унинг бу юксак инсоний туйғулари ҳозирги кунда ҳам қадрлидир.



Мавлоно... йўлида

Истеъдодли шоир Саййид Неъматуллох Иброҳим шеърларида Мавлоно Жалолиддин Румий, Шоҳ Машраб ва Фузулий ғазалиётининг баланд оҳанги, теранлиги ва ўйноқилигининг таъсири сезилиб туради. Шоир мумтоз адабиётимизнинг кўп асрлик улкан мактаби сир-асрорларини сабот билан ўрганади. Бугун миллий қадриятларга, мумтоз шеърятимизнинг нафосат ва фасоҳатига ташналик теран маънавий-бадиий асарларга эҳтиёж истеъдодли шоир шеърларини мазмунан ва шаклан мукамаллик ва тўқислик билан зийнатлашга ундайди. Ушбу масъулиятни чуқур англаган шоир ўз шеърларида мўтабар зотлар руҳидан олган илҳом ва завқини тараннум этади. Қуйида ана шу завқ ва шавқ меваси бўлмиш ғазаллардан намуналар ўқийсиз.

Тахририят

Неъматуллох ИБРОҲИМ

«Мавлавиълар наздида роҳ истиқомат...» (Бедилона)

Не иложим, ишқ аро бу дил куяр,
Зикрин айтсам, ҳар каломда тил
куяр.

Ошиқ эрсанг, жисму жонинг ўт эрур,
Ринд қайд бўлса, боқ, маҳфил куяр.

Соғинар дил лаҳзада Лайлим, сени,
Кўрқадирман, оҳ десам, маҳмил
куяр.

Ўт солур жисмим аро оташ нигоҳ
Сурма чекмоқ бўлса, кўзга, мил
куяр.

Пеша қилса ким муҳаббат дарсини,
Эй мударрис, сўзламанг, таҳсил
куяр.

Бу малоҳат сеҳрини гулханга ё
Нурга ташбеҳ айласам, тамсил куяр.

Хайфики, руҳни қилса тарк
маҳмурлигим
Кўзларимда икки олам зил куяр...

Билмиз қўйини!

Дўстлар, бул кеч мени
ҳамдард билан ёлғиз қўйинг,
Ё жудолик ичра ранги
зарб билан ёлғиз қўйинг

Ҳасратим тўқмоққа тунда
топмасам жўмард касе.
Кўнглим ичра ишқдек чўнг
дард билан ёлғиз қўйинг.

Майли, ялдо бўлса бул шаб —
Қарбало наздимдадир,
Уйғотай Мажнунни оҳи
сард билан ёлғиз қўйинг!

«Хамса» бўлса, келтиринг,
Фарҳодни додим тиргизар,
Сурсин ул ширин хаёл,
ул мард билан ёлғиз қўйинг.

Севганим нодири Кайҳон,
фард ҳам фарзонадир.
Ё уринг кўксимга тиг,
ё фард билан ёлғиз қўйинг!

Шамс Мавриъий байни

Ғам ўзим, шодлик ўзим, ҳам «оҳ»
ўзим,
Зиндалиқда роҳ ўзим, гумроҳ ўзим.

Менга сирдош дўст бермас
анжуман,
Хилват ичра кўнглима ҳамроҳ ўзим.

Бир Зулайҳодай парининг маҳбуси
Юсуфи Канъон ўзим, ҳам чоҳ ўзим.

Ҳар нафасда ғам жароҳат қолдирар,
Дард ўзим, дармон ўзим, жарроҳ
ўзим.

Инфийолда умри кечган бедилу
Ҳам жаҳолат бирла тўлган жоҳ ўзим.

Руҳ аро ёлғизлигим бир мулк эрур,
Тахт ўзим, пойтахт ўзим, даргоҳ
ўзим!

Бул халойиқ англамас дарди дилим,
Кўнглим ичра ҳам гадо, ҳам шоҳ
ўзим.

Ишқ аталмиш мамлакат саҳросида
Бўлса танҳо бир фақир, биллоҳ
ўзим...

Хабар сўрдим

Келурму нур дебон ҳар кун
Сабодин хуш хабар сўрдим.
Хабар қайда, бу ишқ саҳросида
Ғамдин хатар сўрдим.

Хаёлимда хаёлдай кенг
Чаманларда бўлиб восил.
Чўмиб сочлар аро беҳуд
У лаблардин шакар сўрдим.

Ҳижоб тутмиш булут кўқда,
Куёш кўксимга нур сочмас.
Қуритмоқ истабон ашким
Нигоҳидин шарар сўрдим.

Изин ўпдим, изн
Бергаймикин деб ўз ҳузурига.
Вафо сўрдим мен ул ёрдин
Ки биллаҳ, бесамар сўрдим.

Бу оламда ҳажрдин мен
Басе кулфат чекар бўлдим.
У оламда муҳаббатдин
Ўзимга болу пар сўрдим.



Типологик нисбат категорияси

Ҳар бир халқ тилида маъноларни ифодаловчи сўзлар бир-бирига нисбатан қандайдир алоқадорликда жойлашади. Типологик нисбат барча тилларга хос бўлиб, турли тил қатламларига мансуб воситалар билан субъект ва объект ўртасидаги муносабатларни ифода этади. Мазкур ифода воситалари феъл-кесим атрафида мос грамматик шаклда бирлашган бўлади. Яъни, бу нисбатлар маълум ҳаракат ким томонидан ва кимга, нимага нисбатан қилинаётганини англатади.

Типологик нисбат категориясининг асосий ташкил этувчиси бўлиб грамматик нисбат категорияси хизмат қилади. Бу грамматик категория нисбат маъносини берувчи грамматик шакллар ва турли нисбат маъноларининг йиғиндисидан иборат бўлади. Нисбат майдонининг бошқа воситалари, яъни нисбат маъносини ифода этувчи бошқа воситалар, яъни синтактик воситалар, лексик ва сўз ясаш воситалари мазкур майдоннинг қўшимча унсурлари ҳисобланади.

Нисбатшуносликнинг туркологияда энг жумбоқли соҳаларидан саналмиш масалалардан бири нисбат ясовчи қўшимчаларнинг табиатидир. Кўпинча мазкур тилларда ясалаётган нисбат шакллари, яъни ўзлик, каузатив биргаликда нисбат шакллари айрим тилшунослар томонидан сўз ясовчи қўшимчалар тарзида талқин қилинади ва мос равишда бу каби нисбат ҳолатлари грамматикага тегишли эмас, балки лексика шугуланиши керак, деган фикр билдирилади. Бу фикрга эътироз билдиришимизга сабаб шундаки, асосий бир ўзақдан ясалган турли негизларнинг грамматик томондан тегишлилиги номаълум бўлиб қолади.

Масалан: «кўрмоқ» феъли билан «кўрсатмоқ» феъли бир феълми ёки бошқа-бошқа феълми?

Агар «кўрмоқ» бир феълнинг аниқ нисбат ва «кўрсатмоқ» каузатив (орт-

тирма) нисбатдаги шакли деб олсак, унда ҳамма нарса равшан. Аммо айрим тилшунослар «кўрмоқ» ва «кўрсатмоқ» феълларини турли феъллар деб қарайдилар, натижада «— сат» қўшимчаси каузативнинг қўшимчаси сифатида тан олинмай қолади. Бу ўринда фақат «— сат» эмас, бошқа барча қўшимчаларни ҳам келтирса бўлади.

Бундай қарашнинг келиб чиқишига ўзбек ва қирғиз тилларини бошқа рус ёки европа тилларига солиштириш ва ушбу сўзларнинг бошқа тилларда бошқа-бошқа ўзақдан ҳосил қилинган сўзлар билан берилиши ҳам сабабчи десак бўлади. Тилдаги у ёки бу грамматик ёки лексик категорияга баҳо берганда ўша тил воситалари, қонуниятлари нуқтаи назаридан ёндошиш керакки, бу қилинаётган изланиш, берилаётган таъриф ва чиқарилаётган ҳулосаларнинг тўғри ва объектив бўлишига олиб келади.

Бизнингча, нисбат маъносини берувчи ва шу орқали нисбат категорияси ясовчи қўшимчаларни сўз ясовчи қўшимчалар тарзида эмас, балки «шакл ясовчи қўшимчалар» тарзида талқин қилиш керак. Чунки улар ифода қилаётган маъно абстрактлашган грамматик маъно бўлиб, субъект — объект ўртасидаги муносабатларнинг турли хилини ифода қилади.

Қиёсланаётган тиллардаги нисбат категорияси бир-биридан шуниси билан фарқланадики, инглиз тилида нисбат категорияси, кўпроқ синтактик характерга эга, ўзбек ва қирғиз тилларида эса морфологик элементнинг аҳамияти кучлироқдир.

Типологик нисбат категориясининг семантик пландаги субкатегориал бирликлари қатор микрокатегориялардан ташкил топган, булар: активлик (аниқлик), пассивлик (мажхуллик), рефлексивлик (ўзлик), репирокатлик (биргалик) ва каузативлик (орттирмалик)дир. Булар нисбат типологик ка-

тегориясининг тиллараро мета — тили бўлиб хизмат қилади. Улар жумлада тил иерархиясининг турли бирликлари ёрдамида ифодаланиши мумкин: махсус нисбат ясовчи морфемалар; ноль морфемалар; сўз ясовчи морфемалар; ўзак — морфемалар, яъни аффиксал морфемалар қўшилмаган сўзлар; бутун бошли гаплар; сўз тартиби ва бошқалар.

Мажхуллик (пассивлик) категорияси иш-ҳаракатни субъектга томон йўналтирилган билдиради. Активлик категорияси каби пассивликнинг лексик инвентари: оддий, ясама ва қўшма сўзлардан ташкил топади.

Рефлексив категорияси субъект томонидан ўзига йўналтирилган иш-ҳаракатнинг бажарилишини билдиради, яъни субъект иш-ҳаракатни ўзи учун бажаради. Рефлексив формаларнинг субъекти бир вақтнинг ўзида мазкур иш-ҳаракатнинг объекти бўлиб ҳам ҳисобланади.

Морфологик усул ўзбек ва қирғиз тилларигагина хос бўлиб, бу тилларда рефлексивликнинг маркери бўлиб - (и)л ва - (и)н қўшимчалари хизмат қилади.

Масалан: безанмоқ, букилмоқ, ювинмоқ, жасануу, бугулуу. Бу суффикслар барча туркий тилларда полифункционалдир.

Биргалик категорияси бирон бир иш-ҳаракатни амалга оширишга биргаликда иштирок этадиган икки ёки ундан ортиқ иштирокчиларнинг мана шу иш-ҳаракатга бўлган муносабатини билдиради. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам агенс ва пациенс (ҳаракат таъсирида бўлувчи) вазифасида келади.

Биргаликнинг семантик табиати биргалик, ўзаро муносабат, ўзаро алоқа, ўзаро ишонч, ўзаро бир-бирини тушуниш, ўзаро ёрдам кабиларнинг икки ёки кўпроқ шахс, предмет, воқеа-ҳодиса, мамлакатлар ва ҳоказолар орасида мав-

жудлигини ифода қилишдан иборат бўлади.

Тиллар ўртасидаги изоморфизм биргаликнинг синтактик белгиланганлиги билан аниқланади ва инглиз тилида биргаликнинг морфологик воситасининг йўқлиги қиёсланаётган тиллар ўртасидаги фарқловчи белги бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тилида биргаликнинг морфологик белгиси бўлиб, -иш морфемаси қирғиз тилида эса -ат морфемаси хизмат қилиб, улар биргалик ва ҳамкорликни ифода қилади. Масалан, ўзбек тилида: улар кечкурун учрашишади. Қирғиз тилида: Алар кечинде (тунда) жолугушат. Қиёсланаётган тилларда бирлик-кўплик маъноларини ифода этувчи моделларнинг асосий вариантларининг сони 10 тага етиши мумкин ва улар қиёсланаётган тилларда изоморф характерга эга. Лексик усул ҳам изоморф моделларнинг мавжудлиги билан характерланади. Содда, ясама ва қўшма сўзлар бирламчи ва иккиламчи табиатга эга бирликлар саналади. Биргалик категорияси субъектларнинг биргаликдаги ёки коллектив иш ҳаракатларини билдиради. Маъносига кўра биргалик тушунчаси икки турга бўлинади:

бирламчи биргалик;
иккиламчи биргалик.
Биргаликнинг икки тури мавжуд:
субъектга алоқадор биргалик;
объектга алоқадор биргалик.

Субъектга алоқадор биргаликда иш-ҳаракатга бевоқифа дахлдор бўлган шахслар гапнинг грамматик эгаси бўлади. Объектга алоқадор ҳолатида эса, биргаликда иш-ҳаракат бажарувчилар кўпроқ тўлдирувчи вазифасида бўлади.

**Минюра
МАМАСИДДИҚОВА,**
Жалолобод Давлат
университети.



Неъмат УБАЙДОВ,
А. Навоий номидаги СамДУ
доценти.

Мирзо Улуғбекнинг

Хотин-қизларга

муносабати

«Улуғбек ... адолатли, қудратли ва мурувватли шоҳ бўлган эди...»

Давлатшоҳ Самарқандий

Тарих саҳифаларида Улуғбекнинг хотин-қизларга муносабатини акс эттирувчи ишончли маълумотлар учрайди. Сарой тарихчилари ўз солномаларида кўпроқ унинг давлат ишларига оид фаолиятини ёзиб қолдирганлар. Солномаларда фалакиёт султони ва ҳукмдорнинг қандай элчиларни қабул қилгани, нима ҳақида суҳбатлашгани, базм-зиёфатлар бергани тасвирланиб, Улуғбекнинг маънавий дунёси, оилавий ҳаёти баён этилмаган.

Соҳибқирон Амир Темуր хотин-қизлар ҳам эр-йигитлар сингари ўз хоҳишлари билан оила қуришлари, илм олишлари, хунарда, санъатда ўз қобилиятларини кўрсатишлари мумкин деб билган. Оддий фуқароми, шаҳзодами, бундан қатъи назар, эркаклар она, опа, сингиллар олдида бурчлидирлар, уларнинг бахти, осойишталиги, фаровон яшашини таъминлашлари зарур деб билиб, бу ишларда ўзи ўрناق бўлган. Маликаларнинг, бегим ва хонимларнинг саройлардагина эмас, байрамлар, улуғ айём кунларида халқ оммаси олдида ҳам очиқ юз билан кўриниши, меҳмон қабул қилиши, баъзи жойларда, ҳатто, элчилар билан музокара олиб бориши, шеъриятда, саз чалишда ўз қобилиятини намойён этиши, санъатда бошқаларга ҳомийлик қилиши шундан далолат беради.

Кастилия элчиси Руи Гонзалес де Клавихо «Амир Темуր саройига саёҳат кундалиги» асарида соҳибқироннинг ўғли Жаҳонгирнинг хотини Севинч бека (Хонзода бегим) ҳақида ёзади: «... Элчиларни ичкарига бошлаб кирдилар, Хонзода (бегим) ўлтирган жойга яқинлашганимизда у элчиларни ўз қаршисидаги соябон остидаги супага чиқиб ўлтиришга таклиф этди. Хонзода (бегим) ва унинг ҳузурдаги аёллар катта чодир эшиги олдидаги соябон остида ўлтирдилар... У (Хонзода бегим) бугун қариндошларидан бирининг никоҳ тўйини ўтказаяётган эди. Бегим кўринишида қирқ ёшлар чамасида, тўладан келган, оқ юзли аёл эди».

Бундан ташқари Ибн Арабшоҳ аслзода temuрий маликалар билан биргаликда оддий аёлларнинг ҳарбий жасоратларига ҳам юксак баҳо беради. Улар сочларини бурк-ду-булга остига олиб, йигитлардай шалвар кийиб, белларини кўк белбоғ ёки заррин фўта билан боғлаб от минганлар, отда туриб эркаклар билан басма-бас қилич, қалқон, найза ила жанг қилиш, камон отиш, рақибини қамчин билан уриб ёки бўлмаса ёқаси, билагидан ушлаб куч билан ағдариш каби мураккаб жангари курашларда куч ва маҳорат на-

мойиш этганлар, баъзида расмана курашга ҳам тушганлар...

Кастилия (Испания) кироли Генрих III нинг элчиси Самарқандда, Темур саройида бўлган Руи Гонзалес де Клавихо temuрийлар саройларида базму зиёфатларда эркаклар билан биргаликда хотин-қизларнинг иштирок этиши ва баланд мавқега эгаллиги ҳақида ёзади. Жумладан, 1404 йилнинг 23 октябрида Амир Темур ўрдада катта тўй бериб, элчиларни унга таклиф қилади. Тўйга кўп меҳмонлар келиб, ўйин-кулги, хурсандчилик бўлади.

Подшоҳнинг хотинлари, аввалги тўйлардаги сингари кийинишиб, ҳозир бўладилар, эркаклар билан бирга ўйин-кулги қиладилар. Шу билан бирга бу аёлларнинг зебу зийнатлари ҳақида «... бош кийими аёлнинг юзини ёпиб турувчи гарда билан кўшилиб кетган эди. Унда йирик-йирик ёрқин ва думалоқ марваридлар, ёқут, феруза ва яна ажойиб тошлар қадалган. Ниқоб зар билан тўкилган, аёлнинг пешонаси устида эса жуда кўп нодир тош ва марваридлар қадалган олтин гултож бор эди», деб ёзади Клавихо.

Амир Темурунинг аёлларга муносабати ҳам унинг олижаноблигидан далолат беради. У ўз хотинларига иззат-икром билан қараган. Жангларда асира бўлиб қўлга тушган аёлларга нисбатан уларнинг шаънига тегадиган йўл тутмаган. Соҳибқироннинг набираси Мирзо Улуғбек бобосининг «Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузуқларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир.

Заифаларни кўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин» деган васиятини ўзлаштириб, унга бир умр содиқ қолди.

Мирзо Улуғбекка Муҳаммад Султоннинг (1376-1403) қизи Ўғи (оға) Беги 1404 йили бобосининг тавсиси билан унаштирилган ва катта тантана ўтказилган. Бу тўғрисида соҳибқирон ҳикоятларида қуйидагича баён этилган: «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин тушурдим». Атоқли тарихчи Турғун Файзиёвнинг фикрига кўра, Мирзо Улуғбек 1409 йилда

тахтга ўтиргач, Ўғи Бегини ўз никоҳига олган бўлиши керак, чунки 18 август 1412 йилда Ўғи Бегининг кўзи ёради. Лекин Мирзо Улуғбек у билан узок яшамайди. Ўғи Беги 3 февраль 1419 йилда касаллик туфайли вафот этади.

Мирзо Улуғбек иккинчи бор Амир Темур даврида Чигатой улусининг хони Суйирғотмишнинг ўғли Султон Махмудхоннинг қизи Оқ Султон-Хон Огага уйланади ва уни ҳаддан ортиқ севиб, ўз сафарларида доимо бирга олиб юрган. Тарихчи Мирхондин хикоя қилишича, кунлардан бир куни Мирзо Улуғбек рамл (фол очиш) илмининг моҳир билимдони Муҳаммад Ардистоний билан суҳбат асносида ундан яқин келажакда содир бўладиган воқеалар ҳақида фол очишни сўраган. Суҳбатда Али Кушчи ҳам бўлгани туфайли, Муҳаммад Ардистоний «бўлажак воқеалар тугуни ҳарам билан боғлиқ эканлиги сабабли, бегона кишилар олдида айтолмаслигини билдирган. Улуғбек Мирзо Али Кушчи менинг дўстим, ундан ҳеч нарса ни сир тутмайман. Бинобарин, бемалол гапираверинг», деган эди. Шундан сўнг Муҳаммад Ардистоний «ҳукмдор яқин кунлар ичида хотинларидан бирини ўлдирди, иккинчи хотини, яъни «хон қизи»ни эса талоқ қилади», дейди. Улуғбек Мирзо рамлчининг сўзига ишонмайди. Чунки «хон қизи»ни жуда севарди. Бироқ кўп ўтмай, рамлчининг биринчи башорати амалга ошади. Шунда «хон қизи» кундош ўлимидан шодлигини яшира олмай, ошкор тантана билан ҳатто Улуғбек Мирзони кинояли сўзлар билан маломат қилади. Мирзо Улуғбек бу хотинини қанчалик яхши кўрмасин, талоқ қилиб ажрашади.

Мирзо Улуғбекнинг хотин-қизларга муносабати, онасига фақат исмигина гавҳар бўлмай, балки ақли ҳам гавҳар бўлган Гавҳаршодбегимга бўлган меҳр-мурувватида ҳам ўз аксини топгандир.

Темурийларнинг, жумладан, Мирзо Улуғбекнинг хотин-қизларга, онасига бўлган муносабатларини уларнинг хизматида бўлган Абдураззоқ Самарқандий куйидагича ёзади: «Ҳазрат ҳоқони саъид Ироқ ва Озарбайжон томон юриш қилган вақтида Мадҳи улё (Шоҳрўш подшонинг хотини — Н.У.) Гавҳаршод ого доруссалтана Ҳиротда туриб қолган ва шахзода Муҳаммад Жўгий баҳодир волидаи бузрукворига мулозимликда эди.

Ироқ ва Озарбайжон фатҳ этилиб, амир Қаро Юсуф туркман дафн қилинган ва бу хабарлар Хуросон, Мовароуннаҳрга етгач, Мирзо Улуғбек (жаннат оналар қадамлари остидадир) деган (ҳадис) буйруғига амал қилиб, бир неча кунни замона Билқиси бўлмиш шуҳратли волида-

си Гавҳаршод ого хизматида ўтказишни истади. Аммо шахзода ўзи Мовароуннаҳрдан (Ҳиротга) келиши мушкул эканлиги туфайли, маҳди улё Самарқандга келсин, деб илтимос қилди. Поклик паноҳидаги тахтиравон рабиъ ал-аввалнинг бошларида (16 март, 1420) йўлга тушди; Мирзо Муҳаммад Жўгий унга мулозим эди. Мирзо Улуғбек ул ҳазратнинг йўлга чиққанлигини эшитгач, истиқболига юзланди ва Бухоро яқинида мулоқот саодати муассар бўлиб, оёқ ўпиш шарафига етишди ва биргаликда доруссалтана Самарқанд томон йўл олиб, рабиъ ал-охирнинг ўрталарида (28-29 кун, 1420) жаннатмонанд Самарқандга келиб тушди. Ойнинг ўртасида Боғи Чинорда подшоҳона тўй ва хуравона зиёфат тузилди ҳамда бир неча кунни шод-хуррамлик билан ўтказилгач, Мирзо Улуғбек сақирлотларга (олий навли мато), қирмизий катийфалар (бахмал) ва бошқа нафис тўққиз-тўққизлар ортилган саф-саф ҳачир ва туялару тилла эгарли отларни совға қилиб тортиди. Сўнг маҳди улё Хуросонга отланди ва Мирзо Улуғбек уни таъзиму эҳтиромлар билан Работи Ёмгача кузатиб боргач, ҳазрат волидасининг қистовига биноан орқага қайтиди, Мирзо Муҳаммад Жўгий билан хайрлашиб, унга ҳам лутф, марҳаматлар кўрсатди ва волидаси билан ҳамроҳ қилиб жўнатди».

Ўрта Осиё халқлари тарихидан шу нарса маълумки, хотин-қизлар ўтган замонларда мамлакатни бошқарганлар, кўпгина жангу жадалларда душман устидан галаба қозонишга ҳисса қўшганлар. Чунончи, саклардан шоҳ аёл Зарина, масоғутлардан Тумор (Тўмарис) шулар жумласидандир.

Херодотнинг ёзишича, бу ерда иломиятдан аввал эркаклар билан хотин-қизларнинг ҳуқуқлари тенг бўлган. Аёллар, у вақтларда кўпгина эркаклар билан тенг ҳуқуқлигина бўлиб қолмай, ҳатто баъзан кўпроқ ҳуқуққа ҳам эга бўлганлар.

Исломининг илк даврларидаёқ хотин-қизлар эъзозланган, уларнинг эҳтиёжларига ҳамisha диққат билан қараб келинган. Улуғбек илм бобида ҳам миллату динни ажратмагани каби эркаклару аёлларни тенг кўрган. Бунга Бухородаги мадраса дарвозаси пештоқиға Улуғбек томонидан ўйиб ёздирилган «Талабун илми фаришатун ала кулли муслимин ва муслимотин», яъни «Илм олмоққа интилиш муслим ва муслималар учун бирдек қарзу фарз» деган ҳадис яққол мисолдир.

Бинобарин, исломнинг ҳақиқий ақидасига кўра, хотин-қизлар ҳеч қачон камситилмайди, балки уларни эъзозлаш керак деб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ҳадисларнинг бирида «Жаннат оналар оёғи остида-

дир» дейилади. Исломининг асл ақидалари ўрнига жаҳолат ҳукмронлик қилган даврда хотин-қизлар масаласига бундай қараш ўз моҳиятига кўра илғор фикр бўлиб, бу Шарқда Уйғониш-Ренессанс маданияти, маърифати тараққиёти учун муҳим бир туртки бўлиб хизмат қилади.

Жаҳолат, хурофот ҳукм сурган бир даврда Улуғбек хотин-қизларни илм олишга, фанни эгаллашга чақиради.

«Унинг (М.Улуғбек) давлати замонида ва ҳукмронлиги кунларида Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатининг раити зулм зулматида адлу эҳсоннинг оби ҳаёт чашмасига етишди ва барча ҳалойиқ амну омонлик бўстони ҳам фароғат чаманида ором олди.

(Мирзо Улуғбек) ҳақиқат ахллариға эътибор кўрсатишда жаҳон подшоҳларидан устун ва афзал эди, адл мактабларини янгилаш ва фазл қондаларини мустаҳкамлашда шундай бир катта жидду жаҳд ва гўзал саъй-ҳаракат кўрсатдики, бунга шохидлик нурлари ва далиллик ёдгорликлари ҳаёт саҳифасида аниқ ва ойдин қолгусидир», деб ёзганда Абдураззоқ Самарқандий ҳақдир.

Мирзо Улуғбек саройида эркин тарзда дунёвий фанлар билан шуғулланишган, мусика ва ашулалар жаранглаб, ҳашаматли базм ва байрамлар ўтказилган. Бунақа ҳашаматли зиёфатлар нафақат шоҳлар саройида, ўша вақтдаги бойларнинг уйларида ҳам ўтказилган. Ўрта асрлар даврида диққатга сазовор воқеа шундаки, бу базми жамшидда эркаклар билан бир қаторда ҳар замона аёллар ҳам қатнашишган. Ўша вақтда Самарқандда жуда кўп мусикашунослар, ашулачилар, раққосалар яшаб, уларнинг шон-шуҳратлари шаҳардан ташқарида ҳам машҳур бўлган. Мирзо Улуғбек даврида ҳам эркаклар ва аёллар орасидан рақс усталари етишиб чиққан. Шу жиҳатдан XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошида ном қозонган Саййид Бадр, Тоҳир Чакка, Моҳчучук, Мақсудалиларнинг номи алоҳида тилга олиш керак, деб ёзади атоқли санъатшунос олим Мухсин Қодиров.

Демак, маданиятнинг қай даражада эканлиги жамиятда хотин-қизларга бўлган муносабатда ҳам ўз аксини топади. Темурийлар даврида фан, санъат ва маданият ўзининг кўп хусусиятлари билан юқори даражага кўтарилган. М.Улуғбекнинг илмий-амалий фаолиятида хотин-қизларга нисбатан жуда ҳам кўпижобий фазилатлар виждонлилик, иймонлилик, ахлоқий поклик, содиқлик, инсоний қомиллик ўз аксини топган бўлиб, бундан маънавий меросимизнинг дурдоналари, ибратли манбалари сифатида фойдаланиш ва ўрганиш мумкин.

Маснавий

Жалолоддин РУМИЙ



Маснавий

Ҳиммат отин солди юлдузлар
томон,
Одами масжудга боқмай нотавон.

Лисоний таржима

Мунажжимлар ўз ҳиммат ва қудратлари отини юлдузларга томон солдилар, буржларни ўргандилар, бироқ улар ҳатто фаришталар ҳам саждага буюрилган заминий одамни билмайдилар.

Шарҳ

Одами масжуд — инсоният ҳақиқати, илоҳ зоти ва жами асмою сифатининг кўриниши. Олам, уларнинг яратилиши ва зухур этиши, ёхуд бутун халқ қилинган ҳодисалар бу зот ва асмою сифатининг тажасум топишидир. Одам Ҳақ ва халқ оинаси. Унинг яралишидан мақсад Ҳақ маърифати эди. Яралган ҳеч бир вужуд ҳақни мукамал суратда таниш ва билиш истеъдодига эга эмас. Зотан, инсон ҳақиқатигина бу нарсага қодир. Ерда ҳаёт унинг (одамнинг) боқийлиги ва давомийлигига боғлиқ. У тугаган замон олам ўз ниҳоясига етади ва охират эшиклари очилади. «Одами масжуд» — фаришталар сажда қилишга буюрилган одамнинг инсоният ҳақиқати ана шу. Фаришталар ўз оламларида маҳдуддирлар ва бу оламдан чиқиб кетолмайдилар. Улар яратилишнинг асл маъноси бўлмиш ишқдан бенаибдирлар. Ана шу маҳдудият ва бенаиблик оқибатида одамни танимадилар ва уни даставвал инкор қилдилар.

Худованд фаришталарга деди: «Мен ер юзида ўзимнинг халифамни (ўринбосар, қоиммақом) яратмоқчиман». Фаришталар дедилар: «Парвардигоро! У ер юзини фасод қилади ва қонлар тўқади. Биз сенга саж-

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

да келтирамиз ва муқаддас тутамиз-ку». Худованд деди: «Мен билган нарсани сизлар билмайсизлар». Худо одамни яратди ва унга исмларни ўргатди. Шундан сўнг яратган ашёлар исмини фаришталардан сўради. Фаришталар жавоб бердилар: «Худоё, биз сен ўргатган нарсанигина биламиз, халос. Сен ўргатмаган нарсани билмаймиз». Худо одамдан ашёлар номини сўради. Одам жавоб берди. Сўнг Худо фаришталарни одамга сажда қилишга буюрди. Бироқ фақат иблис сажда қилмади. Фаришталарнинг одамга сажда келтириши Куръоннинг бир неча сураларида баён қилинган. Чунончи, «Бақара» сурасининг 30-36-оятлари; «Каҳф» сурасининг 18-ояти; «Аъроф» сурасининг 7-ояти; «Ҳажр» сурасининг 29-32-оятлари; «Бани Исроил» сурасининг 61-ояти; «Тоҳо» сурасининг 116-ояти; «Сад» сурасининг 72-73-оятлари.

«Қадимги аҳд» китобида ҳам одамнинг нарсалар исмини айтиб бериш ҳодисаси баёни бор, бироқ фаришталарнинг одамга сажда келтириши хусусида ҳеч гап йўқ.

Бу байтда азиз умрларини юлдузларни ўрганишга, яъни уларни саъд (бахтли), наҳс (бахтсиз)га тақсима-лаб, одамлар қисмати хусусида башорат бергувчи мунажжимларга ишора бор. Бу тоифа мунажжимлар инсон ҳаётида барча жузъий ва куллий ҳодисаларда юлдузларнинг таъсири бор, деб инонадилар. Юлдузларни олам тадбиркори деб билган қадимги ҳақимлар «Обби сабъа» деб номланган етти юзгувчи юлдуз «уммаҳоти арбаъа» — тўрт унсурга (сув, тупроқ, олов ва шамол) таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаганлар.

Маснавий

Охир, одамзодсан эй, нохалаф,

Неча бу пастликни билгайсен
шараф.
Неча дейсанким бу оламдир
маним,
Ҳам бу дунёга тўлар жону таним.
Гар жаҳонни босса қорлар
сарбасар,
Етгай унга офтобдан бир назар.
Юз вазиру неча юз, минглаб гуноҳ,
Йўқ бўлар бўлса Худодан бир имо.
Айни у тахминни ҳикмат қилар,
Айни захриобни шарбат қилар.
Ҳар нечук шак-шубҳани айлар
яқин,
Меҳрга дўнгай хусумат бирла кин.

Лисоний таржима

Эй, нохалаф (паст, тубан), сен ахир, Одамнинг (а.) фарзандисан. Нечук бу пастликни ўзинга шараф деб билдинг?

Нега бу қадар оламгирлик даъвосини қиласан? Негача бунча, қудратим вужуди билан дунёни тўлдираман, дейсан?

Агар бу дунёни бошдан-охир қор босса, куёшнинг бир назари уни йўқ қила олади. Оллоҳ меҳрибондир. Агар у ирода қилса, раҳматидан бир зарра неча-неча тубанлар ва унга ўхшаш юз минглаб гуноҳкорларнинг бўйнидаги ёзуғлар юқини соқит қилади.

Худованд ҳар нечук фосид хаёлни ҳикматга айлантиради ва ҳар нечук заҳар шарбатга дўнади.

Яратувчи ҳамиша гумон ва шак-шубҳа билан яшовчи кимсани ҳақиқат аҳлига яқин айлайди. Кудуратдан муҳаббат бино қилади.

Парвадигор гумон ва шак-шубҳа аҳлини ҳақиқат аҳлига (яқин) айлантиради. Ҳақ йўлга бошлайди. Кина ва кудуратдан меҳр-мурувват пайдо қилишга қодирдир.

Шарҳ

Оллоҳ таъолонинг қудратига шак-шубҳа йўқдир. Ҳар бир ашёнинг ху-

сусияти унинг қудрати туфайли зухур этади. Демак, бу хусусиятларни ўзи яратдим, ўзи уни бартараф қилиш, ўзгартириши, йўқ қилиб, ўрнига бошқа бир табиатни жо айлаши мумкин. Ҳар нечук шак ва гумонни, фосид хаёлни ҳикматга айлантириб, ҳалокат чоҳининг оғзида турганга боқийлик ато қилади. Шу қадар қудрат ва азамат соҳиби бўлган Ҳақ таъоло наздида бир вазирнинг макр-ҳийласи нимага ҳам яраши мумкин? Ҳеч нарсага. Вазир ҳар қанча фитна кўрсатмасин Ийсо Масиҳ динини барбод эта олмади.

Маснавий

Солди Иброҳимни гулхан ичра у,
Топди осойиш фалокат ичра руҳ.
Қилди савдойи ёниб жону таним,
Суфистойи айлади ёди маним.

Лисоний таржима

Иброҳим Халилни (а.) ўт ичида парвариш қилди. Кўркув ва даҳшат руҳий осойишталикка айланди.

Худонинг жонимда ёққан олови боисдан лол-хайронман, ақл ҳукмига эътимодим қолмади. Мен ҳам суфистойилар каби ақл-идроким мададида Ҳақ амалларини шарҳлашга ожизман.

Шарҳ Иброҳим Халилulloҳ хусусида

Ҳазрат Расул (с.а.в) ва Бани Исроил пайғамбарларининг бобокалони. Бу зотнинг барҳақ пайғамбар эканликлари яхуд, насоро ва мусулмонлар томонидан бирдек эътироф этилган. Иброҳим Халилнинг (а.) муборақ исми Қуръонда 69 марта зикр қилинган. Буюк Исроил дини аслида Иброҳимнинг (а.) динидир: «Сумма авҳайна илайка аниттабив миллата Иброҳима ҳанифан». («Наҳл», 123-оят.) (Иброҳим Ҳаниф динига эргашгин деб, сенга ваҳий юбордик (хабар бердик).

Иброҳим (а.) Бобилнинг Ур шаҳрида дунёга келди. Бироқ «Фаддом Ором» шаҳрида туғилган деган ақида ҳам бор. Пайғамбар шу шаҳарда вояга етди ва айна шу шаҳарда бутпарастларнинг ботил ғояларига қарши бош кўтарди. Сўнграқ Шомга хижрат қилди. Қуръон Иброҳим (а.) ҳаётининг турли қирраларини ўзгалар иршоиди учун нақл қилади.

Оллоҳ Иброҳимга (а.) теран ақл инъом қилди ва Ҳаққа томон ҳидоят

айлади. Қуръонда ўқиймиз: «Иброҳим (а.) отаси Озарга деди: «Бутларни маъбуд деб билдингми? Мен сени ва қавмингни очик-ошкор залолатда кўряпман». Шу тарзда осмонлар ва замин ҳақимлиги ҳамда тадбирини Иброҳимга ошкор қиламиз. Токи у ҳақиқат ахлидан бўлсин. Тун қоронғуси уни қуршаб олгач, юлдузга нигоҳи тушди ва деди: «Бу менинг Парвардигоримдир». Юлдуз ғойиб бўлгач, деди: «Завол топгучиларни севмайман». Ойни кўргач, деди: «Бу менинг Парвардигоримдир». Ой ботгач, деди: «Агар Парвардигорим мени ҳидоят қилмаса, сўзсиз гумроҳлардан бўлиб қоламан». Қуёшга назари тушгач, деди: «Бу менинг Парвардигоримдир. У ҳар иккисидан улугдир». Қуёш уфқ ортига чўккач, деди: «Эй, ҳалойиқ, Сизлар Худога шерик қилган нарсалардан безорман. Мен замин ва осмонларни яратган зотга юз бураман. Ҳаққа томон мойилман ва мушриклардан эмасман». Қавм у билан баҳсга киришди. Деди: «Мени ҳидоят қилган Раббим хусусида баҳслашмоқчимисиз? Сизлар Худога шерик қилган нарсалардан кўркмайман... Худога шерик қилган бутларингиздан нечук ҳам кўрқардим. Сизлар эса ҳеч қандай далилсиз Худога шерик қилаясиз, кўркмайсизми?..» Биз Иброҳим қавми хузурида берган ҳужжатлар ана шулардир («Анъом», 74-83-оятлар). «Иброҳимга олдиндан балоғат ва идрок бердик. Унинг ахлоидан огоҳ эдик. Отаси ва қавмига деди: «Сизлар ибодат қилмоқчи бўлган нарсалар ниманинг тимсолидир?» («Анбиё», 51-52-оятлар).

Юқоридаги оятлар бу буюк пайғамбарнинг ҳаётидан бир лавҳадир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: биринчидан, Худованд Иброҳимга ақл-идрок ва комиллик иноят қилди. У зудлик билан англаб етдики, бутларга сиғиниш ботил ва ҳақиқатга хилофдир. Кўра олмай-диган, фаҳм-идроксиз, тилсиз, на зарар, на фойдаси тегмайдиган бут қандай қилиб ибодатга лойиқ бўлсин? Шу боисдан Иброҳим (а.) ҳалойиққа дерди: «Сиз буларни чорлаган чоғингизда эшита биладиларми? Сизларга нафъ ё зарари тегадими?» («Шуъро», 73-оят). Шундай қилиб, Иброҳим (а.) бутпарастликка қарши исён кўтарди.

Иккинчидан, Иброҳим (а.) ва бутпарастлар Оллоҳнинг борлиги, яъни Холиқ вужуди хусусида мувофиқ эдилар. Ихтилоф эса бошқа нарсада

эди. Магар қуёш, ой, юлдузлар ва бутлар оламни идора этишга ўз таъсир кучларини ўткази оладиларми-йўқми? Иброҳим (а.) иқрор эдики, олам тадбири ва бутун хилқат Оллоҳнинг иродаси илқидадир. Бутпарастлар ана шу буюк ирода соҳибига шерик ихтиро этган эдилар. Пайғамбар (а.) уларга халқият ва ақл-ирода Худодан эканлигини англамоқни истарди: «Мени яратган зот мени ҳидоят қилади. Таомлантиради, сероб айлайди. Бемор бўлсам, шифо бахш этади. Мени ўлдирувчи ва қайта тирилтирувчи ҳам Удир. Қиёмат куни гуноҳларимни мағфират қилади, деб умид қиламан» («Шуъро», 78-82-оятлар).

Буюк пайғамбарнинг юқоридаги таъкидлари шунинг исботи этади: яратиш, бунёдкорлик каби жаҳоний тадбирлар Холиқнинг иродасидадир. Шу боисдан ибодат ва топинч Унга хосдир.

Аксарият мушриклар Оллоҳнинг мавжудиятига инонардилар. Ихтилоф бутлар ва бир қатор жисмларнинг олам ишларига таъсири юзасидан эди. «Ма наъбудухум илла лиюқоррибувна илаллоҳи» («Зумар», 3-оят); «Ҳаулаи шуфаауна индаллоҳи» («Юнус», 18-оят); «Валаин салтаҳум ман холақос самавати вал арзо лаякувланналлоҳ» («Луқмон», 25-оят). Яъни: «Бутларга шунинг учун ибодат қиламизки, улар бизни Худога муқарраб қиладилар». «Улар Оллоҳ ва бизни ўртамаздаги воситалардир». «Эй, пайғамбар! Замин ва осмонларни ким яратди, деб улардан сўрасанг, «Худо яратди» дейдилар қатъий».

Худонинг буюк пайғамбари Иброҳим Халилulloҳ ҳар турли воситачи ботил бутларни яқсон қилди ва илоҳий тавҳид яловини башар фарзандлари узра баланди кўтарди.

Бутпарастлар пешвоси Намруд уни гулхан қаърига отди. Оллоҳ оловга амр этди: «Қулна я нарукувний бардан ва саламан ъала Иброҳима». «Дедик: Эй, олов! Иброҳимга совуқ ва ёқимли бўл» («Анбиё», 68-оят).

Савдойи — хаёл, молихулё касалига чалинган кимса, девона. «Савдо» сўзидан олинган. Қадимги табиблар ақидасига кўра, тўртлик хилтнинг (савдо, сафро, қон, балғам) бири. Савдо хилтнинг ҳаддан зиёд кўпайиши асаб касаллигига сабаб бўлади.

Суфистойилар, яъни

шаккоклар.

Бугунги скептицизм мактаби таарфдорлари. Суфистойилар кидирмоқ ва ҳақиқатни кашф этмоқни зарурий деб билмаганлар. Улар фанда мунозара таарфдори эдилар. Исломуламулари уларни куйидаги тарзда таърифлаганлар: «Суфистойилар хиссиёт ва идрокни инкор қиладилар. Улар, асосан, уч гуруҳга бўлинадилар: а) лбадрийя — биз ҳеч нарса ни билмаймиз ва билишга қодир ҳам эмасмиз. б) инодийя — ҳеч нарса хорижий вуҷудга эга эмас. Ҳамма нарса ваҳм ва хаёлотдир. в) индийя — ҳақиқатни билиш мумкин эмас. Кўриб турган нарсаларимиз аслида кўриниб тургандек эмас, балки биз кўриб турганимиздек».

Исломуламулари суфистойиларни шаккоклар деб атаганлар.

Вазирнинг Йисо (а.) қаъмига нисбатан қўллаган янги макри хусусида

Маснавий

Ул вазир бир янги макр топди тагин,
Ташлади ваъзин, бўлиб хилватнишин.

Лисоний таржима

Маккор вазир янги бир ҳийла ва найранг ўйлаб топди. У ўз муридларига панду насиҳат қилишга чек қўйди ва хилватга чекинди, яъни хилватнишин бўлди.

Шарҳ

Хилватнишин ёхуд хилватнишинлик сўфийлар наздида узлат, яъни ибодат ва риёзат қасдида халойикдан узилишдир. Орифларнинг бири шундай дейди: «Хилват сўфий аҳлининг сифати, узлат вуслатнинг нишонасидир» («Рисолаи қушайрия», 153-саҳифа).

Хилватнишинлик анбиёлар ва авлиёларнинг сеvimли одатларидандир. Ҳазрат Мусо (а.) қирқ кеча-кундуз мийқотга кетди ва халқ-халойикдан узилди. Худди шундай, Ҳазрати пайгамбаримиз Муҳаммад (а.) гоҳ-гоҳ Ҳиро ғорига бориб, ибодат ва зикр билан машғул бўлардилар. Қурайш мушриклари эса у зотни мазаммат қилар эдилар: «Инна Муҳаммадан ашиқа Роббаху» («Муҳаммад ўз Парвардигорига ошиқ бўлибди»).

Пайгамбаримиздан (с.а.в.) хилватнишинлик хусусида куйидаги ҳадис ривоят қилинади: («Кимки қирқ

субҳидам Ҳақ таъоло учун холис ва шаксиз истиқомат қилса, унинг қалбида ҳикмат ва донишмандлик булоқлари жўш уради ва тилига жорий бўлади»). «Қирқ субҳидам»дан муруд шуки, ҳар тонг бир ҳижоб солиқни тарк айлайди. Натижада қирқ кундан сўнг унинг қалби ҳикмат ва донишбулоғига айланиб, тилига қайнаб чиқади. Аммо хилватнишинликнинг махсус шартлари бор;

- 1.Таомни кам истеъмол қилмоқ;
- 2.Кам ухламоқ;
- 3.Тилни тиймоқ;
- 4.Одамлардан алоқани узмоқ;
- 5.Зикрнинг давомлилиги;
- 6.Муруқаб.

Тариқат арбоблари бу хусусда ихтилофдалар. Улар нафсни жиловлаш ва ахлоқни такомиллаштириш учун хилват дурусти ёхуд суҳбатми дея баҳслашадилар. Бу баҳсда ҳар икки томон ҳам ўз фикрларини қатъий далиллар билан исботлашга ҳаракат қиладилар.

Маснавий

Ташлади асҳобини шавқ ўтига,
Кетди қирқ, эллик кун узлат қўйига.

Халқ бўлиб шавқидаким девонавор,
Ҳолу қолу завқи бирла беқарор.

Лисоний таржима

Маккор вазир ўз мухлис муридлари, шогирд ва асҳоблари ўртасида шавқ-завқ оловини гуриллатиб ёқиб юборди, яъни қирқ ёхуд эллик кун муддатида улардан алоқани узиб хилватга чекинди. Бу хилватнишинлик шогирдлар қалбидаги меҳр-иштиёқ оловини лангиллатиб юборди.

Муридлар унинг дийдори, панду ҳикматлари, муомала ва гап-сўзлари иштиёқда қарийб девона бўлаёзишди.

Шарҳ

Дарвиш ва орифлар одобидан яна бири чилла ўтириш. Бу одоб ўтган буюк пайгамбарларнинг суннати ҳисобланади. Қуръони каримнинг хабар беришича («Бақара» сураси, 52-оят) Мусо алайҳиссалом қирқ кеча-кундузни мийқотда (ваъдалашилган вақт ва макон) ўтиради. Шундан риёзат аҳли хилватда зикр, фикр ва ибодат билан ўтқарган қирқ кунни «чилла» деб атаганлар.

Шавқ — маҳбуб, суюмли кимса дийдоридан ҳосил бўлгувчи ҳаяжон. У муҳаббат самараси. Токи дўстлик бўлмас экан, шавқ пайдо бўлмайди.

Ҳол — Худо томонидан банда кўнглига пайванд бўлгувчи ҳолат. Ҳол - зикрдан ва солиҳ амалдан ҳосил бўлувчи қалб сафоси. Худонинг фазли туфайли зикрсиз ёхуд



солиҳ амалларсиз ҳам пайдо бўлиши мумкин. Жунайдийлар ақидасига кўра ҳол давомли бўла олмади. Бироқ, узок зикр туфайли қалбда ҳосил бўлган сафо пойдордир.

Қол — кўнгилда таҳқиқ қилинмаган сўз, иборат.

Маснавий

Зору нолиш қилди шогирдлар
 чунон,
Хам риёзат ичра ул хилватнишон.
Дедилар: «Йўқдир сенингсиз бизга
 нур,
Беасоқаш қолган ул кўрларни кўр!
Қил карам, Оллоҳ ҳақи, эй
 раҳнамо,
Бундан ортиқ қилмагил ўздан
 жудо.
Биз мисоли гўдаку сен доямиз,
Бошимиз узра ўзанган соямиз».
Деди: «Жонимдир муҳиблар
 жонида,
Йўқ эрур чиқмоқ ва лек имконида».
Келди пешволар шафоат истабон,
Келди шогирдлар шиноат
 истабон:
«Оҳ, нечук бадбахт эканмиз, эй
 карим,
Дил ва диндан айрилиб қолдик
 етим.
Сен баҳона топдингу дард ичра
 биз,
Оҳ урармиз ях каби бу оҳимиз.
Биз ширин сўзингга одат айладик,
Ҳикматинг сутдирки лаззат
 айладик.
Оллоҳ, Оллоҳ бермагин бизга
 азоб,
Эртмас, қилгил бугун хайру
 савоб.
Сенга дил бергайми бедиллар,
 ахир?
Сенсиз қолгайдир улар зору
 ҳақир.
Қолди қирғоқда балиқ янглиғ
 улар,
Сувни қўйвор, бандни очким,
 ўдиллар.
Йўқ сенингдек зот замона ичра,
 бил.
Оллоҳ, Оллоҳ бандаларга раҳм
 қил!»

Лисоний таржима

Муридлар дод-бедод қилардилар. Вазирнинг эса риёзат шиддатидан қомати эгилган эди.

Муридлар унга мурожаат қилиб дедилар: «Эй, вазиримиз! Бизнинг ёруғлик ва нуримиз йўқ. Биз асокашидан айрилиб қолган кўрларга ўхшаймиз. Асокаши йўқ сўқирнинг аҳволи нима бўларди? Шак-шубҳа

йўқки хорликдир. Худонинг розилиги учун карам қил, бизни бу қадар ўзингдан жудо қилма.

Биз гўдак мисолидиримиз. Сен эса худди доямизсен. Марҳаматинг соясини бошимизга ёйгил, марҳамат айла».

Маккор вазир жавобан шундай деди: «Менинг жоним дўстларим ва издош-муридларимдан айро эмас. Бироқ хилватни тарк айламакка менда изн йўқдир».

Вазирнинг хйла ва найранги оқибатида ўн икки гуруҳга пароканда бўлган масиҳийлар жамоасининг пешво-амирлари хилватга чекинган вазир ҳузурига шафоат талабида келган бўлсалар, муридлар ўз-ўзларининг бадкор ва осийликларини айтиб, тазарру умидида ташриф бююрдилар. («Маснавий» шориҳлари «шиноат» - ёмонликни «ўз-ўзини сарзаниш қилиб, гуноҳкор деб, билмоқ» маъносида қўллаганлар). Бинобарин, шогирдлар вазирнинг хилватнишинлиги боиси уларнинг ёмонлиги туфайли содир бўлган ҳол, деб гумон қилганлар. Уларнинг қайғу-надомат чекканлари шундан.

Муридлар дедилар: «Эй, улуғ пиримиз! Бошингга бу бало қаяқдан тушди? Биз сенсиз дил ва динимизни қўлдан бериб, етим ва қаровсиз бўлиб қолдик.

Сен ўз хилватингни тарк қилмаслик учун турли баҳоналарни рўкач қиласан. Биз эса дилимиз ёниб, дард ва қайғу ичида совуқ оҳлар чекамит.

Биз сенинг латиф сўзларингга одат қилдик. Ҳикмат ва маърифатингни сутдек нўш айладик. Шу боисдан сендан жудо бўлолмаймиз.

Оллоҳ учун сен бизга бу қадар жафо қилма. Хайр қил. Бугунни эртага итқитма.

Наҳот сен бу бедил муридларинг фироқингда таълим-тарбиядан маҳрум бўлиб, беҳосил ҳолда қолишларини истайсан?

Беқарор муридларинг куруқликдаги балиқ каби типирчилаб қолдилар. Музтариб ва паришон, тирликдан буткул умидларини узмоқдалар. Жудолик ва фироқ бандини узиб ташла. Дийдоринг сувларига тўсиқ солма.

Эй, оламларда ўхшаши йўқ зот! Оллоҳ ҳақиқ, бу одамларнинг додига етгил!»

Вазирнинг муридларга дашном бериши

Маснавий

Деди: «Эй, сиз гапбилан

 овворалар,
Тиллари бийрону хуш гуфторалар.
Ҳис қулогига тикингиз пахтани,
Итқитинг кўздан хаёллар бандини.
«Пахта» бу бош, сир қулогидир
 магар,
Токи у бор ботинимиз кўру кар.

Лисоний таржима

Вазир кўкраклари чок муридларига мурожаат қилиб деди: «Эй, беҳуда гап-сўз билан андармон бўлиб қолган қавм, огоҳ бўлинглар! Сизлар оғиздан чиқадиган куруқ ваъзга хуштор бўлиб қолгансизлар. (Бу нуқтада вазир садоқатли раҳнамолар тили билан муридларни огоҳ этмоқда, яъни панд-насиҳат ва ўғит бермоқ ёлғиз тил воситасидагина бўлмай, балки ҳақиқий тариқат пешволари ўзларининг хомушлиги ва сукути билан ҳам муридларни сукути иршод қила оладилар. Шу боисдан сизлар маъно ва мазмунни фақат тил воситасида билиб оламиз, деб гумон қилсангиз, хомушлик ва сукут оқибатида ҳосил бўлгувчи маънавий ботиний ишоралардан маҳрум бўласиз».

«Қулоғингизга «пахта» тикинг», яъни, зоҳирий қулоқлардан кечинг, токи ботинингизда мавжуд бўлган қулоқ очилсин. Шундагина илоҳий сирлар нидосини эшитасиз, англайсиз.

«Бошнинг қулоғи» бу ҳиссий-зоҳирий қулоқ бўлиб, сир ва ботин қулоғидаги пахта мисолидир. То ҳиссий қулоқлар эшитишга қодир эканлар, ботиний сирлар қулоғи кар ва ёпиқдир. «Сир қулоғи» тасаввуф истилоҳида «руҳнинг ботиний заминани» ҳисобланади, шуниингдек, қалб ва руҳдан ҳам юксак мартабада дейилади.

Шарҳ

Пирнинг вужуди, унинг муридлар қошида ҳозирлиги солиқларни гайб илмига томон эргаштира олади. Гап-сўз, панду насиҳатга ўрин қолмайди. Пир ёки шайхнинг ботинини ҳис қилмай, унинг панду насиҳатларига эҳтиёж сезган муриднинг пирга ҳеч қандай иртиботи йўқдир. Шу боис вазир тил воситасида иршод талаб қилган муридларни маломат қилмоқда. Вазирнинг маломатларидан ушбу маънони ўқиш мумкин: «Сизлар ҳозирга қадар маъно ва моҳият қирғоғидасиз. Шу сабабдан сўзга эҳтиёж сезяпсиз. Сизлар сўзга қулсиз. Ички-ботиний ишора ва назар-

дан маҳрумсиз».

«Қулоққа пахта тикмоқ» иборасининг мазмуни билан танишайлик. Ўзбек тилида бу ибора ўзини қарликка солган, лоқайд ва бепарво кимсаларга нисбатан қўлланилади. Албатта, иборада аччиқ киноя ҳам бор. Бироқ шарҳланаётган байтда бу ибора ҳеч қандай товушни эшитмаслик учун қулоқни бекитиб олмоқ маъносини ифода этмоқда.

Қулоқнинг эшитиш қуввати — «қувваи сомиъа» чеклангандир. Шунингдек, инсоннинг кўриш имкониятининг ҳам муайян чегараси бор. Ана шу ҳудудлардан тажовуз этилганда қулоқ ҳам, кўз ҳам яроқсиз бўлиб қолади. Бироқ чекланган қулоқ ва кўз ҳам илмнинг кўмагида (масалан, телефон, радио, дурбин, микроскоп) ўз имкониятларини кенгайтириши мумкин. Албатта, бу ҳодисалар ҳиссий амалларга боғлиқ. Бироқ тасаввуф аҳлининг фикрига кўра бу ғайбий амалларга тегишли эмас. Кўз ва қулоқнинг зоҳирий бандидан халос бўлиш қаттиқ риёзатни талаб қилади. Ҳиссий бандлардан халос бўлган қулоқ руҳоний садоларни тинглай олса, ҳиссий-зоҳирий пардаларни итқитиб ташлаган нигоҳ олий илоҳий ҳодисаларни кўра олади. Мутлоқ ақлни идрок этмоқчи бўлган солиқ ҳар нечук қайду банд-

дан халос бўлмоғи шарт. Софистларнинг эътироф этишича, худди шу мартабада Оллоҳга яқинлик — «қурбун навофил» ҳосил бўлади. У Оллоҳ жамолини кўради, сўзларини тинглайди. Унинг эшитиш ва кўриш қувватлари илоҳийлашади. Маҳдудлик ўртадан йўқолади.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, тинглаш — умуман нақлий илмларга (умуми нақлий) нисбатан одамларнинг мутаассиблиги уларнинг чекланишига олиб келади. Маориф ва тараққиётнинг йўлида девор бўлади. Шундай одамлар борки, улар бир шахс ёхуд бир табақанинг ақидасига эътиқод қиладилар ва бу ақидада шу қадар мутаассиб бўладиларки, бошқа бир ғайри ғоя ёхуд фикрни на эшитадилар, на билишни хоҳлайдилар. Шундай қилиб, улар ўзгаларнинг қарашларидан маҳрум бўладилар. Худди шунга ўхшаш ҳодисани кўҳна мадрасалар фаолиятида кузатиш мумкин эди. Бу мадрасаларнинг толиб илмлари қадимги уламолар таълимотига шундай тирмашиб олганларки, тамаддун ва тараққиётдан мутлақо бебаҳра қолганлар. Бинобарин, солиқ ўз қулоғига эмас, балки идроки чекланган ҳиссий эшитиш аъзосига банд солмоғи керак. Ўзини ҳар нечук тўсиқ ва пардадан озод қилмоғи

лозим. Кўзга нисбатан ҳам шундай дейиш мумкин. Зеро, илмий кашфиётларни томошабин кўзи билан эмас, тийрак ботиний идрок назари билан кўрган одам олисларга боқа олади.

Маснавий


Беқулоқ, ҳиссиз ва фикратсиз бўлинг,
«Иржиъий»нинг сирру асрорин, билинг.
Токи бедорлар била суҳбатда сиз, Уйқу суҳбатдошидан гафлатдасиз. Зоҳирий сайр - бу калому феълдир.
Ботиний сайр - бу самодек кенгдир.
Ҳис - қуруқлик; у қуруқликдан бино,
Жон Масиҳи қўйди дарё узра по. Қуп-қуруқ жисм узра сайринг сайр эмас,
Жонимиз сайр айлади дарёда, бас.

Лисоний таржима

«Агар Ҳақ таъоло хитобини эшитаман ва Унга томон мутаважжиҳ бўламан, десангиз зоҳирий ҳислар бандидан, ташқи қулоқдан ва юзаки ақлдан халос бўлинг».

«Иржиъий» «Фажр» сурасининг 28-оятидан иқтибос. «Иржиъий ила Роббика розиятан марзиятан» («Пар-

Суратларни Рустам ЭРМАТОВ чизган



вардигоринг сари хушнуд ва рози ҳолатда қайтгил»).

«Агар сизлар бедор ва хушёр ҳолатда баҳсу суҳбат билан андармон бўлсангиз, уйкудаги суҳбат - маъно олами асрорларидан қачон баҳраманд бўласиз? (Инсон токи бедор ва хушёр экан, руҳи жисмга бандидир; рамзу рӯёлар оламига киролмайди, тавҳиднинг маъно ва моҳиятини англаёлмайди. Уйкуга чўмганидан сўнг эса, руҳи тана қафасидан ихроҷ бўлади ва руҳоният оламига қовушади).

Бизнинг сўз ва феълимиз зоҳирий ташқи сайрдир. Ҳолбуки ботиний сайр бу осмонлар узра кечадиган ҳол. Ботиний сайр модда ва муддат оламига бўйсунмайди.

Зоҳирий ҳис зоҳир ва суврат оламидан бино бўлди. Бироқ жон Ийсо-си ҳиммат оёғини маъно дарёси юзига қўйди. Ҳис-туйғулар зоҳирий ва жисмоний моҳиятга эга эканлиги учун зоҳир оламига мансубдир. Рух маънавий ҳодиса бўлгани боисдан маъно дарёси сари юз буради. Мавлоно таъбиридаги «куруқлик» зоҳирий сулуққа ишора қилса, дарё аҳвол ва мақомот, шунингдек, ботиний сулуқ рамзидир.

Жисмоний сайр ва сулуқ суврат ва тупроқ оламидан ва ана шу носут маҳалидан воқеъ бўлгандир. Жон Ийсосининг сайр ва сулуқи маъно дарёсининг ўртасида».

Шарҳ

Ҳақ таъолога ружуъ қилмоқ (юз бурмоқ, қайтмоқ) аноният, худбинлик боқийлиги ва манманлик билан ҳосил бўлмайди. Зеро, банди токи банддан халос бўлмас экан, Мутлоқ вужудига етиша олмайди. Шу муносабат би лан вазира дейдики, то зоҳирий ҳис-туйғулардан чиқиб кетмас экансиз, ботин кулоқларингиз Ҳақ хитобларини илғаёлмайди. Шунингдек, фикрат ҳам жаҳлга омиктадир. Илм ва Нурдангина иборат бўлган Ҳақ таъолога пайванд бўлиши маҳол. Сўфийлар назарида Ҳақ қуёшдан-да равшанроқдир. У мажҳул эмас. Солиқ туйғулар кулогини ёпмоғи, мажҳулликка мойил фикратдан воз кечмоғи лозим. Шундагина Оллоҳ хитобини тингламоққа тайёр бўлади.

Мавлоно бедорлик ва уйқуни шарҳларкан дейди, одам боласи токи уйғоқ жон ва рамзлар оламига қўшила олмайди ва рамзий овозларни эшитишга қодир эмас.

Сўз ва амал бу нафс (жон)га таа-

луқли ҳодиса. Сўз, садо, амал жисмининг ташқи ҳаракатлари бўлиб, улар, асосан, нафс (жон) во-ситасида тирик. Жон баданни та-сарруф айлаб, юқоридаги ҳар икки ҳодисани вужудга келтиради. Де-мак, нафснинг (жон) зуҳури сўз ва феъл мартабасида, унинг сайр-гашти ақл олами худудидадир. Шу боис у юксак идрок мақомида бўлиб, осмонга қиёс қилинади. Ҳис эса куруқликдир ва зоҳирий сайр унинг маҳсули. Ҳис жисмдан, у жисмга қайтади. Жон эса мужаррад (ёлғизлик) оламига шу сабабли юзланадики, у осмон мужаррад оламига мансубдир ва арвоҳ ҳамда ақл билан муносабатда. Ийсо (а.) ваҳдат намунаси бўлгани учун «рухуллоҳ» деб аталади. Байтда жон Ийсога (а.) ташбиҳ қилинмоқда: «Жон Масиҳи».

Охирги байтда қўлланилган «куруқлик» юқорида таъкидлангани каби муомала ва зоҳирий сулуқ. «Дарё» эса ботиний сулуқ, аҳвол ва мақомат.

Маснавий

Умримиз ўтди куруқликдан бироқ,
Гоҳи дарё, гоҳи дашту гоҳи тоғ.
Оби ҳайвонни қаердан истадинг?
Сен бу дарё қаъридан сув
ичмадинг.

Лисоний таржима

Умримиз суврат олами ва носут (моддий) дунё бўйлаб кечди. Гоҳ тоғу тошда, гоҳ дарё ва саҳрода яшаб, умрни барбод қилдик. Бу зайл ҳаёт билан ҳеч қачон руҳоний сайрга муваффақ бўлолмаймиз. Модомики, умринг сувратлар оламида ўтаркан, оби ҳайвонни қаердан топдинг ва арвоҳ олами дарёси қаърига шўнғиб, ҳақиқат ва валюят мақоми соҳилларига қандай қилиб чиқа олардинг?

Шарҳ

«Оби ҳайвон» шундай ҳаёт сувига нисбатан қўлланиладики, ундан бир қултум ичган одам абадий ҳаётга эришади. Уни «тириклик суви» ҳам деб атайдилар. «Каҳф» сурасининг 60-65-оятларида Мусо алайҳиссаломнинг Хизр алайҳиссалом билан мулоқоти баёни бор. Унинг тафсилоти 224-байтнинг шарҳида ўтди. Мусо (а.) бир тош этагида ором оларди. Унинг тўрвасида бир балиқ бўлиб ривоятга кўра тўрва йиртилган, бир ақидага мувофиқ тўрванинг бир қисми куйган эди. Балиқ тўрвадан чиқиб, сувга шўнғийди. Унинг

ортидан ҳаракат излари жимирлаб қолди. Балиқ кўздан ғойиб бўлади. Балиқнинг тирилишига сабаб Мусо ёхуд ҳамроҳининг ҳаёт чашмасида ювингани чоғида тўрвага оқиб тушган бир томчи сув эди. Худди шу ҳаёт сувидир.

Фарблик тадқиқотчилар Мусо (а.) ва Хизр (а.) ўртасида содир бўлган можарони «Гилгамиш ва Искандар» достонидан олинган яҳудий қиссасидаги Илёс ва Юшаъ ўртасида содир бўлган воқеа, деб биладилар.

Гилгамиш дарёлар сарчашмасида яшовчи ва абадий ҳаётга ноил бўлган отаси Ўтналишим билан ҳаёт сувидан баҳраманд бўлиш мақсадида йўлга тушади. Бошқа бир омиёна ривоятга мувофиқ Искандар ўз ошпази Ондраос билан биргалиқда ҳаёт сувини қидиришга аҳд қилиб, сафарга чиқадилар. Кунларнинг бирида Ондраос тузланган балиқни чашма сувида юваётган эди. Балиққа жон кириб, бир сакраб сувга шўнғийди. Ондраос балиқни тутиш мақсадида ўзини сувга отди. Шундай қилиб, ошпаз Ондраос ўлимдан нажот топди. У бу воқеани Искандарга оқизмай-томизмай ҳикоя қилди. Искандар ва Ондраос бояги чашмани ҳарчанд қидирмасинлар қайтиб тополмадилар.

Фарба ҳам «ҳаёт суви»га нисбатан эътиқод мавжуд. Уни «ёшлик булоғи» деб атайдилар. Бу чашма беҳиштдаги олмос ва тиллоларга тўла анҳордан ибтидо топармиш. Кимда ким бу ҳаёт сувидан истеъмол қилса абадий ҳаётга эришаркан. Ўрта асрларда, Америка кашф этилгач, у ерда ҳам ҳаёт сувини қидирганлар бўлган экан.

«Ҳаёт суви» Шарҳ исломий адабиётида, хусусан, тасаввуф таъсирида ривожланди ва ўзида турли рамз ҳамда мазмунни ифода этди. Чунончи, маънавий файз ва нашъа; ишқ ва урфон; илоҳий ва ладунний илм; ҳақ висоли; маъшуқ васли; маъшуқ лаб ва даҳонининг завқу нашъаси; восил суҳбати; шеър ва калом; маънавий ва моддий шароб; зилол сув ва ҳоқа-зо.

Мутаржим –
Асқар МАҲКАМ

Шорихлар –
Обиддин ПОШШО,
Карим ЗАМОНИЙ,
Бадийуззамон ФУРУЗОНФАР,
Абдуллоҳи ГУЛПИНОРЛИ.

(Давоми бор).

Ойшабиби Воқеаси ёхуд кўзёш мақбараси

Марказий Осиёда гўзал қизлару мунис оналар шарафига кўп минора, мақбаралар қурилган. Қоратоғдаги Думалоқ она, Қорақўнғирдаги Болгон она, кўҳна Урганчдаги Тўрабекхоним, Самарқанддаги Бибиноним, Зангиотадаги Анбарбиби, Фарғонадаги Биби Убайда, Жамбул шаҳри яқинидаги Ойшабиби мақбараси ҳам ана шу обидалар шодасининг доналаридан биридир. Бу мақбара Ойшабиби унаштирилган Қорахон томонидан қурилган.

Зангиотанинг асл исм-шарифлари Ойхўжа бинни Тожихўжа бўлиб, Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарбоза мавзесидаги Зангиота маҳалласида дунёга келганлар. Ота-боболарининг дала ҳовлилари қадимги Золдеҳқат — ҳозирги Зангиота қишлоғида эди. Катта бобоси Арслонбоб отанинг маслаҳатига кўра Тожихўжа ҳазратлари дала ҳовлида яшашга қарор қилган эдилар...

Зангиота Хоразмда пирлари хузарида ўттиз йилча таълим олиб, хизмат қилиб, муридликни адо этадилар. Пирлари Ҳаким ота — Сулаймон Боқирғоний васиятларига кўра, ул зотнинг вафотидан қирқ кун ўтгач, аёллари Анбарбибини никоҳларига оладилар. Орадан кўп ўтмай, она қишлоқлари Золдеҳқатга Хоразмдан кўчиб келадилар. Бу ерда тирикчилик юзасидан подачилик қила бошлайдилар. Етмиш йилча подачилик қилиб, 1258 милодий (ҳижрий 656) йили вафот этадилар...

Ойшабиби Зангиотанинг ўғай қизлари эди...

Кунлардан бир куни Зангиотанинг уйларига Тироз шаҳридан Қорахон деган йигит отасини бошлаб келади. Ота-бола Зангиотанинг уйида мол сўйиб, худойи қилишиб, ул зотнинг дуосини оладилар. Шу орада Анбар онанинг қизи Ойшага тасодифан меҳмон йигитнинг кўзи тушиб, қолади. Қорахоннинг отаси Ойшабибининг дарагини эшитиб, ўғлига олиб бермоқчи бўлади. Кудандачилик қилиш иккала отага ҳам хуш келади. Улар ўзаро келишган ҳолда

тўй кунини белгилашади. Шундан кейин, Қорахон ва унинг отаси тўйга тайёргарлик кўриб келиш учун Тирозга жўнайдилар. Урф-одатга кўра, тўй аввал қизниқида бўлиши керак эди, аммо насиб этмади...

Ойшабиби тўй кунини кута бошлайди. Куёв ва унинг навкарларига гулдор ҳошияли рўмолчалар, бўлажак қайнона ва қайнотасига, қайнинглисига антиқа белбоғу рўмоллар тикиб кўяди. Охири тўй бўладиган кун ҳам етиб келади, аммо куёв томонидан дарак бўлмайди. Қизнинг қалби хавотирдан баргдай титрай бошлайди. Орадан бир ҳафта ўтади. Маҳалла-кўйда ҳайронлик. Қиз шовшув, ғийбатларни бартараф этиш мақсадида онасига дейди:

— Онажон, икки янга тайинланг, улар мени Тирозга олиб боришсин. Майли, тўй ўша ернинг ўзида бўла қолсин!

— Сабр қил, қизим, куёв сира вафосизлик қилмайди, бирор сабаб бордир.

— Бирор гап бўлганини мен ҳам сезиб турибман. Одамларнинг мишмишларидан ўртаниб кетяпман, онажон!

— Ундай бўлса, отанг билан маслаҳатлашиб кўрай, ҳозирчалик сабр қил.

Ўша куни Анбар она тушликни кўтариб, Зангиота ёнига бориб қизининг дардини маълум қиладилар.

— Нима бўлганида ҳам хабар бериш куёв томоннинг иши, — деб Зангиота аёлларига тушунтирадилар. — Қанча бўлса ҳам кутайлик. Аёллик андишасида туришлар! Юртида бир жанжаллик иш чиққан бўлса керак, ўшани тинчитиш билан овора...

Бу маслаҳатдан кейин яна уч кун ўтади. Ойшабибининг сабр-косаси тўлиб, бир ўзи йўлга тушмоқчи бўлади. Ўша пайтларда Зангиота подаларини ҳайдаб, Паркент қирларидаги ўтлоқларга ўтиб кетган эдилар. Анбар она нима қилишларини билмай, охири рози бўладилар. Ойшабибининг ёнига икки ёш янгани кўшиб, уларни эркакча кийинтириб,

оқ йўл тилаб, кузатиб қоладилар. Эртаси куни кечкурун Зангиота уйга келсалар Ойшабиби кўринмайди, дил кўзлари билан унинг куёв томонга кетаётганини кўрибдилар-у, индамай ўтираверибдилар.

— Отаси, — дебдилар Анбар она дастурхон устида гап очиб, — қизингиз одамларнинг гап-сўзларига орияти келди, икки ёш янгани кўшиб кузатиб қолдим, олисда бўлганингиз учун сизга хабар қилишга илож тополмадим. Илойим, эсон-омон етиб борсин-да!

Аёлининг гапларини эшитиб, Зангиота диллари огригандай, оғир хўрсинибдилар. Бундан Анбар онанинг юраклари эзилиб, кўзларига ёш келибди:

— Норози бўлманг, отаси! Ота рози — Худо рози, деганлар, — дея рўмоллари учига кўз ёшларини артиб, ташқарига чиқиб кетибдилар.

Беш кун деганда Ойшабиби ва янгалари Тошкент сарҳадидан чиқиб, Тирозга яқинлашибдилар. Шаҳардан ўн етти чақирим беригада ажойиб манзарали Кичиккўл овулида дам олишиб, кийимларини ўзгартириб олишмоқчи бўлибдилар. Соя-салқин дарахтлар тагида ўсган майсаларга отларни тушовлаб қўйибдилар. Исикдан елпиниб ўтирган Ойшабиби янгаларига қараб, маслаҳат тарзида дебди:

— Қаранг, шундай хушманзара жойда ҳеч ким йўқ экан. Талай йўлни босиб ўтдик. Келинлар, қўл сувида бир чўмилиб, покланиб олайлик, кейин йўлга тушамиз.

Унинг таклифи янгаларига маъқул тушибди. Учаласи тиниқ-шаффоф қўл сувида мазза қилиб чўмилишибди. Чўмилишдан кейин эркакча кийимларини хуржунларига жойлаб, аёллик либосларини кийишаётганида Ойшабиби чинқириб юборибди. Унинг елкасидан кичик бир қора илон тушиб, ўтлар орасига судралиб кириб, кўздан ғойиб бўлибди.

— Орқа курагимга игна санчилгандек бўлди, илон чақди-ёв!

Янгалар шоша-пиша қўл сувидан олиб, илон чаққан жойни ювиб,

ўзларича муолажа қилишибди, фойдаси бўлмабди. Қиз иситмалаб, ҳолсизланибди. Шунда янгалардан бири овулга от чоптириб бориб, хонадонлардан бирининг соҳибига бўлган воқеани тушунтириб, уни Қорахоннинг ёнига жўнатибди. Қорахон етиб келгунича Ойшабибининг аҳволи анча оғирлашибди. Йигит етиб келганида эса, Ойшабиби кўзларини зўрға очибди:

— Иншооллох, сизни кўрдим, дийдор қиёматга қолади, деб кўрққандим, — дебди, юмилиб бораётган кўзларидан ёш тўкиб. — Қорахон ундай дема, эрта билан йўлга чиқмоқчи эдик, келаётганигни билмадик. Бу ерда қалмоқлар исён кўтариб қолди, шу ташвиш туфайли сенга ёлғончи бўлиб қолдим, узр. Ойша, кўзингни оч, — дея овозининг борица ўкириб йиғлабди. Шунда Ойшабиби кўзларини зўр-базўр очиб, йигитнинг ёшларини қўлидаги рўмолчаси билан артмоқчи бўлибди-ю, артолмай, қўли ерга осилиб қолибди...

Аламига чидаёлмаган Қорахон ботир ўзининг бутун давлатини сарфлаб, қўл бўйига салобатли мақбара кўрдирибди, ўзи эса йиғлай-йиғлай уйланмай, икки-уч йил юриб, қалмоқларнинг кейинги исёнини бостириш чоғида ҳалок бўлибди...

Кичиккўл овулига мақбара қурилгач, ўша жой «Бибиойша овули» атала бошланибди. Қозоғистоннинг ҳозирги Жамбул шаҳри остонасидаги бу мақбарага келган зиёратчилар Ойшабиби воқеасини Раҳматилла отадан эшитишиб, кўзлари жиққа ёшга тўларкан. Шу боис уни кўпчилик кўзёш мақбараси, деб ҳам атайдилар. Аслида эса бу ёри висолига етолмаган куёвнинг ёшларига қорилган лойдан бино бўлган мақбара экан.

Зиёратга борганимизда мақбара

атрофини тозалаб юрган Муҳаррам Саъдулла қизи, Насиба Қосим қизи каби онахонлар бизнинг Зангиота қишлоғидан эканлигимизни эшитиб, қабр ёнига келиб ўтиришди-да кўзлари ёшга тўлган ҳолда ушбу кўшиқни айтишди:

*Буйша қиз, Буйша, —
Фариштасан, нодирсан.
Бевақт сўлган гунчадай
Кўл бўйида ётурсан!*

*Кўл эмас бу — суйганинг
Қорахоннинг кўз ёши.
Гувоҳ бўлар ҳар доим
Устингда қабр тоши.*

*Вақтида тўй бўлмайн
Қолдинг элдан уятга,
Йўл юриб беш кеча-кун
Етолмадинг муродга.*

*Зангибобо дилида
Бўлганидан норози, —
Кичиккўлнинг бўйида
Сўнди янгроқ овозинг.*

*Қалмоқларнинг жангида
Шаҳид бўлди Қорахон.
Сени ёдлаб, кўп йиғлаб
Йигит ўлди Қорахон!..*

*Буйша қиз, Буйша, —
Фариштасан, нодирсан.
Бевақт сўлган гунчадай
Кўл бўйида ётурсан!*

Кўшиқ тугаши билан мақбарага қараб турувчи Абдулла ва Раҳматилла оталар ёнимизга келишиб, тиз чўкдилар. Абдулла ота тиловат қилдилар. У киши фотиҳа учун қўл очганларида қабрдан қандайдир овоз чиққандек бўлди. Раҳматилла отанинг айтишларига қараганда, ҳар доим Зангиотадан зиёратчилар келишганида шу ҳодиса юз бераркан.



Гўё Ойшабибининг руҳи поклари бир хўрсиниб кўяр эмиш. Бу балки, афсус оҳидир, балки, она тупроқни соғиниш ноласидир...

Баъзан одамлар, Қорахоннинг қабри қаерда экан, деган саволни беришади. Қорахон йиғлай-йиғлай уч йилдан сўнг жангда Тироз шаҳри марказида ўлади. Удумга кўра уни ўлган ерига дафн этишади. Унинг мақбараси ҳозирги Жамбул шаҳридаги катта йўл ёқасида. Ҳамма уни «Авлиё ота куёви мақбараси» дейишарди, орадан йиллар ўтиб, одамлар айтишга қийналишиб, «Авлиё ота» деб кўя қолишган. Ҳатто, унинг вафотидан кейин шаҳарнинг номи ҳам Авлиё ота бўлиб атала бошланган.

**Олим
КЎЧҚОРБЕКОВ.**

«Кичкина одам»нинг ОВОЗИ

Собиқ Шўролар тузумининг кишилар руҳиятида, маънавиятида қолдирган асоратларидан имкон қадар тезроқ халос бўлмоқлик бугунги кунда ижтимоий-маънавий ҳаётимизда муҳим масалалардан бирига айланди. Зотан, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилиши, ижтимоий адолатга бўлган ишончининг йўқолиши туфайли жамиятда содир бўлаётган воқеаларга бефарқлик, ҳар қандай ҳақсизликка норозилик билдирмай, эҳтиёткорона умр кечириш мустабид тузумнинг аксарият фуқароларига хос турмуш тарзига айланган эдики, ўз даврида бу иллатга муносабатини билдирган ёзувчи Эркин Аъзамов «Жавоб» номли қиссида ана шундай кишиларнинг ўзига хос талқинини яратди.

«Жавоб» қиссасининг қаҳрамони Нуриддин Элчиев оилада меҳрибон ота, садоқатли умр йўлдоши, ишхонада эса яхши ходим ва ҳамкасб бўлишига қарамай, муаллифнинг ўз қаҳрамонига муносабатида киноя сезилади: «Лекин барчани шуларсиз тасаввур этиб бўлмайди: оммавий саҳналарга одам керак-ку!.. Баъзилар ҳафталаб ишхонада кўринмаслиги мумкин, аммо у бир соат бўлма-са, дарров билинади-қўяди — ўрни бор, ўрни! Камтарин, камписанд, лекин бошқа одам босолмайдиган, бошқа одам ярашмайдиган ўрни». (Э.Аъзамов. «Жавоб», 1986 йил).

Элчиевнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеига ёзувчининг муносабати ана шундай зиддиятли, яъни унинг қаҳрамонга хайрихоҳлиги замирида норозилик мавжуд. Бироқ ёзувчи Нуриддин Элчиевни маънавий-ахлоқий жиҳатдан инкор этмайди.

Маънавий-ахлоқий нуқтаи назарида собит тура олгани учун ҳам Элчиев ўзлигини заррача иккиюзламачилик қилмай, тафтиш қила билди. Бунинг учун Элчиев ҳаётида унинг бутун ички оламини мувозанатдан чиқарадиган воқеа содир бўлди: уни шафқатсизларча калтаклашгани етмагандек, топталган кадр-киммати эвазига пул таклиф қилишди. Ҳақоратланган, иззат-нафси ерга урилган Элчиев шундагина намунали кўринган, тўғри ва мақбул деб билган ҳаёти моҳиятидаги бўшлиқни кўриб қолади. Йўқ, у Ҳайдар Самадович ёки Нодир Файзуллаевлар йўлини тута олмасди, албатта. Бироқ, ана шундай олғирларнинг, юлғич кимсаларнинг ошиғи олчи бўлишига Элчиев ва у қабиларнинг камтарин-у камсуқумлиги ҳам бир қадар йўл очиб берганлигини англамабди.

Элчиевнинг камтаринлиги замиридаги сусткашлик, камсуқумлик ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаслик бўлиб кўри-ниши уни четга чиқариб, кадр-кимматсиз кишига айлантирди, тақдирини эса ўша олчоқ кимсаларнинг қўлига топшириб қўйди. Элчиев ана шу ачқик ҳақиқатни англаш жараёнида яна шуни ҳам тушуниб етдики, у ўзининг ожиз, кўрқоқ ва ношуд кимсага айланиб қолганлигини ҳам сезмабди. Бошига тушган кўргиликларнинг сабабини ахтарар экан, сўнгсиз изтироб, аламли ўйлар гирдобига қолган Элчиев ўзи билан ўзи ёлғиз қолиб, жамики руҳий қийноқларининг асл сабабларини эйтироф этишга мажбур: «Аканг — совхоз директори, катта одам, муҳим вазифалари бор, комиссиялар билан иш қўради, сеникига келгани қўли тег-

майди унинг. Дўстинг ... Ҳайдар Самадович! У келмайди, сеникига келмоқдан нима фойда унга? Хотинингчи, Мастура-чи? Нега? Негаки сен кичкина одамсан, кичкина!»

Нуриддин Элчиевнинг ўз-ўзини қайтадан идрок этиш жараёнида муаллиф киноясининг ўрнини қаҳрамоннинг ўз-ўзига кинояси эгаллайди: «Уларнинг назарида, калтак еб омон қолганлигини «нишонладинг», калтак еганингни «ювдинг» холос! Элчиевнинг ўз-ўзига кинояси, унинг бошқаларга кесатикларидан фарқланади. Ҳайдар Самадовичнинг иккиюзламачилиги, майда, арзимас манфаатларидан бир қарич ҳам юқори тура олмаслигини Элчиев тушунади. «Ваҳоланки, менга ҳеч қачон «Йўқ» демайсан, лекин доим мана шундай ликиллайсан, номатлуб ўринларда мурувват, қаҳрамонлик кўрсатмоқчи бўласан. Сенинг касбинг, сенинг қиёфанг, шу — муаллақбозлик».

Элчиевнинг ўз-ўзига кинояси эса унинг руҳиятидаги зиддиятларнинг натижаси бўлиб, ўзлигини шафқатсизларча таҳлил қилаётган инсоннинг, барча кўргилиг-у изтиробларининг бош айбдори аввало ўзи эканлигини эътироф эта олган одамнинг иқрорини ифодалайди. У бир пайтлардаги ўт-олов ўспириндан эндиликда кўрқоқ ва ношуд, ночор одамга айланган. Элчиевга уят ва номус ҳисси азоб бераркан, у бу азобдан қутулишнинг энг ожиз, энг ночор йўлини танлайди — ўз жонига қасд қилади. Тутган йўлининг нотўғрилигини, ночорлигини кеч бўлса-да англаш, ўзлигини қайтадан идрок этиш билан Элчиев ўз ожизлигини енгиш учун дастлабки қадамини қўйди. Бу унга руҳий ҳаловат ва хотиржамлик олиб келади. Зотан, энди у бошқалардан мурувват кутиб яшайдиган, ўз тақдирини ўзгалар қўлига кўр-кўрона топшириб қўйган «кичкина одам» эмас, ўз оиласи ҳамда жамият олдидаги бурч ва масъулиятини теран англаган инсонга айланиб боради.

Ёзувчи Эркин Аъзамовнинг «Жавоб» қиссасида кўтарилган муҳим ижтимоий-маънавий масалалар, назаримизда, бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Афсуски, адабларимиз, ёзувчи, шоирларимизнинг асарларида жамиятнинг маънавий инқирозга учратган ижтимоий иллатларнинг чуқур таҳлилини кам кўрамай. Реалистик адабиёт бусиз яшай олмайди.

Машхура ШЕРАЛИЕВА,
Анджон Давлат университети.



Маънавийат . Муסיқа . Дин .

Маънавийатнинг асосида миллатнинг тарихий маданияти, адабиёти ва санъати, муסיқаси, дини ва миллий қадриятлари ётади.

Инсонда маънавийатни шакллантириб боришда адабиёт ва санъатнинг барча турлари, айниқса, муסיқа санъатининг тутган ўрни беқиёсдир. Бу соҳада жаҳон олимлари томонидан жуда кўп тажрибалар ўтказилиб, маънавий-руҳий ва ахлоқий тарбияда муסיқа таълими жуда яхши самара берганлиги ўз исботини топган. Шунинг учун ўша даврлардан бошлаб музиқани, тарбия соҳасидаги энг илғор фанлар қаторига қўшилиб, боғчаларда, мактабларда ва махсус ўқув юртларида ҳозиргача ўқитилиб келинмоқда.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов

ўзининг «Муסיқа — миллат завқи» номли мақоласида куйидаги фикрларни билдиради: музиқа илмига диний нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак ҳам бизнинг ўзбек-турк адабиёти, Шарқ-Исломи адабиётига қандай боғланган бўлса, музиқамиз ҳам Шарқ-Исломи музиқасига шу қадар боғланганки, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Лекин бугун тараққий этаётган музиқа ва қўшиқчиликда исломи маънавийати хос боғланишларнинг йўқлиги ҳам илм аҳллари томонидан очик-ойдин эътироф этилмоқда.

Маълумки, собиқ қизил империя даврида мумтоз музиқамиз мазмунида «диний ғоялар акс этган» деб камситилган эди. Иброҳим Ҳаққуловнинг изоҳлашича, исломи оламида ҳамма даврларда ҳам дин олимларининг музиқага нисбатан қарашлари бир хил бўлмаган. Уларнинг баъзилари салбий муносабатда бўлишса, кўпчилиги ижобий муносабатда бўлишган.

Шу нарса қувонарлики, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий,

Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳий каби буюк алломаларимиз адабиёт, музиқа ва қўшиқчилик санъати билан шуғулланиб, ўзлари созлар ихтиро қилиб, унда моҳирона чала олишган. Улар музиқа назариясига оид бир неча асарлар ёзиб, бизларга мерос қилиб қолдиришган. Бинобарин, ўша замонда каттаю кичик — барча музиқа шайдоси бўлган. Халқ ҳаётидаги ҳар бир файзли фурсатлар, тўй ва бошқа маросимлар кўйсиз, қўшиқсиз ўтмаган. Ҳатто дафн маросимларида ҳам хофизлар иштирок этишиб, марсиялар ўқиб, мақом куйларидан ижро этганлар. Бу марҳумга ҳурмат-эҳтиром, шу билан бирга оғир жудоликка учраган кишиларга таскин берган.

Аммо XVIII асрда вужудга келган ваҳобийлар оқимининг вакиллари барча санъаткорлар қатори музиқани ҳам «макруҳ амаллар» қаторига қўйишган. Лекин энг муқаддас китобимиз «Қуръони Карим» ва «Ҳадиси Шариф»да музиқага нисбатан бирон бир салбий маълумотнинг йўқлиги музиқага бўлган салбий фикрларни ўз-ўзидан инкор қилади.

Демак, музиқа илми инсонга маънавий камолотдан сабоқ бериб, қалбларда имон-эътиқодни, соф муҳаббатни макон топтиришда, биз билан шодлик ва ғамни, қувончли ва ғуссадор кунларни баҳам кўриб, ҳаёт йўлини босиб ўтишда, масъуд дақиқаларимизда гувоҳ, аламли кунларимизда ҳамдард бўлиб, бизларни руҳий маданиятига эришиб боришимизда мадад берувчи энг муҳим омиллардан биридир.

Маҳмуджон ДАДАБОВЕВ,
Наманган педагогика билим юртининг олий тоифали музиқа муаллими, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.



Ижтимоий тараққиёт ва аёллар муаммоси

«Аёллар муаммоси» атамасини фанга илк бор ким олиб кирганини аниқлаш қийин. Чунки аёллар масалалари биринчидан, цивилизация юзага келгандан бери мавжуд ва барча тарихий ривожланиш босқичларида улар билан ёнма-ён келади. Инсоният тарихида бирор босқич йўқки, аёллар масалаларига у ёки бу тарзда ёндошмаган, у ёки бу тарзда уларни ҳал қилишга интилмаган бўлсин. Иккинчидан, тафаккур тарихида маълум бир из қолдирган барча файласуфлар, мутафаккирлар, давлат арбоблари, шоиру адиблар аёлга тааллуқли ўз қарашларини айтиб ўтганлар. Уларда аёлни қулар ва ҳайвонларга тенглаштиришдан тортиб, то фаришта даражасида тасвирланишигача учратишимиз мумкин. Бироқ, аёллар аҳволини, ҳуқуқини ижтимоий муаммо сифатида тилга олган биринчи киши у фаранг маърифатпарвар-файласуфи Ж.А.Кондарсе бўлиб, у ўзининг 1789 йили эълон қилган «Аёлларни фуқаролик ҳуқуқига киритиш ҳақида» деган мақоласи билан аёллар муаммосини кенг миқёсда тадқиқ қилиш, уларни ҳал этишга инсонпарвар кучларни жалб этишни бошлаб берди. Шу даврдан бошлаб Франция, кейинроқ Англия, Германия, Норвегия каби давлатлар парламентларида аёллар масалалари, уларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш тез-тез муҳокама қилинадиган бўлди.

Демократик ўзгаришлар Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва златларга мансуб аёлларнинг ҳам ҳаёти ва фаолияти соҳаларида турли даражада ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларни юзага келтирмоқда. Бунда ушбу жиҳатларга эътибор кўрсатиш лозим: аёлларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолияти, унинг оилавий муносабатларига таъсир этишига олиб келувчи муаммолар; бошқарув тизимидаги аёл салоҳияти ва унинг бу мавқеининг шахсий

фазилатларига таъсири масалалари; жамиятда аёлга нисбатан қўйилаётган талаб ва кутишларга мослик ёки мос эмаслик натижасида келиб чиқадиган муаммолар; ҳуқуқий онг шаклланмаганлиги, туфайли жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан юзага келадиган муаммолар; ўзаро муносабатларда мулоқот маданияти ва нормалари тўла шаклланмаганлиги оқибатида вужудга келадиган муаммолар; аёлларга нисбатан эскича қараш ва муносабат сақланиб қолганлигига боғлиқ равишда юзага келадиган муаммолар.

Аёлларни ижтимоий меҳнатга жалб этилгандан то ҳозирги кунгача аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлиги масаласи халқаро миқёсда умумжаҳон Декларацияси, давлатларнинг қонунларида белгилаб қўйилди. Эндиликда аёлларнинг ижтимоий ҳаётга аралашуви, унинг жамиятдаги улуши ва мавқеини оширди. Ҳозирги даврда аёлларимиз исталган соҳада миллат ва диний эътиқодларидан қатъи назар ўз истеъдод ва қобилиятларини тўла намоеън этиш имкониятига эгадирлар. Бу эса ўз навбатида турли соҳаларда уларнинг ютуқларга эга бўлишларига олиб келиши ҳам мумкин.

Аммо, аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллашувлари ўз навбатида уларнинг оилавий муносабатларига таъсир кўрсатиб, бу борада кўплаб муаммоларни юзага келтирар экан:

— биринчидан, уларнинг оила муҳитида бажарадиган юмушлари ва ишлари салмоғи камаймас экан;

— иккинчидан, оиладаги ўзаро муносабатлар, уй-рўзғор ишларини олиб бориш аёллар зиммасида кўпроқ бўлиши уларнинг иш жойига ва фаолиятига нисбатан иш тажрибаси ва касбий малакаси эркакларникидан кам ва паст бўлишига олиб келиши мумкин экан;

— учинчидан, аёлларнинг ижтимоий меҳнатга муносабатлари ва оила муҳитидаги юмушлари салмоғи ка-

маймаслиги уларнинг саломатлик кўрсаткичлари пасайишига олиб келиши мумкин экан;

— тўртинчидан, оила муҳитида фарзандлар ва қарияларнинг қаровсиз қолиб кетишларига олиб келиши, айниқса, ўсмирлик давридаги фарзандларнинг назоратсиз қолиши оқибатида уларнинг жиноят ва турли хулқ оғишларига юз тутишларига сабаб бўлиши мумкинлиги;

— бешинчидан, ижтимоий фаоллашув туфайли оилавий роллар тақсимоти бузилиши, оилавий ролларнинг тўла бажарилмаслиги ва бу ажралишларга олиб келиши мумкинлиги кабилар.

Бошқарув тизимида аёллар салоҳиятидан фойдаланиш ҳам ўз навбатида бир қатор муаммоларга сабаб бўлади: жумладан, унинг оила муҳитидан, фарзандлардан узоқлашишига; унга бўлган муносабат ва ишига талаб эркак раҳбардан кам қарамаслигига; бу эса, ундан кўплаб вақт ва қувватни сарфлашига олиб келади. Албатта бошқарув фаолиятида аёл раҳбар билан эркак раҳбар иш олиб бориш усули, ишга муносабати каби жиҳатлар ҳам ижобий, ҳам самарали томонларни ҳар бир жинс вакилида намоеън этади. Ва бу жараёнда шахсий фазилатларда аёллик фазилатларидан воз кечиб эркаклик фазилатларига эришиш лозимлиги кўринади, йўқса, иш фаолиятида самара камдек туюлиши мумкин.

Келтирилган барча муаммолар аёл ҳаёти ва фаолиятида ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу муаммоларни етарли даражада ўрганиб, тадқиқ этиб, керакли хулосаларга келиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳаёт зарурати бўлиб қолди.

Сабоат САФАЕВА,
И.М.Мўминов номидаги
Фалсафа ва ҳуқуқ
институту катта илмий
ходими.

Хушқомат бўлишни истасангиз

(Хажвия)

Бекатда автобус кутиб турган ўта семиз ва ўта озгин аёл бир-бирларига қараб кўйишар, икковлари ҳам биринчи бўлиб гап бошлашга журъат қилолмас эди.

— Мафтуна, ўзингмисан дугонажон? — сўради Назокат дугонасини зўрға таниб.

— Вой, ўзингмисан, Назокат? — деди Мафтуна ва икковлари кучоклашиб кўришдилар. Сўнг бир бирига тикилиб қолди. Мафтуна секин сўради:

— Нима бўлди ўртоқжон, касалхонада ётиб чиқдингми?

— Йўғ-е, соғман, фақат...

— Бирам ўзгариб кетибсанки, шунчалар ҳам озибсанки...

— Кўришмаганимизга ярим йилдан ошди, Озодани туғилган кунда бирга ўтиргандик, — дея аниқлик киритди Назокат. — Аҳволимни кўриб турибсан, ўзингга нима бўлди, бирам семириб кетибсанки, тинчликми дугонажон?

— Э-э-э-э, сен сўрама, мен гапирмайин. Бир дугонаминг гапига кириб, дўкондан «Хушқомат бўлишни истасангиз» деган китобни сотиб олгандим, ўша китобдаги маслаҳатларга амал қила бошладиму шу кулфатларга йўлиқдим.

— Ўзингни туппа-тузук қоматинг бор эди-ку, — Мафтуна, афсус билан сўради Назокат.

— Шунга куйинаман-да ўртоқжон, — деди Мафтуна. — Китобдаги келишган қоматли аёллар расмини кўриб шошиб қолибман, ўшалардай бўламан, деб ўйлабман. Ўзинг-чи, ўзинг нега бу аҳволга тушиб қолдинг?

Назокат ҳам хуноби ошиб гап бошлади:

— Менам шу китобни дўкончада кўриб сотиб олдим-у, эс-хушимни йўқотиб, маслаҳатларига шўнғибман. Мана аҳвол, кўриб турибсан, кундан-кунга чўп бўлиб озиб кетаяпман. Қаерида адашдик экан, а?

— Мениям бошим қотиб қолган. Қайта-қайта ўқийман, худди китобда ёзилгандай бажараман. Эрта тонгда югураман, сўнг ўн дақиқа гимнастика қиламан, нонуштага сут, қатиқ, бир бурда нон, кечқурун фақат мева

ейман, лекин кўриб турганингдек, кундан-кунга бесўнақай бўлиб, семириб кетаяпман, — дея ҳасратидан чанг чиқади Мафтунанинг.

— Менам худди шундай қиламан, лекин кўриб турганингдек озиб кетаяпман. Ётишдан олдин ўн дақиқа оёғимни иссиқ сувга солиб ўтираман. Китобда ёзилган мевали ниқоб тайёрлаб юзимга суртаман.

— Қуриб кетсин ўша мевали ниқоби, — дея хуноби ошиб дугонасининг гапини бўлди Мафтуна. — Ўшани бир ой суртишимни билан, юзимда доғлар пайдо бўлди. Дўхтирлар ҳам кетказишолмаяпти.

— Белга солиб айлантирадигани билан кундузлари машқ қилардим, белимга сиғмай қолди, ўнг биқинимда санчиқ пайдо бўлди.

— Вой дугонажон, мениям чап биқинимда санчиқ пайдо бўлган, — дея тасдиқлади Назокат.

— Тунов кунни автобусда кетаётсам, — дугонасига гап бермай сўзида давом этди Мафтуна. — Бирдан шундай санчиқ турдики, оғриқдан инграб юбордим.

Ёнимда ўтирган сўлоқмондай эркак: «Ёрдам беринглар, манави хотинни тўлғоқ тутаяпти, ой кунни яқин экан, кўчага чиқиб нима қиларди, эҳ хотинлар», деса бўладими?

Икки дугона суҳбатни давом эттириб, бекатдан узоқлаша бошладилар. Ҳеч қанча юришмай, бирдан тўхтаб, иккови ҳам бир бирига қаради. Назокат Мафтунага тикилиб сўради:

— Дугонажон, оқсаяпсанми дейман ёки менга шундай кўриндими?

— Ҳа энди, нимасини айтасан, — дея афсус билан бош чайқади Мафтуна. — Югуриш машқларини бошлаганимдан кейин беш ой ўтганда уйимиз ёнида энди чиқиб югуришни бошлагандим, ерда ётган симга ўралашиб йиқилдим, оёғим синиб, ўшандан буён оқсайдиган бўлиб қолганман. Ўзингга чап оёғингни салгина қийшиқ босаяпсанми?

— Китобда турникка осилиш машқлари бор экан, поччанг қилиб берган турникдан йиқилиб, чап оёғим оқсайдиган бўлиб қолган.

Икки дугона, ўта семиз ва ўта озгин аёл бири оқсаб, иккинчиси оёғини қийшиқ босиб боришмоқда. Бири кўйиб, бири олиб, ҳали ҳамон «Хушқомат бўлишни истасангиз» китобини муҳокама қилиб бошига тушган турли нохушликларни санаш билан банд.

Биз ҳам «эҳ, сиз аёллар, аёллар» деймиз, сиз-чи?

Салоҳиддин СИРОҲИДДИНОВ.



ТАЪМАГИРЛИК

— Дўхтир, бошим оғрияпти. Ҳаво ўзгарганлиги туфайли ҳароратим кўтарилиб, бўғимларим қақшаб кетяпти.
 — Уйқунгиз яхшими?
 — Унчалик эмас.
 — Қаҳва ичганингиздан сўнг уйқунгиз қочадиган вақтлар ҳам бўлади-ми?
 — Ҳа, бўп туради.
 — Айниқса Бразилия қаҳвасиданми?
 — Ҳар қанақасидан.
 — Нимасини айтасиз, Бразилия қаҳваси энг яхшиси. Топа олган пайтимда мен доимо Бразилия қаҳвасини ичаман.
 — Дўхтир, ҳароратим баланд эмас, аммо...
 — Ўтган куни дўконда ҳинд чойини олмоқчи бўлиб турган эдим. Навбат менга етганда тугаб қолди қурмағур, бошқасини эса ичмайман. Энди уни қаердан топаман, ҳеч ақлим бовар қилмаяпти.
 — Дўхтир, бўғимларим ҳам оғрияпти. Ҳаво ўзгарганда оғрийди, нимага экан-а?
 — Бўлиб туради. Ҳаво ўзгарганда бўғимлар оғримай, қаер оғрисин яна?
 — Ҳароратим унчалик баланд эмас, лекин...
 — Қисқичбақалар йўқолиб кетди. Авваллари бир бемор топиб келарди. Энди ўзи ҳам йўқолиб қолди. Ё батомом тузалиб кетди, ё... Йўқ, унинг бунчалик тез тузалиши мумкин эмас. У озиқ-овқат бўлимини бошқарарди. Бундай беморлар яхши дўхтир қўлига тушса узоқ вақт касал бўлади. Демак, бошқа дўхтирга ўтиб кетди. Ёки кўчиб кетди, лекин тузалгани йўқ.
 — Бошим ҳам оғрияпти, дўхтир.
 — Кўнглингиз айнамаяптими?
 — Айнапти.
 — Нимадан?
 — Ўзим ҳам билмайман.
 — Балиқ икрасидан.
 — Йўқ, икрадан эмас, буни мен аниқ биламан.
 — Менда ҳам худди шундай. Икрадан кўнглим айнамайди, айниқса қорасидан. Қизилидан ҳам айнамайди, лекин унчалик эмас. Менда шундай бир бемор бор эдики...

— У қандай касалга чалинган эди?
 — У балиқ икрасини топиб келар эди.
 — Мен унинг қандай касал билан оғриганини сўраяпман ахир?
 — Мен сизга айтяпманку, у доимо икра топиб келарди. Кейин изсиз йўқолди.
 — Жўнаб кетибдими?
 — Ҳа.
 — Чет элгами?
 — Ундан ҳам узоқроққа...
 — Ундан ҳам узоқ қаер бўлиши мумкин?
 — Шундай жойгаки, у ерда на қисқичбақа ва на балиқ икраси бор. Яна касаллик варақаси ҳам керак эмас.
 — Менгаям касаллик варақаси керак эмас, фақат ўзимни яхши ҳис қилсам бўлди.
 — Қандай қилиб ўзингизни яхши ҳис қиласиз? Бош оғриси, ҳарорат кўтарилса, яна бўғимлар қақшаб турса...
 — Дўхтир, ўтиб кетармикин-а?
 — Албатта... Ким бўлиб ишлайсиз ўзи?
 — Муҳандис
 — Ҳа. Муҳандисларда бундай ҳолатлар оғир кечади. Айниқса, бунинг устига ҳаммаси қисқичбақасиз, балиқ икрасисиз, қаҳва ва чойсиз.
 — Мен буларсиз ҳам кун кечира оламан.
 — Сиз-ку майли, бошқалар...
 — Аммо, мени бошқалар қизиқтирмайди. Ахир, касал менман-ку! Ҳали у ерим, ҳали бу ерим оғриси.
 — Бошингизда ҳам бир гап борга ўхшайди.
 — Сиз шундай деб ўйлайсизми?
 — Мен бунга аминман, биринчи навбатда бошингизни текширтиришингиз зарур. Невропатолог кўригидан ўтишингиз керак. Бошингизни даволашингиз биланоқ менинг олдимга келасиз, шу заҳотиёқ ҳаммаси ўтиб кетади.
 — Майли дўхтир, мен борай. Демак, балиқ икраси, қисқичбақа ҳамда қаҳвани топмагунимча сизнинг олдингизга келмас эканман-да...

Нодира АБАЗОВА
таржимаси.

Guliston

1
2002

Учредитель:
Министерство по делам
культуры
Республики Узбекистан
На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир
Маҳкам МАҲМУДОВ

Мусаҳҳих
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА

Фотомухбир
Владимир ГРАНКИН

Компьютерда саҳифаловчи
Барно ҲОШИМОВА

Таҳририят манзили:
700029, Тошкент — ГСП,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:

Бош муҳаррир — 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари — 133-08-57
Масъул котиб — 133-07-94

Босишга рухсат этилди:
4.01.2002 йил.

Қоғоз ҳажми 60Х84 1/8
Офсет босма.

Шартли босма табоғи 7,64.
Наشريёт ҳисоб табоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5.
Буюртма № 2857

Сотувда эркин нарҳда.

Таҳририятга келган қўлёзмалар
таҳлил этилмайди ва
муаллифларга қайтарилмайди.
Таҳририят фикри муаллифлар
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонаси.
700029, Тошкент,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© “ГУЛИСТОН” 1/2002.



Р.АХМЕДОВ Мусаввир Р.Ризамухамедов портрети.

Guliston

Индекс: якка обуначилар учун – 820

ташкilotлар учун – 806

Баҳоси: чакана савдода келишилган нарҳда.



Р. Аҳмедов "Тонг. Оналик"